

А.Н. НОРЧАЕВ



ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ
ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



558,48

Н 49

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга
махсус таълим вазирлиги

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

А.Н. НОРЧАЕВ

ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ *коне*
ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

114453

• TDIU
kutubxonasi

СБО

1/4

Тошкент–2020

УЎК: 338.48 (575.1)

КБК 65.(5Ў)

Н 88

А.Н. Норчаев. Замонавий туризм инфратузилмасининг шакланиш ва ривожланиш тенденциялари. (Монография). – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. – 220 бет.

ISBN 978-9943-6595-3-7

Монографияда ракамли иқтисодиёт ва инновацион технологияларни иқтисодиётта кенг жорий этиш шароитида туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожланиш йўналишларини аниқлашнинг долзарб муаммолари тадқиқ этилган бўлиб, миллий иқтисодиётнинг таркибида туризмининг иқтисодий салоҳиятини оширишнинг назарий-услубий жиҳатлари, асосий омиллари кенг қамровли статистик материаллар ёрдамида ўрганилган. Жумладан, унда туризм инфратузилмасининг таркибий тузилишини такомиллаштирип, туристик мигъакаларни ривожлантиришнинг янги стратегиясини ишлаб чиқиши, туризмда инновацион технологияларни кўллаш, туризмни кластер усулида ривожлантириш ва инфратузилмасининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар батағсил кўриб чиқилган, улар хусусида муаллиф ишланмалари, гоя ва таклифлари баён этилган.

Монография соҳа мутахассислари, олий ўкув юртларининг туризм йўналиши бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистрлари, илмий тадқиқотчи ходимлар ҳамда тармок амалийтчиларига мўжалланган.

УЎК: 338.48 (575.1)

КБК 65.(5Ў)

Масъул мухаррир:

А.Абдувохидов – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Б.Салимов – иқтисод фанлари доктори, профессор;

А.Кўчаров – иқтисод фанлари доктори, профессор;

М.Алиева – иқтисод фанлари доктори (DSc), доцент.

© А.Н. Норчаев., 2020;

© “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020.

КИРИШ

Халқаро туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётида тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, унинг жаҳон бўйича ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушки 10%ни, ҳар 1/10 иш ўрни, жаҳон экспортининг 7%, хизматлар экспортининг 30% тўғри келмоқда¹. Халқаро туризм мамлакат ташки савдо тўлов баланси, миулий иқтисодиёттагина эмас, уларнинг ижтимоий, маданий муҳитига ҳам таъсир этади. Бу борада ривожланган мамлакатларда туризм салоҳиятини янада ошириш, янги туристик хизматларни ишлаб чикиш, машҳур туризм брендларини яратиш, туристик хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, инфратузилмани такомиллаштириш, туризмда инновацион технологияларни кўллаш, ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда туризмни рентабелли соҳалардан бирига айлантириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда.

Жаҳон туризмидаги бу каби ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ва республикамизда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиши мақсадида Президентимиз томонидан 2016 йил 2 декабрда ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди². Фармонга кўра “Ўзбектуризм” МК негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташқил қилиниб, қўмита туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди, шу билан бирга туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни, харакатларни амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади. Туризм қўмитаси асосан республикада туризмнинг барча турларини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини ва инфратузилмасини вужудга келтириш, туристларга хизмат кўрсатиш даражасини жаҳон андозаларига кўтариш, иқтисодиётимизга чет эл валютаси тушумини кўпайтириш, республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳақидаги

¹ www.unwto. 15.09.2019 у.

² www.Lex.uz

маълумотларни жаҳонга (тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш) ёйиш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёrlаш, янги иш жойларини ташкил этиш каби қатор масалалар билан шуғулланади.

Шу билан фармон ижросини таъминлашнинг стратегик йўналишлари этиб кўйидагилар:

-мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-хукукий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиши, туризм тармогини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ҳамда уларни жаҳон бозорларида тарғибот килиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

-туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равища жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

-туризм индустряси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва меъёрий-хукукий базани янада такомиллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ва бозорга хос тарзда тартибиға солиши механизмини мақбуллаштириш;

-мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятили турларини зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш,

қишлоқ, саноат, ишбилармөнлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оиласвий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш хисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, худудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш;

-туризм фаолияти соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли ҳалқаро ва миллий ташкилотлари - туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

-республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси обьектларини - меҳмонхоналарни ва жойлаштиришининг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш обьектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш;

-халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланилишини хисобга олган ҳолда, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, уларни ички ва ҳалқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш;

-туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равища қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларини такомиллаштириш бош вазифалар қилиб белгиланди.

Бажарилиши лозим бўлган вазифаларни аниқ амалга ошириш учун Президентимиз томонидан 2019 йил 5 январь куни “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони қабул қилинди³. Бу фармонга асосан куйидаги йўналишлар:

³ www. Lex.uz. КХММБ: 06/18/5611/2430-сон. 06.01.2019 й.

-туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва кулагай туризм мухитини яратиш;

-туризм бозорининг турли симментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш;

-туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга алоҳида зътибор берилган бўлиб, амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди. Бундан келиб чиқсан ҳолда бизнинг олдимиздаги вазифаларимиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва ривожланиш йўналишларини ишлаб чикишда асосий зътибор нималарга қаратилишини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини шакллантириш жараёни жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида республикада кисқа вақтда бир қатор ютукларга эришмоқда. Жумладан, туризм хизматлари экспорти 2017 йилда 546,9 млн., 2018 йилда 1,041 млн., 2019 йилда 1,313 млн. АҚШ долларини ташкил этган⁴. Шунга мос равищда республикамизга хорижликларнинг ташрифи ҳам ортиб бормоқда. Охирги 20 йилликни оладиган бўлсак, хориж фуқароларининг Ўзбекистонга ташрифи тенденцияси ўсиши охирги икки йилда юкори кўрсаткичларга эришди. Бу борада 2002 йилдаги 442,1 минг кишидан 2017 йилда 2,847 минг кишига, 2018 йилда 5,300 минг кишига, 2019 йилда 6,748 кишига етган⁵.

Ўзбекистон фуқароларининг чет элларга ташрифи 2017 йилда 5,182 минг кишини ташкил этган, бу 2002 йилга таққосланганда 6,5 марта кўп. 2017 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган хориж фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича таҳлил қилганимизда 272,3 минг киши (84,7%) қариндошларни йўқлаш мақсадида, 203,7 минг киши (7,6%) туристик мақсадда, 159,9 минг киши (5,9 %) хизмат юзасидан, 28,7 минг киши (1,1%) даволаниш мақсадида, 18,5 минг киши (0,7 %) тижорат мақсадида, 6,9 минг киши (0,3 %) ўқиши мақсадида ташриф буюрган. 2016 йилдан бошлаб хорижлик ташриф буюрувчиларнинг сони кескин равищда ортиб бормоқда.

⁴ www.uzbektourism.uz

⁵ www.uzbektourism.uz

Бунинг асосий сабаби сўнгти йилларда республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасидир. Ташриф буюраётгандарнинг асосий қисми МДҲ давлатлари фуқаролари бўлиб, уларнинг Қозогистон Республикасига катта қисми тўғри келади 1,784 минг киши (МДҲ давлатларидан ташриф буюргандарнинг 67,7 %), Тожикистонга 261,9 минг киши (9,9 %), Россияга 143,9 минг киши (5,5 %), қолган давлатларга 16,9 % (булар Туркманистон 62,5 минг киши, Озарбайжон 4,3 минг киши, Беларус 3,0 минг киши, Украина 0,7 минг киши) тўғри келди⁶.

Ўзбекистонга 2018-2019 йилларда хорижлик ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми узоқ хорижий мамлакатлар орасида катта қисми Туркияга тўғри келади 2018 йилда 41,2 минг, 2019 йилда 63,5 минг кишини ташкил қилди, кейинги ўринларда Хитойдан 2018 йилда 32,4 минг, 2019 йилда 54,2 минг киши, Корея Республикасидан 2018 йилда 27,2 минг, 2019 йилда 35,5 минг киши, Ҳиндистондан 2018 йилда 21,0 минг, 2019 йилда 27,8 минг киши, Германиядан 2018 йилда 18,0 минг, 2019 йилда 27,6 минг киши, Япониядан 2018 йилда 17,0 минг, 2019 йилда 27,6 минг киши, Италиядан 2018 йилда 13,8 минг, 2019 йилда 20,3 минг киши, Франциядан 2018 йилда 13,5 минг, 2019 йилда 20,3 минг киши ташриф буюрган⁷. Бундан кўриниб турибдики, бу бозорда асосий эътиборни Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиё регионларига қаратишимиш керак. Бу регионлар бизга потенциал туристларни етказиб бермоқда. Бунга мос равишда туризм индустриясида жойлаштириш воситаларини кўрадиган бўлсақ, республикамизда 2017 йилда 676ta меҳмонхона мавжуд бўлган бўлиб, 17703 номерлар (хоналар) ва 34140 ta ўринларга (жойлар) эга бўлган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 886ta меҳмонхона бўлиб, уларда 19832 ta номерлар (хоналар)ни ташкил қилди. Бу жараён изчил давом эттирилиб, 2019 йилда умумий хоналар союи 4664ta бўлган яна 212ta янги меҳмонхоналар курилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, туризм республикамиз иқтисодиётининг комплекс ривожланиши ва шаклланишида ўзига хос ўрин тутмоғи зарур. Республика иқтисодиётининг шаклланишида бошқа тармоқлар сингари туризм ҳам ягона моделга

⁶ www.stat.uz

⁷ www.uzbektourism.uz

боғланиши керак. Республикаизда туризм инфратузилмасини тақомиллаштиришда кўйидаги масалаларни биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим деб биламиз:

- туризм соҳасида ягона миллий иқтисодий сиёсатни таъминлаш;
- туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун ташкилий-хукуқий қарорларни тақомиллаштириш;
- рекреацион ресурсларнинг самарали ишлатилишига, миллий-тарихий меъморчилик ёдгорликларини асл қўринишида саклаб қолишга эришиш;
- замонавий туристик комплексларни бунёд этишда чет эл сармоясини жалб этиш, мавжуд мажмуаларни халқаро талабларга мослаштириш, зарурий маблағлар билан таъминлаш;
- йирик хорижий фирмалар билан туристик хизмат курсатишининг янги шаклларини ташкил этиш;
- жаҳон бозорида талаб катта бўлган йўналишларни йўлга кўйишда ва ишлаб чиқишида фаол иштирок этиш;
- юкори малакали менежерлар, маркетологлар, бизнесменлар ва тадбиркорларни тайёрлаш, республикамиз олий ўкув юргларида шундай кадрларни қайта тайёрлашни жорий қилишдан иборатдир.

Юкорида кўрсатиб ўтилган омиллар ва ресурслардан самарали фойдаланиш ва туризм инфратузилмасини шунга мос равиша ривожлантириш ва шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб, уни бартараф этишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қиласди.

Ушбу монография мамлакатимиз иқтисодиётига рақамли иқтисодиётни ва инновациои технологияларни жорий этиш шароитида туризм инфратузилмаси ривожланиши йўналишларини белгилашнинг назарий-услубий асосларини тақомиллаштириш юзасидан айрим фикрлар билдирилиб, Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чўқурлаштиришда, туризмнинг иқтисодий самарадаорлигини ошришда, уни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишида ва ривожланиш тенденцияларини тахлил қилишда беъзи бир илмий ишланмалар таклиф этишга ҳаракат қилинди.

I БОБ. ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Замонавий туризмнинг вужудга келиши жараёнлари ва босқичлари.

1.2. Туризм инфратузилмасини ташкил қилувчи воситалар ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар.

1.3. Халқаро туризмнинг ривожланиши тенденциялари.

1.1. Замонавий туризмнинг вужудга келиши жараёнлари ва босқичлари

Туризмнинг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиб ўрганиб чиққанимизда шу нарса намоён бўлдики, у ўзининг ривожланиш жараёнида бир неча босқичларни босиб ўтган бўлиб, қадимдан инсонлар ҳаётида дунёни билишда асосий восита бўлиб келган.

Туризм ёки сайёхликнинг илк бор бошланиш даври қадим-қадимларга бориб тақалади. Кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши ёки бориши кўп ҳолларда савдо-сотик юмушлари, атроф-оламни кўра-билиш истаги, ҳамма иштирок этаоладиган ўқиш, диний ва дам олиш омиллари билан боғланган. Қадимги манбаларда ёзилишича, бундан иккя минг йиллар олдин (милодга қадар) мисрликларнинг ҳаётида сайёхлик, кўнгил очиш ва дам олиш одатдаги ҳодиса бўлган.

Маълумотларга кўра, дунёда энг қадимги сайёхлик марказларидан бири Осиё ва Тинч океан туристик минтақасида жойлашган Океания ҳудуди бўлиб ҳисобланади. У ерда яшовчи аҳолилар унча катта бўлмаган оддийгина қайиқчаларда Жанубий-Шаркий Осиёнинг Микронезия ва Марказий (Тинч океани) ороллари, Туамоту архипелаги (ороллар гурухи)га саёҳат қилишга. Милодга қадар 500 йил олдин полинезияликлар Гавай ороллари (Тинч океани)га 2 минг милл. масофагача океанда сузуб

боришган. Улар сафар давомида күёш, юлдузлар, булутлар ва күшларнинг ҳаракатидан фойдаланиб манзилга етиб олишган. Саёҳат давомида улар учун энг муҳим муаммо, бу ичимлик суви ва озиқ-овқатлар ҳисобланган.

Қадимги сайёхликнинг энг ривожланган марказларидан бири Ўрта Ер денгизи қирғокларида жойлашган Гречия, Италия, Франция, Испания, Миср, Тунис каби мамлакатлар бўлиб ҳисобланади. Денгиз бўйларида яшовчи аҳолилар савдо-сотик, диний сафарлар, илм олиш, даволаниш, янги худудларни кашф этиш мақсадида узоқ-узоқ сафарларга денгиз оркали чиқишган. Бу тўғрисида жуда кўпгина маълумотлар мавжуд бўлиб уларнинг бир кисми ҳозирги кунгача бизга етиб келган. Жумладан Гречияда V асрда (милодга қадар) Геродот ва IV асрда (милодгача) Пифей каби олимлар бошқа мамлакатларни ўрганиш учун саёҳатга борганлар.

Қадимги юон тарихчиси Геродот биргина Мисрда бўлиб қолмасдан, балки Шарқнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Ливиядан тортиб Вавилония, Ассурія, Кичик Осиё, ҳатто Қора денгизнинг шимолий соҳилларида ҳам бўлган. У ўзининг саёҳат таассуротларини тўққиз томлик “Тарих” номли асарида тасвирлаб берган.

Бу даврда қадимги Хитой ҳам юксак маданиятли давлатлардан бири бўлган. Хитойлик сайёхлар, олимлар, дарё, деигиз, тоглар тўғрисида жуда кўплаб географик маълумотлар (кўлләзмалар)ни ёзib қолдирган. Хитой элчиси Чжан Цаи II асрда (милодгача) саёҳатга чиқиб жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўплаб қолдирган. Унинг босиб ўтган сафар йўллари кейинчалик Буюк Ипак йўлига асос бўлган.

Қадимги Рим империяси туризм тараққиётiga жуда катта хисса кўшган мамлакат бўлиб ҳисобланади. Бу ерда мустаҳкам империянинг ташкил этилиши, бойлиги, мўл-кўлчилик, ҳудудининг катталиги, денгиз соҳилида жойлашганлиги каби омиллар туризмнинг ривожланиши учун зарурат ҳисобланган. Римликлар ўша даврда ажойиб йўллар тармоғини қуришган. Ҳар куни 100 милл масофагача отда сайд қилиш, ибодатхоналарни зиёрат қилиш амалиари бажарилган.

Александр Македонский (милодгача бўлган 334 йил) хукмронлиги даврида Туркиядаги Эфес шаҳри қадимги (анттик)

даврда энг муҳим савдо маркази ва асосий шаҳарлардан бири бўлиб хисобланган. Сайёхлар, акробатлар, хуққавоз (жонглер)лар, сеҳгарлар, шаҳар кўчаларини тўлдириб юрганлар.

Марко Поло (1254-1323) европаликлардан биринчилардан бўлиб, Осиёни ўрганган венециалик (Италия) сайёҳдир. Унинг отаси Никколо ва амакиси Маттео савдо-сотиқ билан шуғулланиб, тасодифан Мўгулистои хони Кублай (Чингизхоннинг ўғли) нинг қароргохига келиб қолишади. 1271 йилда Никко ва Маттео иккинчи бор сафарга чиқиб, мўгул титини ва маҳаллий урф-одатларни ўрганган Марко Полони ўзлари билан бирга олиб кетишади. Марко Поло хон илтифотига сазовор бўлади ва уни ўзига яқин олиб мулоzим этиб тайинлайди. Хон Марко Полони ўз ҳукмронлиги остидаги жойларда турли хил маълумотларни тўплашга даъват этади. У ана шу имкониятдан фойдаланиб, мамлакат ва ҳалқлар тўғрисида кўпгина маълумотларни тўплайди. 1292 йил мўгул хони учала сайёҳларга катта совға - саломлар бериб уларни ватанига қайтаради. Сайёҳлар Тинч океан орқали Кохинхин, Суматра, Цейлон, Трапезуд ва Константинополь орқали 1295 йили Венецияга қайтиб келишади ва бойлиги билан юқори мартабага эришиди. Кейинчалик Марко Поло у Венецияда буюк Кенгаш аъзоси лавозимига кўтарилади. 1307 йилда эса қайта ишланган сафар таъсуротларини босиб чиқаради. У ўз таъсуротларида хитойликларнинг ихтиrolари билан қизиқиб компас, забтлаш таҳтаси, векселлари билан танишганлигини ёзиб қолдиради.

Қадимги даврда туризмнинг ривожланиши жуда мураккаб кечган. Сафар муддати ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Кишиларнинг саёҳатда юриш тезлиги ўртача соатига 6 км. дан ошмаган. Бир кунлик босиб ўтгани сафарининг умумий масофаси эса 50-60 км атрофида бўлган. Саёҳатга чиқиши имтиёзи ва зарурати фақат савдогарлар, бой-бадавлат, майда савдогарлар, дворянлар ва аслзодаларга таалуқли бўлган.

Саёҳатчилар сафар давомида асосан от-увовлардан (от, тия, эшак ва бошқалар), қайиқлар ва кемалардан фойдаланишган. Улар саёҳат давомида якка ҳолда ёки савдо карвонларига қўшилиб ўз манзилларига етиб боришган.

Туризм ва савдо-сотиқнинг ривожланишига Марказий Осиё ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган бўлиб, бу даврда Буюк

саркарда Соҳибқирон Амир Темур тузган империянинг ҳам аҳамияти катта бўлган. Амир Темур давлати ўша вақтда маълум бўлган қуруқликдаги барча давлатлар билан деярли алоқани йўлга кўйган. Айнан Амир Темур даврида “Буюк Ипак Йўли”нинг мавқеи кўтаришган бўлиб, давлатлар ва элатлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланишига сабаб бўлган.

Туризмнинг ривожига ўйғониш даври (XV-XVI асрларда Европада фан ва санъатнинг тараққий этган даври) ҳам катта таъсир кўрсатади. Унда иқтисодиётнинг жўшқинлик билан ривожланиши, янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, давлатлараро савдо-сотиқнинг кенгайишига янада имкониятлар туғдиради.

Шу билан биргалиқда молиявий ресурслар имтиёзларнинг мавжудлиги, бўш вақтларнинг кўплиги, бой-бадавлат кишилар сонининг кўпайиши билан характерланади. XVI асрга келиб, Европа бўйлаб саёҳат қилиши одат тусига кира бошлайди. Бундай саёҳатларни уюштириш “Ёш аристократларни тарбиялаш дастури” га киритилиб, унда ўқиши, билим олиши мақсадлари кўзда тутилган. Бундай саёҳатларнинг йўналиши Англияда Лондон шаҳридан бошланиб, Франциянинг Париж шаҳрида, сўнгра Италияга: Генуя, Милан, Флоренция, Римгача давом этган. Орқага қайтиш йўли Швейцария, Германия, Голландия мамлакатлари орқали ўтилган. Аслзода (аристократ) ёшлар саёҳат давомида хўжалик, сиёсий алоқаларини таникли хорижий оиласалар билан ўрнатишга киришадилар. Улар нафақат билим олиш, балки дам олиш, кўнгил очиш учун ҳам сафарларга чиқишиган.

Бу ҳаракатлар давомийлигига бир қатор ўзгаришлар юзага кела бошлади, энди туризм фан-техника ривожланиши натижасида режали, илмий асосланган ҳолда амалга ошириш учун шароитлар юзага кела бошлади.

Туризмни, илмий асосланган ҳолда амалга ошириш ғоясини рўёбга чиқариш XIX асрнинг ўрталарига тўғри келган бўлиб, бу жараён саноатнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви билан боғлиқдир. Бу вақтга келиб, туристик саёҳатлар поездлар, автомобиллар ва пароходларда амалга оширила бошланди ва туризмнинг яхлит инфратузилма шаклида ривожланиш йўлига ўтди. Туризмни ташкиллаштириш аввалгилаridан тубдан фарқ қила бошлади. Бунда туристларнинг

ҳаракатланиши ва транспорт воситаларининг такомиллашуви билан характерлидир. Инсонларнинг меҳнат қобилиятини сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий стратегиянинг муҳим соҳаларидан бири бўлган туризмнинг сезиларли даражада фаолият кўрсатиши учун етарли шарт-шароитлар айнан шу даврда пайдо бўла бошлади. Бу даврда иқтисодий томондан ўзини ўнглаб олган Европа ва Америка минтақаси мамлакатларида инсонлар оламни кенгроқ билиш мақсадида дунёнинг турли хил бурчакларига саёҳат қила бошладилар. Замонавий, ҳар томонлама пухта ишланган режа асосида туризмнинг янги босқичини дунёда биринчи бўлиб асли дурадгор (хунарманд) бўлиб ишлаган Буюк Британиялик Томас Кук 1841 йилда бошлаб берди⁸. Томас Кук олдинги касбини ўзгартириб, бор имконияти билан ҳалқаро саёҳатларни ташкил этиш учун янги касбни ижод эта бошлади.

Томас Кук замонавий туризмни Англиянинг икки шаҳри орасида амалга оширди. У “Temperake” (Яшил Ой) жамияти аъзоларининг Долингборг шаҳрида ичкиликка қарши кураш масаласига бағишлиланган анжуманга олиб бориш учун поездни ижарага олди. “Midlard Railways” ширкати билан шартнома тузган Кук биринчи марта маҳсус бориш - қайтиш чипталарини бостиради ва Ланкастр-Долингборг орасидаги йўл саёҳатини энг такомиллашган ҳолда амалга оширишга эришди. Бу саёҳатнинг нархи киши бошига бир шиллингдан тўғри келди. Бу нарх ўша пайтда энг арzon ҳисобланар эди. Унинг ўзи ҳам бу жамиятга аъзо бўлгани учун саёҳатдан фойда олмади, лекин қилган хайрли ишдан нафақат жамият аъзолари, балки бошқа кишилар ҳам манфаатдор бўлгани учун Кук бу ишни катта бизнесга айлантиришга қарор қилди.

Томас Кук 1846 йили фаолиятини ривожлантириш мақсадида кўшни давлат бўлган Шотландияга поезд ва пароходда саёҳатлар уюштириди. Бу саёҳатлар муваффақиятли чиқди. Энди бундай саёҳатлар дастурларини ишлаб чиқиб пул топиш Кук ва унинг ўғли учун бизнес фаолиятига айланиб ултурган эди. Кук 1860 йилда дунёда биринчн бўлиб, Лондон шаҳрида ўзининг хусусий туристик корхонасини очди ва бу корхона «Thomas Cook Travel» номини

⁸ В.А. Квартальнов, И.А. Зорин и.др. Туризм как вид деятельности. –М: “Финансы и статистика” 2001 г. -33c.

олди. Бу туристик корхона ҳозирги кунда ҳам ўз фаолиятини дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларида давом эттириб келмоқда.

Томас Кук сафарлар географиясини кенгайтириб бориб, минтакалараро ва қитъалараро туристик йўналишлар режаларини тузиб чиқа бошлади. Кук ва унинг ўғли (бу бизнесни Томас Кук оиласиги бизнесга айлантириди) фирмаси 20 йил ичидаги фаолиятини кенгайтириб, 1866 йил иккита англиялик туристлар гурӯхини АҚШга боришини ташкил этади. Шимолий Америкага бир неча бор саёҳат уюштириб, тажрибалар орттириди ва маълум ижобий натижаларни қўлга киритди. Кук Шимолий Америкага олиб борган туристлар гурӯхини Нью-Йорк, Вашингтон, Ричмонд, Буюк Кўллар соҳиллари, Ички Уруш худудлари, Кентукки, Ниагара шаршараси ва Монтериал бўйлаб саёҳат қилди. Шундан сўнг Кукнинг ўзига бўлган ишончи ортиб борди. У дунёнинг барча худудларига саёҳатлар уюштиришни бошлади, натижасида “Саёҳат қилмоқчи бўлсангиз Томас Кукка мурожаат қилинг” деган шиор пайдо бўлди ва бу шиор бутун дунёга тарқала бошлади.

1867 йилда “Квейкер Соти” пароходида 60 кишидан иборат саёҳларни ўз бортига олиб, беш ойлик дengiz саёҳатини бошлади. Ўша даврда бизнеснинг янги соҳаси туризм тез орада жуда кўплаб тадбиркорларни ўзига жалб қила бошлади. Томас Кук фирмасидан кейин Англиядаги Треймза ва сэра Лан туризм ташкилоти, туристлар сиёсий ассоциацияси, Велосипедчилар клуби каби бир қанча янги туризм ташкилотлар пайдо бўла бошлади.

Бироз кейинроқ туризм фирмалар ва агентликлар Францияда, Италияда, Швейцария ва Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам юзага келди.

Томас Кук туризм фаолияти натижасида соҳага куйидаги янгиликларни олиб кирди⁹:

- транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва бошқа харажатларни ўз ичига олган ҳолда оммавий саёҳат қилиш;
- кредитта саёҳат қилиш;
- ёпилар учун маънавий-маърифий саёҳатлар;
- ишчилар учун маҳсус саёҳатлар уюштириш;
- валюта алмаштириш операцияларн ва бошқалар.

⁹ А.Н. Норчаев. Халқаро туризм ривожланишининг иктисолий ўсишга таъсири. и.ф.н. дисс. –Т: ТДИУ, 2014 й. -18 б

Туризмнинг ривожланиши билан бирга юзага келган айрим сиёсий вазиятлар туфайли унинг ривожланишида муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Туризм ривожланишдаги биринчи жиҳдий муаммо, бу Биринчи жаҳон уруши бошланиши бўлди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан туризм инфратузилмасининг шакланиши ва ривожланиши, шу билан биргаликда турфирма ва турагентликларнинг фаолияти деярли тўхтаб қолди. Тўрт йиллик уруш тугаши билан, 1919 йилдан бошлаб ҳарбий самолётларнинг фуқароларни ташишига мослаштирилиши натижасида туристик фирма ва турагентликларнинг фаолияти яна жонланади бошлади.

Туризмнинг қисқа вақт ичидаги ўзини тиклаб олиши ва ривожланишига бир қатор етарли асослар бор эди. Бу даврда Америка минтақасидаги туристлар оқими Европа ва Осиёга қаратилиб, уруш вайронагарчиликлари ва уларни тиклаш борасида инвестициялар киритиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликлар юзасидан ташрифлар кўпайиб борди. Бу давр узокка чўзилмади, сабаби 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози (кризис)нинг кучайиши Европада сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, Германияда давлат ҳокимиятига Гитлер бошчилигидаги нацистлар партиясининг келиши билан боғлик бўлди. Туризм соҳаси турли хил давлат аҳамиятига эга бўлган ахборотларни тўплаши ва кўпорувчилик ишларини амалга оширадиган манба бўлиб қолди. Мисол, Испаниядаги гражданлар урушин даврида Германия Ташвиқот ва Тарғибот вазирлигига маҳсус туризм бўлими ташкил этилган эди. Унинг асосий вазифаси Испанияга поляк аскарларини турист тарзида юборишдан иборат эди.

1939-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши халқаро туризмнинг ҳажмини кескин камайтириб юборди. Уруш даврида кўлгина Европа мамлакатлари шаҳарлари харобаларга айланаб қолди. Ҳамма мамлакатларда пул танқислиги, ёқилғи-энергетика ресурслари, озиқ-овқат ва малакали кадрларнинг етишмаслиги давлатларнинг миллий иқтисодиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу борада дунё мамлакатларида сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, ҳарбий қуролланиши пойгасининг тўхтовсиз кучайиши халқаро туризм ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Миллионлаб ишчилар учун ташки дунё кўрқинчли ва хавфли манба бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Европанинг айрим мамлакатларида, АҚШ ва Канадада халқаро туризм яна жонлана бошлади. 1951 йилга келиб, бутун дунё бўйича қайд этилган туристларнинг умумий сони урушгача бўлган даражага етди ва 25 миллиондан ортиқ кишини ташкил қилди¹⁰. Урушдан кейинги йилларда туризм соҳаси оммавий жамиятнинг барча табақадаги аъзолари учун хизмат шакли бўлиб ҳисобланади. Кучли дам олишга бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида туризм инфратузилмаси тезликда шакланди. Бу давр туристик фирмаларнинг актив фаоллашуви оммавий курилиш меҳмонхоналар, мотеллар, дам олиш уйлари ва кўнгилочар жойлари билан ифодаланади. Халқаро миқёсда айрибошли кенг кўламда ривожланиб, сайёхлик якка тартибдан, уюшган оммавий ҳолатта айлана бошлади. 1947 йилда Парижда халқаро туристик ташкилотларнинг расмий Иттифоқи (МСОТО) тузилди ва унинг устави тасдиқланди. Унинг ҳақиқий аъзолари бўлиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Иттифоқ таркибига 120дан ортиқ давлат кирган.

1969 йил БМГ бош Ассамблияси резалюциясига мувофиқ нодавлат халқаро туристик ташкилотларнинг маҳсус иттифоқи (МСОТО) қайтадан ташкил этилиб, Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (БТТ)га айлантирилди. БТТ 1975 йил 2 январда ўз уставини қабул қилди. Унинг таркибига бугунги кунда 160дан ортиқ давлат киради. БТТ ташкилотининг асосий мақсади – туризм соҳасида давлатларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлигини йўлга кўйиш, туризмнинг ривожланишини рағбатлантириш, тинчлик, тараққиёт ва инсои ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш, жадал иқтисодий юксалишга ўз ҳиссасини қўшишдан иборатdir.

Туризм ривожланишидаги асосий воқеалардан бири, 1972 йилда ЮНЕСКО қарори билан Бутунжаҳон тарихий-маданий обидаларини ва табиатни сақлаш, келгуси авлодга етказиш бўйича Конвенция қабул қилиниши бўлди. 1994 йилда Конвенцияга аъзо бўлиб кирган мамлакатлар сони 112 тадан ошиб кетди. Ўзбекистон ҳам бу Конвенцияга қабул қилинган. Ушбу Конвенцияга 95 та

¹⁰www.unwto.org

давлатдаги 411 та объектлар рўйхатга киритилган бўлиб, шулардан 305 таси тарихий-маданий жойлардир. Булардан Флоренция ва Римдаги тарихий обидалар, Аградаги Тожмаҳал, Москвадаги Қизил майдон, АҚШдаги Озодлик ҳайкали, Миср Пирамидалари, Александрия Мағзи, Париждаги Эйфель минораси, Самарқанддаги Регистон майдони, Хивадаги Ичанқалъя ва шу каби кўплаб тарихий аҳамиятга молик обидалар инсоният тараққиётини ифодалайди. Табиий объектлар юқоридагиларнинг 90 тасини ташкил этиб, кўпчилик қисми Шимолий Америка китъасида жойлашган бўлиб, асосини миллий хиёбонлар ташкил этади. Ҳар бир давлат учун ҳалқаро туризмни янада ривожлантириб юборадиган сабаблар бўлади, бунга мисол қилиб Европа ва Осиёни қадимдан бир-бирига боғлаб келган “Буюк Ипак йўли”ни олишимиз мумкин. Ўзбекистоннинг “Буюк Ипак йўли” кесишган чорраҳада жойлашгани бизда туризмни ривожлантириш учун имкониятлар катталигидан далолат беради.

Ҳалқаро туризм ролининг кўтарилишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг аҳамияти ортиб борди ва тезкорлик билан ривожланиб бораёттани учун ушбу соҳага жуда катта эътибор берди. 1963 йилда Римда (Италия) БМТнинг туризм ва саёҳатлар бўйича I^нконференция ўтказилди. Конференцияда “Вақтингчалик келувчи”, “Турист”, “Экскурсант” каби туризмдаги маҳсус тушунчаларга аниқлик киритилди. Лекин, шу кунгача хорижий илмий адабиётларида “Туризм” тушунчасини аниқлашга турлича ёндашувлар мавжуд. Бу ёндашувларни турлича белгиларга караб бир неча гурухларга бирлаштириш мумкин:

- туризм – одамларни йўналиш бўйича аниқ объектга ташриф буориши ёки маҳсус қизиқишини қондириш ва доимий яшаш жойига қайтиб келиши ҳаракатларининг алоҳида шаклидир;
- туризм – одамларни ҳаракатланиши (жойини ўзгартириши), уларни доимий яшаш жойида бўлмаслиги ва қизиққан объектида (сафарда) вақтингча бўлиши;
- туризм – шахсни унинг ижтимоий-гуманитар функцияси орқали (тарбиявий, таълимий, соғломлаштириш ва спорт) амалга ошириладиган ривожланишининг алоҳида шаклидир;
- туризм – дам олишни, бўш вақтни ўтказишнинг оммавий шакли сифатида қаралади.

Туризм ҳодиса сифатида дам олиш деб онгимизга сингиб кетган бўлиб, бошқа нарса анъанавий тасаввурларга сифтмайди. 1991 йилда Оттавада (Канада) бўлиб ўтган Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг конференцияда концепция сифатида талаблар йўналиши танланди ва “Туризм – одатдаги мухитдан ташқарида дам олиш, ишга алоқадор ва бошқа мақсадларда бир йилдан кўп бўлмаган даврда бўлган саёҳат ҳамда жойларда бўлишни амалга оширган шахс фаолияти” -деб таъриф берилди.

Илмий адабиётларнинг яна бирида туризм сўзи лотинча «tourism» сўзи билан ифодаланади. Лотинча бу сўзнинг асл маъноси “айлантирмоқ”, “йўлини ўзгартирмоқ” каби маъноларга тўғри келади. Туризм термини алоҳида, мухим яшаётган ерига қайтиб келиш шарти билан, киска ва узоқ муддатда қилинган саёҳат, деган маънога тўғри келади.

Шу жумладан, конференцияда статистик ҳисоботларни бир хил қилиш ва уларни таҳлил этиш, туризм ривожланиши истиқболини белгилаш, чегараларда туристларни чиқариш ва киритишнинг расмиятчилик тартиб-қоидаларини соддалаштириш кўриб чиқылди.

Юқорида кўриб ўтилган омилилардан хулоса қилиб оладиган бўлсак, бизнинг фикримизча “Халқаро туризм – бу давлатлар иқтисодиётини мустаҳкамловчи, халқаро алоқаларни ривожлантирувчи, аҳолини янги иш ўринларни билан таъминловчи, кишиларнинг маънавий ва ижтимоий аҳволини яхшиловчи тармоқдир”¹¹ - десак хато бўлмайди.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида халқаро туризм энг юқори технологиялар асосида ривожланиб бораётган яхлит бир инфратузилмага айланди. Бу даврда жаҳон иқтисодиётига катта таъсир ўтказадиган йирик халқаро Трансмиллий компаниялар (ТМК), меҳмонхоналар занжири, замонавий овқатланиш корхоналари, йирик кўнгилочар обьектлар инфратузилмасининг пайдо бўлиши халқаро туризмнинг ривожлантиришга жуда қулай шарт-шароитларни тұғдирди.

Умуман олганда, XX асрнинг 90 йилларида халқаро туризм бозори ривожланиши бироз сусайиб, унинг ўсиш суръати ўртача 4 фоиз атрофида кузатилди. Халқаро туризмнинг ривожланишига

¹¹ Тадқиқотчининг “Халқаро туризм” тушунчасига берган таърифи.

таъсир кўрсатувчи омиллардан бири – бу халқаро терроризм ва экстремизм бўлиб қолмоқда. 2001 йил 11 сентябрда террористик ҳаракатлар биргина АҚШ туризмга эмас, балки бутун жаҳон туризм ривожланишига берилган қаттиқ зарба бўлди. Террористик ҳаракатлар оқибати натижасида биргина АҚШга келиб-кетувчи туристлар сони 12,6% қискарди. Туристларга хизмат кўрсатувчи кўпгина йирик туристик компаниилар, фирмалар, меҳмонхоналар, авиакомпаниялар банкротлик даражасига тушиб колди.

Бу каби салбий омилларга қарамасдан туризм ривожланишида бир қатор ютукларга эришмоқда. Мисол учун XXI асрда космик туризмни ривожлантириш, сайёхларни космосда сайд килдириш ва шу билан бир қаторда янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш асосий йўналишлардан бирига айланмоқда. Дунёда биринчи бўлиб 2010 йилда россиялик туроператорлар томонидан космик туризмнинг йўналиши ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди. Бу йўналишда ҳозирда дунёнинг етакчи давлатларида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилиши бошлаб юборилди. Улар келажақда туризмни космослараро ривожлантиришни мақсад қилиб олишмоқда.


1.1.1-жадвал

Замонавий туризмининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари¹²

Босқичлар	Амалга оширилган ишлар кўлами ҳақида қисқача маълумотлар
Биринчи босқич- 1840-1914 йиллар	Халқаро туризм ривожланишига тамал тошини Томас Кук кўйди. Халқаро туризмни ташкил қилишга илмий томондан ёндашилди. Туристик фирмалар вужудга келди. Туризмнинг иқтисодий аҳамияти очиб берилди. Туризмда такомиллашган транспорт воситаларидан (темир йўл ва пароходлардан) фойдаланиш йўлга кўйилди. Мажаллий, давлатлар ўртасида, қитъалараро туристик йўналишлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.
Иккинчи	Биринчи жаҳон уришининг ниҳоясига этиши билан туризм қайта тиклана бошлади, хусусий

¹² Тадқиқотчи томонидан халқаро туризм ривожланиши босқичларга бўлиб чиқилди.

босқичи - 1920-1938 йиллар	<p>мехмонхоналар (юқори классдаги), денгиз атрофларида дам олиш масканлари ва курортлар курилиши жадаллашди. Туристларга транспортда хизмат күрсатиш тизими (Биринчи жағон урушида кең фойдаланилған самолёттар фуқароларни ташишга мослаштирилди, автомобиллар ишлаб чықарып көнгайтирилди, дегиз транспорти ривожланиши янги босқичга ўтди) янгича күринингэ га бўлди.</p>
Учинчى босқичи - 1950-1970 йиллар	<p>Иккинчى жағон уруши тугаши билан ҳалқаро туризм қайтадан сёкка туралошади. Ҳалқаро туризмга интеграцион жараёнлар кириб кела бошлади. Бронлаштиришнинг ҳозирги замон компьютер тизими – Computer Reservation System (CRS)га асос солианди. Ҳаво транспортида захиралаштириш тизимлари (“American Airlines” ва “United Airlines” компаниялари томонидан) яратилди.</p>
Тўртингчى босқичи - 1970-1990 йиллар	<p>Туризмда ахборот-коммуникацион технологиялар, глобал дистрибуютор тизими (Global Distribution Systemes - GDS) кең жорий қилинди. Трансмиллий компания (ТМК)лар туризмга (мехмонхона, умумий овқатлантириш, транспортда) кириб келди. Туризмда интеграцион жараёнлар янги ривожланиш босқичига кирди.</p>
Бешинчى босқичи - 1990-2010 йиллар	<p>Глобаллашув жараёнларининг вужудга келиши натижасида “Замонавий туризм” тушунчаси кўлланила бошланди. Туризмнинг жағон ЯИМда улиши кескин равишда ортиб борди, экспорт салоҳияти оширилди, инвестициянинг барқарор оқими таъминланди. Туризмда стратегик алиянслар (мехмонхоналар, ҳаво транспортида) пайдо бўла бошлади. Кластер усули туризмда кўллана бошланди.</p>
Олтингчى босқичи - 2010 йилдан ҳозиргача	<p>Туризмда ракамли инновацион-технологиялар жорий қилина бошланди. Туристлар учун макондан ташқарида саёҳатлар (космик туризм россиялик туроператорлар томонидан биринчи марта амалга оширилди) таклиф қилина бошланди.</p>



1.1.1-расм. Халқаро туризм турлари ва ташкиллаштирилиш бўйича таснифланиши¹³.

¹³ Тадқиқотчи томонидан туризм тури бўйича тузиб чиқилган таснифлагич.

Хатто кейинги ўн йилинда шу нарса намоён бўляптики, баъзи мамлакатларда туризмга мослаштирилган маҳсус худудлар (регионлар) ташкил қилинмоқда. Буларнинг асосийлари тогли худудларда, дengиз кирғокларида, табиати гўзал жойларда ташкил этилмоқда. Бу эса йўналишлар географиясини кенгайтириш билан бирга инфратузилманинг такомиллашувига олиб келмоқда.

Халқаро туризм ўзининг ривожланиш босқичлари ва йўналишларининг такомиллашуви натижасида уни таснифлаш ва туркумларга бўлишга эҳтиёж сезилди. БТГ туризм турларини тўлароқ белгилаш учун куйидаги таснифлаш (классификация)ни киритишни таклиф қилиб ўтди. *Ички туризм* – фуқароларнинг аниқ бир мамлакатда доимо яшаган ҳолда, ўша мамлакат миллӣ чегараси доирасида дам олиш, дунёни билишга бўлган қизиқишини қониқтириш, спорт машгулотлари билан шугулланиш ва бошқа туристик мақсадларни амалга ошириш учун вақтингчалик чикишидир. Бу туризм тури мамлакатга валютани олиб келмайди. Шундай бўлсада, мамлакат минтақалари ўргасида даромадларнинг тақсимланишига таъсир этиб, иқтисодиётнинг ривожланишига туртки беради. Бу турдаги туризмнинг ривожланиши шартларидан бири туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун зарур воситаларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бошқа шартлар — ички инфратузилмалар (мехмонхона, транспорт, мамлакат йўллари ва бошқалар)нинг тегишли ривожланганлиги даражаси билан боғлиқдир.

Чиқиши туризми – бирор бир мамлакат (регион) шахснинг ўзи ахолиси бўлмаган мамлакат (регион) га саёҳат қилиши учун келиши. Кириш туризми даромад олиш нуқтаи назаридан фаол сифатида характерланади. Чунки у хорижий валюта оқимини яратади. Чиқиши туризми эса пассив ҳисобланади ва валюта мамлакатдан олиб чиқиб кетилади. Кўпчилик мамлакатларда кириш туризми миллӣ иқтисодиётнинг истиқболли ривожланиши йўналишларидан саналади. Аниқ мамлакат (минтақа)лар туризми иқтисодиётини ўрганиш чоғида унинг ривожланиш йўналиши ва ишлаш самарадорлигини оширишга “Миллӣ туризм”, “Халқаро туризм”, “Мазкур мамлакат (минтақа) доирасида туризм” тушунчалари сифатида қаралиши зарур. Келтирилган таснифлашлар нуқтаи назаридан ички ва чиқиши туризми миллӣ туризмга киритилади.



Шу билан бирга халқаро туризм ўз навбатида ташкил қилиш турига ва йўналишларига қараб ҳам таснифланади.

1.1.2-расм. Туристик йўналишлар (маршрутлар) тавсифномаси¹⁴.

БТТ маълумотига кўра, ҳозирги кунда жаҳонда бўлаётган ҳар хил инқирозлар (иқтисодий кризислар—нефть нархининг бекарорлиги, 2019 йилнинг декабрь ойида Хитойда аникланган ва 2020 йилнинг январь ойидан бошлиб бутун дунёга кенг тарқалган

¹⁴ Тадқиқотчанинг ишланмаси.

COVID-19 коронавируси) шароитида ҳам халқаро туризмнинг ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Халқаро туризмни ривожлантириш эвазига бутунжаҳон ялли миллий маҳсулотнинг 10%, жар 1/10 иш ўрни, жаҳон экспортининг 7%, хизматлар экспортининг 29% тўғри келмоқда¹⁵. Туризмнинг бундай натижага эришиши, туризм инфратузилмасининг жадал суратлар билан ривожланиб борилиши сабаб бўлмоқда. Инфратузилмага боғлик ҳолда корхоналар, туристларга асосий хизмат турларини кўрсатадиган соҳалар (ҳаво, қуриқлик, денгиз транспортлари, меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинг ва пансионатлар, умумий овқатланиш муассасаларининг кўпайиши), туристик фирмалар, транспорт ташкилотлари, туризм соҳаси бўйича кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш билан шугууланувчилар, ахборот ва реклама хизмати, туризмни бошқариш ташкилотларининг вужудга келиши турнестлар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, чакана савдо корхоналари ривожлантирилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳонда туризмни кенг тарғиб қилиш учун интернет рекламаларни, туристик иашриётларни янада ривожлантириш учун маҳсус полиграфик базаларни ташкил этиш рағбатлантирилиб келинмоқда.

Юқоридаги фикрларни ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг тутган ўрнини ҳисобга олиб, у кишиларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, инсонларни бўш вақтларини самарали ўтказиш, оламни билиш, давлатлараро иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқаларни кучайтириш, жаҳон хўжалигида энг фойдали тармоқлардан бирига айланиши мумкин деган хуноса чиқаришга асос бор. Ҳақиқатан ҳам, халқаро туризм орқали дунё миқёсида жуда катта ишларни амалга ошириш мумкинлиги намоён бўлиб бормоқда.

1.2. Туризм инфратузилмасини ташкил қилувчи воситалар ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Инфратузилма (лотинча “Infra” – остида, пастда, “struktura” - тузилма, жойлашув) – тизимнинг ишлашини таъминлайдиган ва бир-бирiga чамбарчас боғланган хизмат кўрсатиш тузилмалари ёки

¹⁵ www.unwto.20.01.2020 y.

объектлар түплемидир. Унинг умумий тузилмасини иқтисодий ёки сиёсий ҳаёт ташкил этади. У бутун бир иқтисодий ва сиёсий характердаги бир маромда кечадиган ҳаёт фаолиятини таъминлашга қаратилган. Иқтисодий инфратузилмага транспорт, алоқа, коммуникация, маший хизмат, таълим ва коммунал хўжалик, турар жой, турмуш тарзига ўргатиш, ахолининг биргаликда ҳаёт кечириши учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш мажмуй киради. Бошқача айтганда, инфратузилма ахоли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган хўжалик ва маданий объектлар, унинг хизмат кўрсатувчи тармоқларини ташкил қилувчи (йўллар, кўприклар, каналлар, омборлар, транспорт, алоқа, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалиги, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, молиявий ташкилотлар ва ҳ.к.) маҳаллий бошқарув мажмуси бўлиб ҳисобланади.

Инфратузилма хусусан ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга бўлинади. Ижтимоий ўзига соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқаларни қамраб олади – барча корхоналар, муассасалар бинолари, тармоқлари ва технологик тизимлар, одамлар ижтимоий ҳаётидаги моддий асосларни шаҳалантиришга қаратилган.

Инфратузилма элементлари турли хил белгиларига қараб таснифланниш мумкин. Инфратузилмани кенг миқёсли мёзонлари бўйича ҳалқаро, милий, худудий, шаҳар, кишлоқ инфратузилмаларига ажратилади. Фаолият соҳаси мезонлари эса, инфратузилма ижтимоий, бошқарув ва технологик соҳалар билан чегараланади.

Шу сингари, туризм инфратузилмаси туризм соҳасининг ажралмас қисми бўлган икки элементни ўз ичига олади.

Биринчи элемент – бу меҳмондўстлик индустрияси бўлиб, унга турар жой ва овқатлантириш хизматларини кўрсатадиган корхоналар киради.

Иккинчи элемент – инфратузилманинг таркибий қисмлари бўлиб, у уч босқичли тизимни ўз ичига олади.

Инфратузилманинг биринчи босқичи турмаҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо туристик хизматларни тақдим этиш учун зарур бўлган бинолар, транспорт, алоқа, энергетика, коммунал хизматлар, молия, сугурта, хавфсизлик тизимларини ўз ичига олади.

Инфратузилманинг иккинчи ва учинчи тизимига туристик фаолият ва турмаҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, автомобилларни ижарага берувчи компаниялар, такси парклари, кафе ва ресторонлар, спорт кулублари, музейлар, театр ва кинотеатрлар, кўргазма заллари, цирклар, парклар ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар киради.

Бундан кўриниб турибдики, туристик инфратузилмалар ўз таркибиغا жойлаштириш воситалари (мехмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, меҳмон уйлар), овқатлантириш корхоналари (ресторан, бар, кафе), алоқа йўллари йигиндиси (йўллар, шох йўллар, аэропортлар, кемалар тўхтайдиган жойлар х.к.), коммуникациялар (сув кувурлари, электр тармоқлари, марказий иситиш корхоналари, оқова сув тармоқлари, чиқиңдиларни тўпловчи корхоналар, телефон, алоқа, (почта бўлимлари), ҳукуқни ҳимоя қилиш, жамоат – тартибини сакловчи идоралар, тиббиёт ташкилотлари, маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, дўконлар, спорт иншоотларини бирлаштиради ва туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан чамбарчас ҳолда боғлангандир.

Туристик инфратузилмалар туристик зарурый шартшароитларини, сайёхларнинг хавфсизлиги, соғлиқ-саломатлигини таъминлашга қаратилган. Маълумки, сайёҳ учун қайси бир жойда тинчлик осойишталиқ, маиший кўлайлик яратилган бўлса, у ўша жойга боришга интилади. Турист автомобилдами, поезддами, меҳмонхонадами қисқаси каерда бўлмасин у ўзини хавф - хатарсиз ҳолда сезиши, унга зарурат бўлганда биринчи ёрдам кўрсатилиши зарур. Мобода эҳтиёж тугилса, у ер куррасининг ҳар қандай жойи билан боғланиш имкониятига эга бўлиши, юқори даражада тиббиёт маслаҳатлари, зарурий сервис хизмати олиш имконига эга бўлади.

Туризм инфратузилмасининг ҳам аниқ мақсад ва вазифалари бор. Куйидаги 1.2.1-расмда туризм инфратузилмасининг асосий вазифаларини кўришимиз мумкин.



1.2.1-расм. Туризм инфратузилмасининг асосий вазифалари¹⁶.

Туризм инфратузилмаси олдига қўйган мақсад ва вазифани бажариши учун унинг шаклланган тузилмаси бўлиши лозим. Шунинг учун туризм инфратузилмаси таркибини қўйидаги 1.2.2-расмда келтириб ўтамиз.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва шакллантириш устида тадқиқотлар олиб борган хорижлик ва МДХ олимлари А.Ю.Александрова¹⁷, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская¹⁸, П.Горищевский¹⁹, И.В.Зорин²⁰, Н.И.Кабушкин²¹, В.А.Квартальнов²², В.Ф.Кифяк²³, А.И.Кузнецова²⁴,

¹⁶ Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁷ Александрова А.Ю. Международный туризм: Учебник/ А.Ю. Александрова. -М.: Аспект Пресс, 2002. – 470 с.

¹⁸ Боголюбов В.С. Экономика туризма / В.С. Боголюбов, В. П. Орловская. – М.: Академия, 2005. – 192 с.

¹⁹ Горищевский П. Сільський зелений туризм: організація надання послуг гостинності/ П. Горищевский, В. Васильев, Ю. Зинько. – Івано-Франківськ: Місто НВ, 2003. – 148 с.

²⁰ Зорин И. В. Туризм как вид деятельности / И. В. Зорин, Т. П. Каверина, В. А. Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 288 с.

²¹ Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма : Учеб. пособие/ Н. И. Кабушкин. — Мин.: БГЭУ, 1999. – 644 с.

²² Квартальнов В. А. Туризм / В. А. Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 320 с.

А.Д.Чудновского²⁵ каби тадқиқотчилар турли хил вақтларда ва шароитларда изланиш олиб бориб, ўзларининг хуласаларини берганлар. Бунда турлича тушунчалар берилган бўлиб, куйида олимлар ва тадқиқотчиларнинг фикрларини бир тизимга келтирамиз.



1.2.2-расм. Туризм инфратузилмасининг таркибий тузилиши²⁶.

²⁵Кифяк В.Ф. Організація туристичної діяльності в Україні/ В.Ф. Кифяк. – Чернівці: Книги-ХХІ, 2003. - 300 с.

²⁴Кузнецова А. И. Инфраструктура: Вопросы теории, методологии и прикладные аспекты современного инфраструктурного обустройства. Геоэкономический подход/ А. И. Кузнецова. –М.: КомКнига, 2006. – 456 с

²⁵Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма : учебное пособие. – 2-е изд. / А.Д. Чудновский, М.А Жукова, В.С. Сенин. – М.: КНОРУС, 2005. – 448 с.

²⁶ Туризм инфратузилмасининг таркибий кисмлари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти шундаки, туризм инфратузилмаси – туристик секторга хизмат қиласиган ишшотлар, мухандислик ва коммуникацио тармоқлар мажмуаси, шу жумладан телекоммуникациялар, йўллар, туризм саноатининг тегишили корхоналари (қайта ишлаш, майший, энергетика), туристларнинг сайёхлик объектларига кириш-чиқиш учун кулай шароитлар яратиш ва улардан туризм учун мақсадли фойдаланишни, шунингдек туризм индустряси корхоналарининг ишлаш имкониятларини таъминлайди.

Янада аникрок қилиб оладиган бўлсак, туризм инфратузилмаси – туристик секторнинг ишлаши учун мўжалланган, сайёхлик ташкилотларининг туристик ресурсларидан мақсадли фойдаланишини, шунингдек, туризм индустряси корхоналарининг ишлаш шароитларини таъминлайдиган саноат, ижтимоий ва рекреацион мақсадлари учун мавжуд тузилмалар ва тармоқлар мажмуидир деган тушунчани беришимиз мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қиласиган бўлсак, бизнинг фикримизча “Туризм инфратузилмаси –бу туристларнинг ўсиб бораётгай талабларини кондириш учун хизмат кўрсатадиган ташкилотлар ва объектлар мажмуасидир”²⁷ - десак хато бўлмайди.


Туризм инфратузилмасини ривожлантиришининг аҳамияти шундаки, у туризм секторининг бир маромда ишлаши учун туристик ресурслардан самарали, тўғри фойдаланишни таъминлаш ва туризм индустряси корхоналари фаолиятини яхшилашни таъминлайди.

Туризм инфратузилмаси қандай шакллантирилганлиги ва ишлашини туристик хизматлар бозори белгилаб беради. Туристик хизматлар бозори ҳам ўзига хос инфратузилмага эгадир.

Туризм инфратузилмасини ташкил қиласиган асосий воситалар устида тўхталаидиган бўлсак, транспортнинг аҳамияти катта бўлиб, туристларга хизмат кўрсатишда етакчи ўринлардан бирини эгалайди. Бунинг боиси шундан иборатки, барча туристик йўналишларда (пиёдалардан ташқари) саёҳатчиларнинг дам олиш ёки экскурсия чиқиши ва уларнинг уйга қайтиши учун транспорт воситаси бўлишини тақозо этади.

²⁷ Тадқиқотчининг “Туризм инфратузилмаси”га берган таърифи.

Туристик хизматлар бозори инфратузилмасы



1.2.3-расм. Туристик хизматлар бозори инфратузилмасининг таркибий тузилиши²⁸.

Туристик мақсадларда қўлланиладиган транспорт воситалари учур турга бўлинади: куруқликда, сувда ва ҳавода ҳаракатланувчи.

Куриқликда туристлар ҳаракатланишида кўпроқ автомобиль ва темирйўл транспортларидан кенг фойдаланади. Айниқса, автомобиль транспорти туризмда энг кўп ва кенг миқёсда фойдаланилади.

Темир йўл транспорти ўрта масофаларга туристларни минимал нархларда тез ва кулай шароитда етиб боришлигини таъминлайди. Баъзи бир ҳолларда темирйўл транспорти туристик саёҳат мақсадларида ҳам фойдаланиши мумкин.

Малазия	24,6	26,0	25,8	-0,4	18,3	19,1	4,4
Ҳиндистон	5,8	15,5	17,4	12,1	27,4	28,6	6,6
Вьетнам	5,0	12,9	15,5	19,9	8,9	10,0	2,3
Жанубий Корея	8,8	13,3	15,3	15,1	13,4	15,3	3,5
Сингапур	9,2	13,9	14,7	5,5	19,7	20,5	4,7
Индонезия	7,0	12,9	13,4	3,5	13,1	14,1	3,2
Австралия	5,9	8,8	9,2	4,9	41,7	45,0	10,3

Манба: World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида тузиб чиқилган.

Халқаро туристлар сони минтақада 2010 йилда 150,4 млн., 2017 йилда 201,8 млн., 2018 йилда 215,7 млн. кишини ташкил қилган. Ушбу минтақа учун яна бир аҳамиятли ҳолат Европа сингари ички туризмнинг устунлигидир. Шу сингари туристларга кўрсатилган хизматлардан 2010 йилда 215,5 млрд., 2017 йилда 325,8 млрд., 2018 йилда 333,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад олган.

1.3.5-расм. Америка минтақаси туризми ривожланишининг макроинқисодий кўрсаткичлари.³⁵

Кейинги йилларда Америка халқаро туризм бозори (баъзи бир сиёсий муаммоларга қарамасдан) ўзининг жозибадорлигини намоён килмоқда. Айниқса, Кариб ҳавзаси, Марказий Америка ва асосан Жанубий Америка туризмининг маъкеи тобора кўтарилиб бормоқда (1.3.7-жадвал).

1.3.7-жадвал Америка минтақаси субрегионлари туризмининг ривожланишиши кўрсаткичлари

Субрегионлар номи	Йиллар бўйича хизмат кўрсатилган туристлар сони млн. киши			Йиллик ўсиш %да	Йиллар бўйича олингган даромадлар млрд. АҚШ дол. ҳисобида			Ўрта-ча йиллик ўсиш %да*
	2010	2017	2018		2010	2017	2018	
Шимолий Америка	99,5	137,1	142,2	3,7	164,8	252,4	258,9	0,1
Кариб ҳавзаси	19,5	26,0	25,7	-1,4	23,3	31,8	32,0	-1,3
Марказий Америка	7,8	11,1	10,8	-2,4	6,9	12,6	12,8	1,0
Жанубий Америка	23,6	36,6	37,0	1,2	20,5	29,0	29,9	3,4
Жами минтақа бўйича	150,4	210,8	215,7	2,3	215,5	325,8	333,6	0,3

*маҳаллий валютада ва долийи нархларда ҳисобланган.

Манба: World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида тузиб чиқилган.

³⁵ Тадқиқотчи томонидан World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида тузиб чиқилган.

Жанубий Америка халқаро туристларнинг ташрифи билан алоҳида ажралиб туради. Чунки ушбу минтақа ўзининг хилма-хил, тақорланмас табиий ресурслари, тарихий ёдгорликлари, маданияти, этник турмуш-тарзи билан характерланади.

Жанубий Америка қуруқлигига дунёдаги энг баланд Анхель (Венесуэла) шаршараси, серсув Амазонка (Бразилия) дарёси, кўл теккизилмаган кенг майдондаги намлиқ ўрмонзорлар, энг юқори (Анд тоғлари) чўққиси жойлашган.

Бизгача етиб келган қадимги илк қабилалари цивилизациясининг дикқатга сазовор диний шаҳарлари Мачу-Пикчу ва Куско, Наска плутоси, колонизация қилиш даври шаҳарлари. Бу материкнинг энг йирик ва улкан туристик имкониятлариdir. Ҳозирги кунда улардан жуда кам фойдаланилмоқда. Материкнинг мавжуд туристик ресурслари тўлиқ ишга солинса, Жанубий Американинг туристлар ташрифидаги салмоғи сўзсиз ортади.

Америкада, худди Европадагидек сингари туристлар оқимининг энг кўп қисми минтақа ички туризмiga тўғри келади. Айниқса, интенсив туристик оқим Шимолий Америка давлатлари АҚШ, Канада ва Мексика ўргасида кузатилади. Региондаги энг кўп туристик оқим БТТ маълумотларига қўра, АҚШдан Мексикага келади. Бу эса дунёдаги энг кўп туристлар оқими бўлиб ҳисобланади. Бу ерда ўртача йиллик келувчи ва кетувчи туристлар сони 46-47 млн. кишини ташкил қилади. АҚШга ташриф буюрувчи туристларни кўпроқ мамлакатнинг ёввойи табиият ресурслари, тақорланмас гўзал ландшафт манзаралари, оқиб турувчи шифобаҳш булоқлар водийси, “Тирик геологик” миллий боғлари (Йеллоустон), улкан қабарикли горлари (Карлсбад), кенг худудли (Гранд-Каньон) тог даралари, майин кумли (Калифорния) чўмилиш соҳиҳлари мафтун этади. Хорижий мамлакатлардан келган сайёхларни АҚШнинг нафакат табиий бой ресурслари, балки унинг осмон ўпар маъмурий, савдо-сотиқ бинолари (Манхэттен), банклар маркази (Уолл-стрит), машҳур кўприклари (Бруклин), олийгоҳлар (Колумбия университети), президент қароргоҳи (Оқ уй), опера театри (Метрополитен), киностудиялари (Голливуд), кўнгилочар, дам олиш боғлари (Диснейленд) кабилар ўзига чорлайди. 2018 йилда АҚШга 79,6 млн. дан ортиқ туристларга хизмат кўрсатилди, уларга кўрсатилган хизматлардан мамлакат 214,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад олди. Мамлакатда ички туризм

салмоги катта бўлиб, унинг асосий маршрутлари соғломлаштириш, кўнгилочар дам олишлар, табият обьектлари, тарихий ва маданий марказларга, қариндош-уруглар, ганиш-билишларга ташриф буоришдан иборатdir. Америкалик сайёхлар кўпроқ қўшни Мексика ва Канада мамлакатларига сайр килишни хуш қўришади.

1.3.8-жадвал

Америка минтақасидаги ривожланган давлатларнинг туристик қўрсаткичлари

Давлатлар номи	Йиллар бўйича хизмат қўрсатилган туристлар сони млн. киши			Йиллик ўсиш %да	Йиллар бўйи-ча олинган даромадлар млрд. АҚШ дол. хисобида		2018 йилда минтақадаги улуши %да
	2010	2017	2018		18/17	2017	
АҚШ	60,0	76,9	79,6	3,5	210,7	214,5	64,3
Канада	16,2	20,9	21,1	1,2	20,3	21,9	6,6
Мексика	23,3	39,3	41,4	5,5	21,3	22,5	6,7
Бразилия	5,2	6,6	6,6	0,5	5,8	5,9	1,8
Аргентина	5,3	6,7	6,9	3,4	5,3	5,6	1,7
Колумбия	2,4	3,6	3,9	7,4	4,9	5,6	1,7


Манба: World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида тузиб чиқилган.

Америка мамлакатларидан узоқ минтақаларга чиқаётган туристларнинг катта қисми Европа мамлакатларини танлайди. Асосий туристик оқим Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Испания, Нидерландия, Португалия каби давлатларга йўналади. Бунинг этник сабаблари бор бўлиб, уларинг отабоболарининг келиб чиқиши Европа мамлакатлари ҳисобланади. Кейинги пайтларда минтақадаги сайёхларнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси (Хитой, Япония, Сянган, Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатлар)га бориш истаги ортиб бормоқда. Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё (Хиндистон, Покистон,

Шри-Ланка)нинг туристик миңтакалари америкалиқ сайджлар томонидан жуда кам ўзлаштирилган.

БТТ маълумотларига кўра, келажакда америкалиқ сайджларнинг Европа, Осиё ва Тинч океани, Яки Шарқ миңтакаси мамлакатлари билан икки томонлама сайджлик алокаларининг кўчиб бориши кузатилиши айтилмоқда.

Бошқа миңтакаларга караганда имкониятлари катта бўлишига қарамасдан, туристик ресурслари нисбатан кам ишлатилётган Африкада ҳам туризм ривожланиши сўнгги йилларда янги боскичга чиқди. Африка туризми жаҳонда туристлар ташрифи буйича бор-йуғи 2018 йилда 5%ни (67,1 млн. турист), даромад 3%ни (38,4 млрд. АҚШ долл.) ташкил қилди.



1.3.6-расм. Африка миңтакаси туризми ривожланишининг макроиктисодий кўрсаткичлари³⁶.

Африкада туризм энг ривожланган субрегион Шимолий Африка хисобланади. Африканинг қолган қисми Сахрои кабрнинг жануби деб юритилади. Шимолий Африка миңтакасига туристлар ташрифи 2010 йилда 19,7 млн., 2017 йилда 21,7 млн., 2018 йилда 23,9 млн.ни ташкил этган бўлиб, ундаи 2010 йилда 9,7 млрд., 2017 йилда 9,9 млрд., 2018 йилда 10,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад олган.

³⁶Тадқикотчи томонидан World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида тузиб чиқилган.

Саҳрои кабрнинг жанубида жойлашган давлатларида туристларни қабул қилиш кўрсаткичлари 2010 йилда 30,7 млн., 2017 йилда 41,1 млн., 2018 йилда 43,3 млн.ни ташкил этган булиб, 2010 йилда 20,8 млрд., 2017 йилда 26,5 млрд., 2018 йилда 27,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида туристларга хизмат кўрсатишдан даромад олган (1.3.9-жадвал).

1.3.9-жадвал

**Африка минтақаси субрегионлари туризми ривожланиши
кўрсаткичлари**

Субрегион- лар номи	Йиллар бўйича хизмат кўрсатилган туристлар сони млн. киши			Йил- лик ўси ш %да	Йиллар бўйича олинган даромадлар млрд. АҚШ дол. хисобида			Ўрта- ча йил- лик ўсиш %да*
	2010	2017	201 8		201 7	2010	201 7	
Шимолий- Африка	19,7	21,7	23,9	10,1	9,7	9,9	10,7	3,8
Саҳрои кабр жануби	30,7	41,1	43,3	5,4	20,8	26,5	27,7	0,7
Жами минтақа бўйича	50,4	62,7	67,1	7,0	30,4	36,4	38,4	1,6

* маҳаллий валютада ва доимий нархларда ҳисобланган.


Манба: World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида тузиб чиқилган.

Африка минтақасидаги туризми ривожланган давлатлар бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, Шимолий Африка минтақасида тўртта давлат (Жазоир, Марокаш, Тунис ва Судан) жойлашган булиб, маълумотларниң кўрсатишича, бу мамлакатлар туризми бутун минтақадаги ташрифларнинг 2018 йилда 35%-ни, даромадларнинг 27,8%-ни ташкил этган.

Саҳрои кабрнинг жанубида жойлашган мамлакатлар орасида туризми нисбатан ривожланган давлатлар Жанубий Африка

Республикаси (ЖАР) 2010 йилда 8,1 млн., 2017 йилда 10,3 млн., 2018 йилда 10,5 млн. туристларга хизмат кўрсатиб, 2010 йилда 9,1 млрд., 2017 йилда 8,8 млрд., 2018 йилда 8,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад олган бўлиб, минтақа туризмидаги тушумларнинг 2018 йилда 23,3%ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдик, Африка минтақасидаги давлатлар ичida Марокаш билан ЖАР бутун минтақа туризмининг кариб 45-50 %ни ташкил қилмоқда. Жаҳонда Африка минтақаси туризмига бўлган қизикиш борган сари ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида минтақа давлатларининг туристик сервисни такомиллаштириш ва унинг хилма-хиллигини оширишга эътиборни қаратишни талаб этмоқда.

Худуди жиҳатдан бошқа минтақаларга қараганда нисбатан кичик бўлишига қарамасдан, сайёхлик кўрсаткичлари юкори бўлган минтақа Яқин Шарқдир. Яқин Шарқ минтақаси туризмининг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил киладиган бўлсак, баъзи бир давлатлардаги сиёсий инқирозларга қарамасдан жаҳондаги ўртача ўсишга мос равишда ривожланмоқда. Жумладан, туристлар оқими 2010 йилда 56,1 млн., 2017 йилда 57,7 млн., 2018 йилда 60,5 млн.ни ташкил қилиб, хизмат кўрсатищдан 2010 йилда 52,1 млрд., 2017 йилда 68,4 млрд., 2018 йилда 73,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида тушумга эришилган.



1.3.7-расм. Яқин Шарқ минтақаси туризми ривожланишининг макроиктисодий кўрсаткичлари³⁷.

³⁷ Таджикотчи томонидан World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида гузиб чиқилган.

Минтақада туризми энг ривожланган мамлакатлардан бири Мисрға ҳозир бутун дүнөдан сайеҳлар қадимий эхромларини күриш учун ва афсонавий Нил дарёсі қирғокларидағи қадимги ёдгорликларни зиёрат қилишга ошикмоқдалар. Бундай туристик ресурслардан тұғри фойдаланган ҳолда Миср 2010 йилда 14,7 млн., 2017 йилда 8,3 млн., 2018 йилда 11,3 млн. туристларга хизмат күрсатған. Минтақада зиёрат туризми энг ривожланган давлат Саудия Арабистони ҳисобланади. Саудия Арабистони 2010 йилда 10,8 млн., 2017 йилда 16,1 млн., 2018 йилда 15,3 млн. сайдеңдерге хизмат күрсатиб, улардан 2010 йилда 6,7 млрд., 2017 йилда 12,0 млрд., 2018 йилда ҳам 12,0 млрд. АҚШ доллары миқдорида даромад олған.

Умуман олганда, халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари күрсатишича, ҳар бир минтақа турмаңсулотларини жағон талаби даражасига келтириш ва маркетинг соҳасидаги (Европа ва Америка минтақаси тажрибаси асосида) баъзи бир камчиликтарни бартараф этиш учун күпроқ маблағ ажратиш тақозо қилинади. Жағонда туризмга сарфланастган харажатларни мамлакатлар мисолида (Франция, Испания, АҚШ, Хитой) күриб үтганимизда, бу харажатлар тез орада үзини қоплашынинг гувоҳи булемиз.

Шуны алохида таъкидлаш жоизки, у ёки бу мамлакат иқтисодиетига қатый валюта тушуми катта иқтисодий самара келтиради. Айниқса, иқтисодиети энди ривожланаған мамлакатлар учун бу жараён жуда катта аҳамият қасб этади. Туризмдан олинадиган даромаднинг самарадорлиги мамлакат иқтисодиетига күшгән хиссаси билан белгиланади, аммо масаланинг иккінчі томони ҳам борки, туризмни ривожлантириш учун давлат олдин харажат қилиши керак бўлади. Туризмга давлат томонидан сарфланган харажат вақти келиб бир неча ун баравар булиб қайтади.

Халқаро турназ ривожланишида күриб үтилган омилларнинг ҳар бири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир давлат үзининг имконияти даражасида бу соҳани ривожлантириш ва иқтисодиётини юксалтиришда фойдаланади.

И БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ҲОЛАТИ

2.1. Туризм инфратузилмасининг шаклланиши босқичлари.

**2.2. Туристларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари ва
кўрсатилган хизматларнинг таҳлили.**

**2.3. Туризм инфратузилмаси тармоқларининг такомиллашуви
ва ривожланиши ҳолати.**

2.1. Туризм инфратузилмасининг шаклланиши босқичлари

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1 сентябрда ўзининг мустақилигини кўлга киритиши натижасида мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар жадаллик билан ўтказила бошланди. Шунингдек миллий туризм инфратузилмаси ҳам шу йиллардан шакллана бошлади. Миллий туризм инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланишига "Ўзбектуризм" Миллий Компанияси (МК) бош-қош бўла бошлади. Ўша даврда республикамизда туризмни ривожлантиришда "Ўзбектуризм" МК давлат бошқаруви, ташки иқтисодий фаолият юритиш хукукларига эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилот бўлиб ҳисобланарди.

Миллий туризм инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланиши, демак, шу йиллардан бошланди десак хато булмайди. Миллий туризмни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширила бошланди.

Миллий туризм тизимида иқтисодий ислоҳотлар ва инфратузилманинг қайтадан шаклланишининг *биринчи босқичи* 1992 йилда бошлангай дейиш мумкин. Республикада бошланган ушбу ислоҳот янги иқтисодиётга (бозор иқтисодиётiga) асосланиб олиб борилди. Бу даврда ташкилий-иктисодий ва бошқарув жараёнлари шакллантирилди. "Ўзбектуризм" Миллий

Компаниясига асос солинди. Республикамизда туризмни ривожлантириш йўналишлари билгилаб олинди.

Туризм тармоғини иқтисодий ислоҳ қилишнинг *иққинчи босқичи* 1993-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда туризм инфратузилмасини ривожлантиришининг миллий модели ишлаб чиқилди. Бу босқич туристик хизмат кўрсатишининг ўсиши билан бир қаторда бир қанча муаммоларни ҳал қилиш кераклигини кўрсатди. Бу муаммолар янги туристик маршурутларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишини яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасини кенгайтириш, бошқарувни янада такомиилаштириш ва хукуқий асосларни яратиш билан боғлиқ бўлиб, уларни фақат “Ўзбектуризм” МК доирасида ечиш мумкин эмаслиги кўриниб қолди.

Инфратузилмани қайта шакллантириш борасида бир қатор туристик обьектлар давлат тармоғидан чиқарилиди ва хусусийлаштирилди. Мехмонхона тизимида (янги меҳмонхоналар курилди, номерлар фонди оширилди) муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

Шу тариқа 1993 йил охирига келиб республикамиз туризм тизимида хукуқий ва мустақил балансга эга бўлган 123 ташкилот фаолият олиб борди.

1995 йилнинг 1 июлидан ривожланишининг *учинчи босқичи* жорий этила бошланди. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бутун мамлакат ҳудудида амал қилувчи ягона туристик виза ўрнатилди (давлат томонидан белгиланган обьектлардан ташқари). Туризм ривожига қўйилган яна бир ёрқин қадам тарихий ва маданий ёдгорликлар, меъморий иншоотлар, яратилган санъат асарларини сақлаш ва кўпайтиришга йўналтирилган “Мерос” миллий дастурни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиqlаниши бўлди. Бу даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада ҳалқаро туризм бўйича маҳсус очиқ иқтисодий зоналар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди. “Ўзбектуризм” МК туроператорлар билан бевосита алоқаларни ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон ҳаво алоқасига эга бўлган мамлакатларда ўз ваколатхоналарини (вакиллар) очди. Германияда (Франкфурт), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амириклари (Шарджа), Россияда (Москва).

1996 - 1997 йилларда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг *тўртинчи босқичи* амалга оширилди. Бунда, хизматлар соҳасида фаол хусусийлаштириш бошланди. 1996 йили “Ўзбектуризм” МК тизимидағи барча туристик обьектларнинг умумий сонининг 90%и давлат тасарруфидан чиқарилди³⁸. Ривожланишининг янгича кўриниши шу даврдан Ўзбекистон туризмiga кириб келди.

1998 йилдан Ўзбекистонда туризмни ислоҳ қилишнинг *бешинчи босқичига* қадам қўйилди. Бу қайта тикланиши босқичи бўлиб, инфратузилманинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида экспорт салоҳиятнинг ошиши, валюта, турист, хусусий капитал ва инвестициянинг барқарор оқимини таъминлашга олиб келди. Вазирлар Маҳкамаснинг “Туристик ташкилотлар ташкил этилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан “Ўзбектуризм” МКси қайта ташкил қилинди ва унинг ташкилий-бошқарув тузилмаси, ваколатлари, функциялари кенгайтирилди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг хусусий туристик ташкилотлари Ассоциациясига асос солинди.

1999 йилнинг май ғойидан бошлаб туризмни ислоҳ қилишнинг *олтинчи босқичи* бошланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А Каримовнинг “Туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони мамлакатда миллий халқаро туризмнинг мавқенини, унинг иқтисодий асосларни қатъий белгилаш учун сиёсий асос яратди. Бу ҳужжат билан туристик ташкилотларга қўшимча божхона имтиёzlари яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларидан чет элда туризм бўйича маслаҳатчи лавозими киритилди. 1999 йилнинг августида Олий Мажлис томонидан “Туризм тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва иқтисодиётнинг бу соҳасига амал қилиш учун хукукий асос яратилди.

Бу вакъда Ўзбекистонда туризм инфратузилмаси нисбатан шакилланган бўлиб, олгинчи босқичида ўзининг олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйди:

-туристик компанияларни янада ривожлантириш ва улардаги бошқарувни такомиллаштириш;

³⁸ «Ўзбектуризм» МК хисоботларидан.

-халқаро туристик тизимга юқори ривожланган индустрия сифатида қўшилиш;

-иқтисодиётнинг туризм тармоғидаги ислоҳотлар стратегияси ва тактикасини доимо тақомиллаштириб бориш;

-республика туризм салоҳияти иҳтиёрида бўлган заҳираларга “Жаҳон стандартлари”га жавоб бера оладиган сайёҳлик инфратузилмасини барпо қилиш учун зарур маблағлар ва инвестицияларни йўналтириш;

-туристлар оқимини жиддий чеклаб қўяётган омиллардан бири бўлган туризмик объектларнинг сайёҳларни қабул қилиш имкониятини ошириш;

-иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хизматларнинг сифати ва иоменклатурасига, туризм экспурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усусларига қўйиладиган янги талабларни илгари суриш;

-туристик қўшма корхоналар тузиш, туристик комплексларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва куриш, ишлаб турган объектларни янгилаш мақсадларида бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш;

-республикада америкалик, туркиялик, покистонлик, германиялик, ҳиндистонлик, италиялик ва бошқа мамлакатлардан келган тадбиркорлар тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарни тобора кўпроқ ташкил қилиш;

-хорижий инвестициялашни имтиёзли йўналишларн қаторига туризмнинг замонавий инфратузилмасини, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиш каби вазифаларни кўйди.

Бу вазифаларни амалга оширмасдан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро инвестиция фаолиятини амалда ривожлантириш мумкин эмаслиги таъкидланди. Шунга қарамасдан, кўйилган вазифалар етарли даражада бажарилмади, инфратузилмани тўлиқ шакллантиришда хали баъзи бир муаммолар борлиги кўриниб қолди. Мисол учун, узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда туризмдан тушган даромад ЯИМга нисбатан 1,5%дан ошмади, ваҳоланки, бошқа мамлакатларда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 10дан 45 фоизгачасини ташкил этади. Туристлар оқимининг асосий қисми мамлакатимизнинг бош

туристик марказлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига тўғри келди. Аммо, мамлакатимизнинг бир қатор истиқболли минтақалари инфратузилмасини тизимли ривожлантиришига етарлича эътибор қаратилмаган.

Туризмнинг маърифий, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш каби турларини ривожлантириш учун шартшароитлар яратилмаган. Кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини, туристларни жалб этишининг замонавий самарали шакллари ва усулларидаи фойдаланиш, миллий туризм индустриясига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишларини яхшилаш талаб килинса-да, эътибордан четда қолди.

Ички туризмни, шу жумладан ёшлар туризмини ташкил этиш ва ривожлантириш ишлари яхши йўлга кўйилмади. Мактаблар, коллежлар ва лицейлар ўқувчилари учун туристик йўналишлар дастурларини ғоявий-мазмуний жиҳатдан бойитиш, маданий мерос объектларининг тарихи ва аҳамиятини тушунтириб берувчи ҳар томондама пухта ишланган материалларни тайёрлаш ишлари етарли даражада олиб борилмади. Кўпгина туристик ташкилотлар ва уларнинг ходимлари Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий мероси ёдгорликлари бўлган туристик объектлар тўғрисида зарур ахборот бериш учун етарлича тайёргарликка эга бўлмади. Шу муносабат билан туризм соҳаси учун кадрлар — гидлар, экскурсоводлар, туристик ва меҳмонхона ташкилотлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш дастурлари жиддий такомилаштирилмади.

Бу муаммоларни тезликда бартараф этиш ва туризм инфратузилмасини қайтадан халқаро талаблар асосида шакллантириш натижасида соҳанинг муҳим жиҳатлари кўзга ташланди.

2016 йилга келиб “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ўз вазифасини тўлақонли равишда бажаролмай қолди. Бу каби йигилиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун туризмда ислоҳотларни амалга оширишнинг янги *есттинчи босқичига* ўтилди. Бугунги кундаги интеграцион жараёнлар ва туристларнинг талабини кондириш ва туризм инфратузилмасини ташкил этишда янгича ёндашувни талаб қилди. Буларни ҳисобга олган ҳолда

Президентимиз томонидан 2016 йил 2 декабрда ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди³⁹. Фармонга кўра “Ўзбектуризм” МК негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил қилиниб, кўмита туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди, шу билан бирга туризмни ривожлантириш билан боғлик бўлган барча масалаларни, ҳаракатларни амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади. Туризм кўмитаси асосан республикада туризмнинг барча турларини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини ва инфра-тузилмасини вужудга келтириш, туристларга хизмат кўрсатиш даражасини жаҳон андозаларига кўтариш, иқтисодиётимизга чет эл валютаси тушумини кўпайтириш, республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳақидаги маълумотларни жаҳонга (тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш) ёйиш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, янги иш жойларини ташкил этиш каби қатор масалалар билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий қилиб белгиланди.

Шу билан бирга туризмни ривожлантиришининг стратегик йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланди:

-мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-хукукий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш:

-туризмни ривожлантиришининг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётининг

³⁹ www.Lex.uz

стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча худудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартариш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялли ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, ахолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

-туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулаги шартшароитларни шакилантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужокатларини ва меъёрий-хукуқий базани янада такомиллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартибтаомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ва бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, туризм соҳасида статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш;

-мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оиласвий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига унинг ижтимоий ахамиятини кучайтириш, худудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакилантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва худудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-туризм фаолияти соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳои туризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли ҳалқаро ва миллий ташкилотлари – туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тарзга солувчи универсал ҳалқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига ҳалқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни жорий этиш;

-республиканинг барча мингақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларининг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустряси обьектларини - меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш обьектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;

-ҳалқаро туризм ривожланиши тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланилишини хисобга олган ҳолда, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, уларни ички ва ҳалқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш, кенг реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳудудларида туризм ахборот марказлари ва чет элда туризм ваколатхоналари очиши, Интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, ҳар йили Тошкент ҳалқаро туризм ярмаркасини ўтказиш йўли билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

-туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равиша қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларини такомиллаштириш бош вазифа қилиб белгиланди (2.1.1-расм).

Шу билан биргаликда энг долзарб бўлган, Ўзбекистон туризмидаги кузатилмаган янги йўналишлар ҳам жорий қилина бошлиди.

Туризмни ривожлантиришининг стратегик йўналишлари

<p>Туризм ривожланиши учун кулай иқтисодий ва ташкилий-хукукий шарт- шароитлар яратиш</p>	<p>Туризмни ривожлантиришининг яхлит концепциясини шакллантириш</p>
<p>Туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш (экологик, маърифий, гастрономик, спорт, соғломлаштириш; қишлоқ, ишбилармөнлик, ўсмирлар ва ёшлар, оиласијий туризм)</p>	<p>Туризм индустряси субъектлари учун кулай шарт-шароитларни шакллантириши. Конун хужожатларини ва мөъерий- хукукий базани янада такомиллаштириш</p>
<p>Минтақаларда замонавий жаҳон стандартларига жавоб берадиган инфратузизмани шакллантириш</p>	<p>Халқаро ҳамкорликни, биринчӣ навбатда, БМТнинг Бутунъаҳон туризм ташқилоти (ЮНВТО), билан ҳамкорликни кенгайтириш</p>
<p>Менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</p>	<p>Замонавий маркетинг воситаларини қўллаш, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиши</p>

2.1.1-расм. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришининг стратегик йўналишлари⁴⁰

Президентимиз томонидан 2017 йил 5 декабря “Чорвок” Эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-

⁴⁰ Тадқиотчи томонидан ишлаб чиқилган.

сонли Фармои⁴¹ асосида республикамиз туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, худудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун кулагай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш мақсадида Тошкент вилоятининг Чимёй-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонасини (эркин туристик зона) ташкил этилди. Эркин туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонона мажмуалари, маданий-согломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда маҳсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ҳамда маҳаллий инвесторларининг инвестицияларини жалб қилиш.

Бунга асосан: эркин туристик зонада замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (меҳмонона мажмуалари, маданий-согломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда маҳсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ҳамда маҳаллий инвесторларининг инвестицияларини жалб қилиш;

-худуднинг экомуҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш;

-транспорт воситаларининг арzonлигини таъминлаш, худудда транспорт ҳаракатининг янги (поезд, электропоезд, автобус), шу жумладан, мукобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти йўналишларини кенгайтириш, унинг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

-туристлар хавфсизлигининг қўшимча шароитларини, шу жумладан туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, огоҳлантириш тизимларини ташкил этиш, минтақа худудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавкулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш;

⁴¹ www.Lex.uz

-эркин туристик зона ҳудудида лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари хамда инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларни таъминлаш;

-энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини кўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорӣ қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш вазифаларини кўйди.

Энг асосийси эркин туристик зона ва эркин туристик зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялар татбиқ этилди.

Шу билан биргаликда бу босқичда энг аҳамиятли томонларидаи бири туристик фаолиятни тартибга солиши учун янгиланган ва қайта ишланган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сонли қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинди.

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари⁴²

Босқичлар	Амалга оширилган ишлар кўлами ҳақида қисқача маълумотлар
Биринчи босқич- 1992 йил	Туризмнинг ташкилий-иқтисодий ва бошқарув жарабёнлари шакллантирилди ва ривожланиш йўналишлари билгилаб олинди. “Ўзбектуризм” МК ташкил этилди.
Иккинчи босқичи - 1993-1995 йиллар	Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Инфратузилмани қайта шакллантириш борасида бир қатор туристик обьектлар давлат тармогидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Мехмонхона тизимида (янги меҳмонхоналар курилди, номерлар фондни оширилди) муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

⁴² Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Учинчи босқичи – 1995 йил	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бутун мамлакат худудида амал қилувчи ягона туристик виза ўрнатилди (давлат томонидан белгиланган обьектлардан ташқари). Тарихий ва маданий ёдгорликлар, меъморий иншоотлари, яратилган санъат асарларининг саклаш ва кўпайтиришга йўналтирилган “Мерос” миллий дастури ишлаб чиқылди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада халқаро туризм бўйича максус очик иқтисодий зоналар тўғрисидаги низом ишлаб чиқылди. “Ўзбектуризм” МК Ўзбекистон ҳаво алоқасига эга бўлган мамлакатларда ўз ваколатхоналарини (вакиллар) очди. Германияда (Франкфурт), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амирликлари (Шарджа), Россияда (Москва).
Тўртиччи босқичи - 1996-1997 йиллар	“Ўзбектуризм” МК тизимидағи барча туристик обьектларнинг умумий сонининг 90%и давлат тасарруфидан чиқарилди. Ривожланишининг янгича кўрининчи республикамиз туризмiga кириб келди.
Бешинчи босқичи – 1998 йил	Қайта тикланиш босқичи бўлиб, инфратузилманинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Экспорт салоҳияти оширилди, валюта, турист, хусусий капитал ва инвестициянинг барқарор оқими таъминланди. “Ўзбектуризм” МКси қайта ташкил қилинди. Ўзбекистоннинг хусусий туристик ташкилотлари ассоциациясига асос солинди.
Олтинчи босқичи - 1999-2016 йиллар	Туристик ташкилотларга кўшимча божхона имтиёзлари яратилди. Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларидан чет элда туризм бўйича маслаҳатчи лавозими киритилди. “Туризм тўғрисида”ги қонун қабул қилинди
Еттинчи босқичи - 2016 йилдан ҳозиргача	Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқылди. “Ўзбектуризм” МК негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Эркин туристик зона (ЭТЗ)лар ташкил этилди. Туристик фаолиятни тартибга солиш учун янгиланган ва қайта ишланган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдикি, бугунги кунда Ўзбекистонда миллий туристик моделни шакиллантириш жараёни жадаллик билаи амалга оширилмоқда. Республикада бозор иқтисодиёти шакланаётган шароитда туризм ўзининг миллий даромадини қайта тақсимлаш хусусияти асосида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг мухим омили бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиётида сайёҳларга асосан хусусий ва тижорат компаниялари хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, агар давлат маъқул иқтисодий ва хукукий атмосфера яратса туризм барқарор ривожланади. Бошқа томондан, агар давлат касбий тайёрлаш, таббий ва маданий мұхитни мухофаза қилиш, ахборот-реклама ишлари расмийтчиликнинг енгиллаштириш муаммолари билан шуғулланмаса, факат бозор стихияси хуқумронлик остида туризм ривожланишининг керакли даражасига ета олмайди. Бунда давлат томонидан мос методологияси методик ва амалий ёндашувларнинг ишлаб чиқариш туристик хизматлар бозорининг ташкил этилишига аҳамият бериш керак.

2.2. Туристларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари ва кўрсатилган хизматларнинг таҳлили

Ўзбекистонда туризм ривожланишининг яиги даврини Президентимиз томонидан 2016 йил 2 декабрда ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴³ ги Фармони қабул қилиниши бошлаб берди. Фармонга асосан мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-хукукий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакиллантириш бўйича бир қатор вазифаларни бажариш белгиланди.

⁴³ www.Lex.uz.

Шу сингари, республикамизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган “Харакатлар стратегияси”ни амалга ошириш жараёнларида туризм соҳасини ривожлантириш учун кулаг шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада чукур интеграциялашиб бораётганлиги иқтисодиётимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Туризми ривожланган мамлакатлар Франция, Испания, Италия, АҚШ каби мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат иқтисодиётни учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Республикамиз сайёхлик инфратузилмасининг ривожланганлиги ва имкониятларининг катталиги билан кўшни мамлакатлар (Тоҷикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Афғонистон)дан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистон нодир тарихий-меъморий ёдгорликларига, ширин-шакар мевалар, хилма-хил таомлар, ажойиб миллий анъана, урф-одатга эга бўлган меҳмондўст халиқа эга. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган тинчлик, сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин тутади.

Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 март, 137-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴⁴ қарори туризм инфратузилмасини ривожлантиришни янада кўллаб-кувватлаш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини халқаро туризм бозорларида фаол тарғибот килишга қаратилган қатор фармон, қарорлар орасида аҳамият касб этди.

Миллий туризмни ривожлантиришда, интеграцион жараёнларни янги босқичга кўтаришда “Буюк Ипак йўли”нинг аҳамиятини назардан четда қолдирмаслигимиз зарур. Чунки, ҳозирги кунда “Буюк Ипак йўли” ўзининг тарихий аҳамиятини қайта тикламоқда. Ўзбекистонда туризм ривожланишни бошлаган дастлабки йилларда 1995 йил 2 июнда ПФ-1162-сонли “Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш

⁴⁴ www.Lex.uz

борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги⁴⁵ Фармон қабул қилинган эди. Ушбу фармонга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июнда 210-сонли “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁴⁶ қарори қабул қилинди. Юқоридаги фармон ва қарорларга асосан республикамизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Лекин, мингақадаги иқтисодий ва сиёсий жараёнлар белгиланган вазифаларни бажаришнинг имконини бермади.

Туризмин ривожлантирищда “Буюк Ипак йўли”га катта аҳамият беришимизнинг сабаби, қадимда Жанубий-Шарқий Осиёдан ўрта Ер дengизи мамлакатларигача чўзилган “Буюк Ипак йўли” деб ном олган савдо-сотиқ йўли бир неча асрлар давомида заминнинг Farb ва Шарқида истиқомат килган халқларни боғлаб турар эди. Бу йўлга “Ипак Йўли” деб ном берилишининг асосий сабаби, бу йўлдан ташиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми ипакдан иборат бўлган. Бу йўл асосан Италиядан Туркия орқали Ироқ ва Эронга борган, у ердан эса Марказий Осиёга ҳамда Шимолий Помир орқали Қашқар ва Ёркентгача борган. Бу ердан йўл нккига ажрагаи ҳамда шимол томондан Такла-Макон сахросини айланиб ўтиб, Лобнор кўли яқинида яна қўшилган ва Шанхайгача борган.

Қадимдан “Буюк Ипак йўли”да Мовароуннаҳр ҳудуди етакчи ролни бажариб келган. Республикаимизнинг “Буюк Ипак йўли”да жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Жizzах, Андижон каби қатор шаҳарлари асосий манзиллар бўлишган. “Буюк Ипак йўли” бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқоттани йўқ. Хитой ҳукумати томонидан олдинга сурилаётган “Бир макон-бир йўл” (BRI) лойиҳаси асосида “Буюк Ипак йўли”ни қайта тиклашнинг замонавий лойиҳаси таклиф этилмоқда. Ушбу лойиҳа Осиё ва Европа ўртасидаги қадимий “Буюк Ипак йўли”нинг қайта тикланиши сифатида ишлаб чиқилган. BRI лойиҳаси беш қитъани дengиз ва куруқлик йўлаклари билан боғлаши назарда тутилган. 2013 йилдан бери унда умумий аҳолиси 4,6 миллиард киши ва

⁴⁵ www.Lex.uz

⁴⁶ www.Lex.uz

ЯИМ 29 триллион АҚШ доллариға тенг бұлған үнлаб мамлакаттар иштирек этмоқда. Республикасынан бу лойиха орқали Марказий Осиёдаги транспорт салоҳиятини максимал даражада очиш ва “Хитой-Марказий Осиё-Фарбий Осиё” иктиносиди Йўлагини шакллантиришдан манбаатдор. Ушбу мақсадда, 2016 йилда Фарғона водийини Ўзбекистоннинг бошқа худуматари билан боғловччи “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли барпо этилди. Мазкур линия Хитойгача бўлған масофани 270 километр қисқартириш имконини берди. Бундан ташқари, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли курилиши натижасида Ўзбекистондан Хитой ва Жанубий Осиёга тўғридан тўғри чиқиш имконияти юзага келади, юк ташиш вақти 5-6 суткага қисқариш мумкин.

Бу лойихага асосан иккى йўналиш қуруқлик ва денгиз йўли лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу лойиҳанинг илгари сурилишининг асосий сабабларидан бири, минтақалардаги мамлакатлар ўрасидаги савдо-сотиқ ҳажмини ортиб бориши, товар айрибошлишни ва интеграцион жараёнларни тезлаштиришdir. Бу каби лойиҳалар иштирокчисига айланиш Ўзбекистон иктиносиди учун ҳам муҳим ахамият касб этади. Шунинг учун лойиҳада Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда. Сабаби, қуруқликдан ўтадиган йўлнинг марказида Ўзбекистон жойлашган. Бу лойиҳа мамлакатимиз иктиносидиётининг минтақадаги давлатлар билан интеграциясига катта таъсир кўрсатади, шу сингари туризмни ривожлантиришга ва маданиятлар алмашинувига ҳам катта хисса кўшади (2.2.1-расм).

Мамлакатимизда туристларга хизмат кўрсатишини ривожлантиришда илгари сурилаётган янги лойиҳанинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда туризмни янги босқичга кўтариш, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш, энг аввало кўхна маданий ва меъморчилик ёдгорликларига бой бўлган Самарканд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Кўкон, Термиз каби туристик марказларимиз инфратузилмасини яхшилашимиз зарур. Бу шаҳарларда жаҳон ахлини ҳайратга солувчи ва лол қолдирувчи тарихий-маданий ёдгорликлар мавжуд. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида Ўзбекистон ана шу шаҳарлари билан машҳур. Бу шаҳарларда қад кўтарган қурилиш ва меъморчилик

санъати обидалари хориждан келгаи туристларни неча асрлардан буён ҳайратга солиб келмоқда.



2.2.1-расм. “Буюк Ипак йули”нинг ҳозирги замонавий тактиф этилаётган лойиҳаси⁴⁷

Ўзбекистоннинг ана шундай тарихий шаҳарларини ҳақли равишда “Шарқ жавохирлари”-деб аташ мумкин. Буюк шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар бу шаҳарларнинг ажойиб меъморлари, устахунармандларининг ишларига қойил колганлар.

Дунё туризмидаги ўзгаришларга мос равишда Ўзбекистонда хам кейинги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ажойиб иншиотлар, маданий дам олиш масканлари, знёратгоҳлар вужудга келмоқда. Бу борада республикамизда сўнгти йилларда Самарқандда “Шарқ тароналари”, Сурхондарёда “Бойсун баҳори” Кашқадарёда Бахшичилик халқаро фестивали, Кўқонда хунармандчилик фестивали, спорт соҳасида футбол, бокс, ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон миқёсида чемпионатлар ўтказилмоқда. Бу каби тадбирлар кўпгина хорижий мамла-

⁴⁷ Харита Google интернет тармоғи маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузиб чиқилди.

катлардан туристларни жалб қилмоқда. Бирок, сайёхларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйишида ва минтақадаги давлатларнинг бу соҳадаги ўзаро рақобатига бардош бериш учун бир қатор ислоҳотларни амалга ошириш зарур. Юзага келаётган кучли рақобатга сийб чиқиши учун соҳа мөдниларининг доимий изланишиларини, хизмат турларини кескин даражада кўпайтиши, туристлар учун энг кулай шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Жаҳон таърибасидан маълумкин туризм бозорини ривожлантириш ва унинг фаолиятни юқори даражага олиб чиқиш ўзига хос мураккаб жароёндир. Туризмда назоратсизлик, ўзбекистончиллик инфратузилманинг ривожланишига зиён етказади.

Туризмдан катта даромад олаётган Европа мамлакатларида сайёхлик фуслиятининг айрим йўналишлари давлат томонидан тўғридан тўғри ёки бўлсовсита сиёсий-рәсмий бошқарилиб, аниқ мақсадга кўналигиро турдади. Тўғридан-тўғри бошқарицда зарурат тўғишиб оғланда, туристик хизматлар учун белгиланган нароҳаттар тартибга солинади. Бу каби таърибаларни ўрганганд ҳолда бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида республикамизда туризмни янги босқичга кўтариш ва самарали фаолият кўрсатишга мос келадиган янги шароит ҳамда механизм вужудга келди. Бунга бир қатор асослар бор бўлиб, Ўзбекистон туризм соҳаси ривожланишида юқори салоҳиятига эга давлат ҳисобланиб, Марказий Осиёдаги давлатлар орасида рақобатбордош туристик маҳсулотлари билан етакчилик қиласди. Бу кўплаб иёб табиат обьектларининг мавжудлиги (кўллар, тоғ чўққилари, бепаён чўллар), бой маданий ва тарихий мерос билан ҳам боғлиқдир. Мамлакатда 7,4 мингдан зиёд маданий мерос обьектлари бўлиб, улардан 209 таси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мерос обьектлари рўйхатига киритилгаи. Бундан ташқари, республикада Зта миллий боғ, 8та давлат қўрикхонаси, 106 та музей ва сайёхларни жалб этиш мумкин бўлган кўплаб бошқа обьектлар ҳам мавжуд бўлиб, узоқ йиллар мобайнида, бу салоҳиятдан тўлалигича фойдаланилмади. Масалан, 2011-2016 йиллар давомида хорижий меҳмонларнинг мамлакатга ўртacha йиллик ташрифи 8%га ўсган, холос. Мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда бизнинг олдимизга кўйилган асосий мақсадлардан бири кўпроқ туристларни

жалб килиш ва келаётган даромадни оширишидир. Туризми ривожланган мамлакатлар бир йилда ўртача, АҚШ 214,0 млрд., Испания 74,0 млрд., Франция 67,0 млрд., Италия 49,0 млрд., Туркия 25,0 млрд., Австрия 22,0 млрд. АҚШ доллары миқдорида даромад олмоқда⁴⁸. Бу борада бизнинг кўрсаткичларимиз бугунги кун талаби бўйича қониқарли эмас, ўсиш суръатлари йилдан-йилга яхшиланётган бўлишига қарамасдан ҳали тўлиқ имкониятлари миздан фойдалана олмаятмиз.

Республикамизга охирги йилларда туристлар ташрифи ва туристик хизматлар экспорти барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда. Туристик хизматлар экспорти 2010 йилга қараганда 2017 йилда икки бараварга ошган ва 2017 йилда 546,9 млн., 2018 йил 1,041 млн., 2019 йилда 1,313 млн. АҚШ долларини ташкил этган⁴⁹ (2.2.1-жадвал). Бундан кўриниб турибиди, туристик хизматлар экспорти йилдан-йилга доимий тенденцияга эришмоқда.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар ва туристик хизматлар экспорти ҳажми кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар			Йиллик ўсиш %да	
	2017	2018	2019	18/17	19/18
Ташриф буюрган туристлар (минг киши ҳисобида)	2,690	5,346	6,748	98,7	26,8
Туристик хизматлар экспорти (млн. АҚШ дол. ҳисобида)	546,9	1,040	1,313	90,0	26,2

Манба: www.uzbektourism.uz ва *Tourism in Uzbekistan 2019* статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

⁴⁸ www.unwto.org. International Tourism Highlights. 2019 Edition. Madrid.

⁴⁹ www.uzbektourism.uz ва *Tourism in Uzbekistan 2019* статистик тўплами маълумотлари.

2.2.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сони 2017 йилда 2,690 минг, 2018 йилда 5,346 минг, 2019 йилда 6,748 мингтани ташкил қиласа бўлиб, 2017 йилга нисбатан 2019 йилда қарийб 2,5 баробар ортганилигини, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан туристлар ташрифи 26,8%га ўсгаилигини кўришимиз мумкин.

Туристик ташрифларнинг таҳлили кўрсатишича, республикамизнинг ташки туризм бозорини иккига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. МДХ (МДХ ва яқин қўшни мамлакатлар) ва узок хорижий мамлакатлар туризм бозорига бўламиз. Асосий туристлар республикамизга МДХ ва яқин қўшни мамлакатлардан ташриф буюраётганлиги, бу бозорнинг имкониятлари катталигидан далолат беради.

Республикамизга 2018 йилда Қозоғистондан 2,253 минг, Тожикистондан 1,131 минг, Қирғизистондан 1,034 минг, Туркманистондан 178,4 минг, Россия Федерациясидан 371,1 минг, Афғонистондан 44,2 минг, Украинадан 12,0 минг, Озарбайжондан 10,3 минг, Беларусиядан 7,6 минг, Арманистондан 1,4 мингта турист ташриф буюрган. 2019 йилда эса Қозоғистондан 2,261 минг, Тожикистондан 1,474 минг, Қирғизистондан 1,455 минг, Туркманистондан 574,8 минг, Россия Федерациясидан 458,4 минг, Афғонистондан 62,5 минг, Украинадан 14,0 минг, Озарбайжондан 12,3 минг, Беларусиядан 7,4 минг, Арманистондан 1,7 мингта турист ташриф буюргаи. Туристларнинг ташрифи 2019 йилда 2018 йилга қараганда 25,3% ўсишга эришилган⁵⁰(2.2.2-жадвал).

Туристлар ташрифининг 2019 йилдан 2018 йилга нисбатан ўсишини МДХ ва яқин қўшни мамлакатлар миқёсида таҳлил қиласанимизда, Қозоғистондан 0,4%га, Тожикистондан 30,2%га, Қирғизистондан 40,7%га, Туркманистондан 322,2%га, Россия Федерациясидан 23,5%га, Озарбайжондан 19,4%га, Украинадан 16,6%га, Арманистондан 21,4%га, Афғонистондан 41,4%га ўсиш бўлган, факат Беларусиядан ташрифлар -2,7%га тушиши кузатилиди.

Узок хорижий давлатлар бозоридаги етакчи мамлакатлардан ташриф буюрган туристлар тенденциясини кўриб чиққанимизда асосий туристларни етказиб берувчи саккизта мамлакат борлиги

⁵⁰ [www.uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг статистик маълумотлари.

аниқланди. Бу давлатлар туристик бозордаги оқимнинг ўргача 60-70% ни таъминлаб бермоқда.

2.2.2-жадвал

МДХ ва яқин қўшни давлатлардан ташриф буюрган туристлар (минг киши хисобида)

Давлатлар номи	Йиллар		Йиллик ўсиш %да
	2018	2019	
Қозоғистон	2,253	2,261	0,4
Тожикистон	1,131	1,474	30,2
Қирғизистон	1,034	1,455	40,7
Туркманистон	178,4	574,8	322,2
Россия Федерацияси	371,1	458,4	23,5
Афғонистон	44,2	62,5	41,4
Украина	12,0	14,0	-16,6
Озарбайжон	10,3	12,3	19,4
Беларусия	7,6	7,4	-2,7
Арманистон	1,4	1,7	21,4
Жами	5,043	6,321	25,3

Манба: www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

Ўзбекистонга 2018 йилда хорижий мамлакатлар орасида ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми Туркияга тўғри келади 41,2 минг киши, кейинги ўринларда Хитойдан 32,4 минг, Корея Республикасидан 27,2 минг, Ҳиндистондан 21,0 минг, Германиядан 18,0 минг, Япониядан 17,0 минг, Италиядан 13,8 минг, Франциядан 13,5 минг, қолган давлатлардан 118,7 минг туристлар ташриф буюрган. 2019 йилда шунга мос равишда Туркиядан 63,5 минг, Хитойдан 54,2 минг, Корея Республикасидан 35,5 минг, Ҳиндистондан 27,8 минг, Германиядан 27,6 минг, Япониядан 24,9 минг, Италиядан 20,3 минг, Франциядан 20,3 минг, бошقا давлатлардан 152,8 минг сайёхлар ташриф буюрган (2.2.3-жадвал).

Узок хорижий мамлакатлар туризм бозоридаги тенденцияни таҳлил қиласиган бўлсак, 2019 йилдан 2018 йилга нисбатан туристик оқим Туркиядан 54,1%га, Хитойдан 67,2%га, Корея

Республикасидан 30,5%га, Хиндистандан 32,3%га, Германиядан 53,3%га, Япониядан 46,4%га, Италиядан 47,1%га, Франциядан 50,3%га, қолган бошқа давлатлардан 28,7%га ўсганлиги кузатилди.

2.2.3-жадвал

Ўзбекистонга нисбатан кўп туристлар ташриф буоряётган узок хорижий давлатларнинг кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)

Давлатлар номи	Йиллар		Йиллик ўсиш %да
	2018	2019	
Туркия	41,2	63,5	54,1
Хитой	32,4	54,2	67,2
Корея Республикаси	27,2	35,5	30,5
Хиндистан	21,0	27,8	32,3
Германия	18,0	27,6	53,3
Япония	17,0	24,9	46,4
Италия	13,8	20,3	47,1
Франция	13,5	20,3	50,3
Бошқа давлатлардан	118,7	152,8	28,7
Жами	302,8	426,9	40,9

Манба: www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.


Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, бу бозорда асосий эътиборни Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий-Шаркий Осиё минтақаларига қаратиш зарур. Чунки, бу минтақада жойлашган давлатлар билан иқтисодий алоқани ўрнатиш кулай (республикамизнинг географик жойлашуви) бўлиб, охирги йилларда дунё туризмидаги асосий туристик оқимни айнан шу мамлакатлар таъминлаб бермоқда.

Республикамизда туризмидаги охирги йилларда ижобий ўзгаришларга эришилишнинг асосий сабаблари куйидагилардир:

- туризмни 2025 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг чора-тадбирлари режасининг ишлаб чиқилиши;

- кўшни ва узок хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқалар ва интеграцион жараёнларнинг қайта кўриб чиқилиши;

- туризмда фаол инвестицион мухитнинг яратилиши;
- виза тизимидағи ўзгаришлар;
- туристик хизматлар кўрсатишда рақобатнинг ортиб бориши;
- инфратузилманинг шакллантириш жараёнини тезлашиши;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун яратилаётгай шарт-шароитлар ва бошқалар.



2.2.2-расм. Ўзбекистонда виза тартиби жорий қилинган давлатлар кўрсаткичлари⁵¹

Ўзбекистонда 2020 йил 1 январдан виза тартиби бўйича куйидагиларга амал қилиш бошланди. Визасиз тартиб асосида 86 та мамлакатдан туристларни қабул қилиш жорий қилинди. 2019 йилда умумий ташриф буорган туристларнинг 58,0%ни визасиз келган сайёҳлар ташкил этди. Визасиз тартибга амал қилиш муддати ҳам 7 кундан 60 кунгача қилиб белгиланди. Шу билан биргаликда электрон виза тартибидан 57та мамлакат туристлари фойдаланиш имконияти яратилди. Электрон виза орқали 2019 йилда мамлакатимизга 60 мингта турист ташриф буоргани. Бундан ташқари, транзит визасиз тартиб 36та мамлакат фуқаролари учун жорий қилинди. Бундай амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимизга ташриф буораётгай туристлар оқимининг сонида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

⁵¹ Тадқиқотчи томонидан www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган туристларнинг 2018-2019 йилларда мавсумлар ва ойлар кесимида тенденциясини ўрганиб чиқадиган бўлсак, 2018 йил январь-февраль ойларида энг кам туристлар ташрифини кўрсатади. Бу борада 2019 йилда олиб борилган ишлар ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида январь ойида 437,2 минг турист ташриф буюрган бўлиб, ўтган йилгига нисбатан 62,4% ўсиш, февралда 393,5 минг турист ташриф буюрган бўлиб, ўтган йилгига нисбатан 50,6% ўсишга эришилган⁵²(2.2.4-жадвал).

2.2.4- жадвал

Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эллик туристларнинг 2018-2019 йилларда ойлар кесимидағи кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)

Ойлар/йиллар	2018 йил	2019 йил	Ўсиш %да
Январь	269,2	437,2	62,4
Февраль	261,2	393,5	50,6
Март	448,3	549,4	22,5
Апрель	434,9	544,4	25,1
Май	441,5	496,7	12,5
Июнь	472,9	613,5	29,7
Июль	506,1	597,7	18,0
Август	584,4	692,3	18,4
Сентябрь	503,3	613,8	21,9
Октябрь	504,3	658,3	38,2
Ноябрь	476,1	633,9	33,1
Декабрь	450,2	517,6	14,9

Манба: www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

Йилнинг бошқа ойларида йиллик ўсиш бу даражада кузатилимади. Бунинг асосий сабабларидан бири охирги йилларда республикамизнинг бир қатор худудларида қишики туризмни (Тошкент, Наманган, Жиззах вилоятларида) ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар самараасидир.

⁵² www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари.

Ўзбекистонда нафакат жаҳои туризмидаги энг катта муаммолардан бири, туристик мавсумни бир хилда ушлаб туришдир. Туристик мавсумни бир маромда ушлаб туриш, туризми ривожланган Франция, Германия, Италия, Канада, Хитой давлатларида ҳам долзарб масаладир. Мамлакатимизга асосий туристик оқим август, сентябрь, октябрь, ноябрь ойларига тўғри келади. Бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтларда республикамиз об-ҳавоси қулай туристик саёҳат қилишга имкон беради. Ёзда ҳам туристлар ҳаракати 2019 йил июнь ойида 2018 йилга нисбатан 29,7 % ўсиш, июль ойида 18,0% ўсишни қайд этган ҳолда олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ортиб бораётганинг мумкини мумкин. Туристик мавсумийликни таъминлашнинг энг муҳим сабабларидан бири, йил давомидаги инфратузилмани бир хилда ишилашига шароит яратишдир. Мавсумийликнинг ўргасидаги фарқнинг ортиб кетиши бир қатор муаммолар, жумладан, малакали ишчиларнинг иш ўрнини йўқотиши, меҳмонхоналарнинг бандлиги, транспорт хизматидаги узилишларни, валюта тушумлари ҳаракатини ва бошқаларни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда олдинги йилларда туристик мавсумийлик ўргасида жуда катта фарқлар мавжуд эди, лекин охирги уч йил давомидаги амалга оширилган ишлар кўлами бу фарқни камайтиришга имконият бермоқда.

Туристик мавсумлар орасидаги фарқларнинг камайишини МДҲ ва узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган туристлар ҳаракатини ўрганиш орқали қилиниши керак бўлган ишларимизни аниқлаб оламиз.

МДҲ ва узоқ хорижий мамлакатлар туристлари ҳаракати тахлили кўрсатишича, МДҲдан ташриф буюрганлар ойлар бўйича 2019 йилдан 2018 йилга нисбатан январда 64,8%, февралда 48,3%, марта 25,4%, октябрда 29,6%, ноябрда 33,0%, декабрда 14,5%ни, узоқ хорижий давлатлар кўрсаткичлари январда 53,5%, февралда 52,8%, марта 11,6%, октябрда 41,8%, ноябрда 35,5%, декабрда 25,0%ни кўрсатиб, ўсиш тенденциялари бу икки туристик бозорда бир - бирига яқинлигини кўрсатди⁵³ (2.2.5-жадвал).

⁵³ www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари.

2.2.5-жадвал

МДХ ва узоқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган туристларнинг 2018-2019 йилларда ойлар кесимидағи күрсаткичлари (киси ҳисобида)

Ойлар номи	МДХ давлатларидан			Узоқ хорижий давлатлардан		
	2018 йил	2019 йил	Ўсиш %да	2018 йил	2019 йил	Ўсиш %да
Январь	254 426	419 202	64,8	11 768	18 063	53,5
Февраль	251 493	372 955	48,3	13 439	20 538	52,8
Март	413 539	518 666	25,4	27 595	30 788	11,6
Апрель	403 100	493 173	22,3	31 862	51 213	60,7
Май	408 743	452 032	10,6	32 757	44 719	36,5
Июнь	447 386	569 191	27,2	25 521	44 284	73,5
Июль	476 456	555 760	16,6	29 649	41 905	41,3
Август	546 004	636 822	16,6	38 430	55 449	44,3
Сентябрь	457 454	547 861	19,8	45 851	65 923	43,8
Октябрь	464 595	601 929	29,6	39 795	56 437	41,8
Ноябрь	451 508	600 623	33,0	24 623	33 363	35,5
Декабрь	429 652	491 896	14,5	20 569	25 718	25,0

Манба: www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

Колган ойлар бўйича МДХ мамлакатларидан ташриф буюрганлар 2019 йилдан 2018 йилга нисбатан апрелда 22,3%, майда 10,6%, июнда 27,2%, июлда 16,6%, августда 16,6%, сентябрда 19,8%ни, узоқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган туристлар мос равишда апрелда 60,7%, майда 36,5%, июнда 73,5%, июлда 41,3%, августда 44,3%, сентябрда 43,8% ўсиш кузатилди.

Таҳлиллар натижаси бўйича икки туристик бозордан ташриф буюраётган туристлар тенденциясига ойлар бўйича қарайдиган бўлсақ, ўсиш узоқ хорижий мамлакатлар бозорида тез кечеётганлигини кўрамиз.

МДҲ бозорида туристлар ташрифи ёз ойларида йиллик ўсиш камлигини кўрсатаетгай бўлса, аксинча узоқ хорижий давлатлардан ташрифлар сони йиллик фоизда барқарор бўлиб турибди.

Бу кўриб ўтилган муаммолар ва юзага келаетган камчиликларни яқин йиллар ичида бартараф этиш ва соҳани ривожлантириш учун қабул қилинаётган қарорлар, фармонлар ва чора-тадбирлар режалари ичида яна бир аҳамиятга молик бўлган, 2019-2025 йилларда республикамида “Туризмни ривожлантириш концепцияси”нинг тасдиқланиши бўлди. Концепция яқин 4-5 йил ичида инфратузилмани мукаммал шакллантиришга доир қилиниши керак бўлган ишларни ўз ичига олади. Бу каби амалга оширилаётган ишлар натижасида, республикамида туризм ривожланиши юкори босқичга чиқишига шубҳа қолмайди.

2.3. Туризм инфратузилмаси тармоқларининг такомиллашуви ва ривожланиши ҳолати

Президентимиз томоидан 2019 йил 5 январь куни “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-5611-сонли Фармон қабул қилинди⁵⁴.

Бу фармонга асосан қуйидаги йўналишлар:

-туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулаги туризм мухитини яратиш;

-туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш;

-туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга алоҳида

⁵⁴ www.Lex.uz. КХММБ: 06/18/5611/2430-сон. 06.01.2019 й.

эътибор берилган бўлиб, амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга Президентимизнинг 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510-сонли Қарорида Туризм кўмитасининг ваколатлари ва амалга ошириши керак бўлган вазифалари, туристик инфратузилмани шакллантириш борасидаги йўналишлари белгилаб берилган.

Туризм инфратузилмаси тармоқлари бир-бири билан мувофиқ ҳолда ривожланишиб, республикамиз иқтисодиётининг комплекс ривожланиши ва шаклланишида ўзига хос ўрин тутмоғи зарур. Республика иқтисодиётининг шаклланишида бошқа тармоқлар сингари туризм ҳам ягона моделга боғланиши керак. Республикаизда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда куйидаги масалаларни биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим:

- туризм соҳасида ягона миллий иқтисодий сиёсатни таъминлаш;
- туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун ташкилий-хукукий қарорларни такомиллаштириш;
- рекреацион ресурсларнинг самарали ишлатилишига, миллий-тарихий меъморчилик ёдгорликларини асл кўринишида сақлаб қолишга эришиш;
- замонавий туристик комплексларни бунёд этишда чет эл сармоясини жалб этиш, мавжуд мажмуаларни халқаро талабларга мослаштириш, зарурий маблаглар билан таъминлаш;
- йирик хорижий фирмалар билан туристик хизмат кўрсатишнинг янги шаклларини ташкил этиш;
- жаҳон бозорида талаб катта бўлган йўналишларни йўлга кўйишида ва ишлаб чиқишида фаол иштирок этиш;
- чет элларда турмаҳсулотлар ва хизматлар маркетинги тадбирларини олиб бориб, 200 дан ортиқ мамлакатлар билан рақобатлаша олишга эришиш;
- юқори малакали менежерлар, маркетологлар, бизнесменлар ва тадбиркорларни тайёрлаш, республикамиз олий ўкув юргларида шундай кадрларни қайта тайёрлашни жорий қилишдан иборатdir.

Шу билан бирга туризм инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган кўйидаги омилларнинг бизда яхши ривожланганини кўрсатиш мумкин:

- миллий, тарихий ва қадимий қадамжоларнинг кўплиги;
- ҳалқимизнинг меҳмондўстлиги ва миллий анъаналарга бойлиги;
- республиканинг ранг-баранг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги;
- автомагистраллар ва темир йўлларнинг етарли даражадаги ривожланган инфратузилмаси;
- республикамизнинг Европа ва Осиё қитъалари чорраҳасидаги стратегик йўлда (“Буюк Ипак йўли” марказида) жойлашганлиги;
- ҳалқаро ҳаво йўлларининг етарли даражада ривожланган тармоғи мавжудлиги;
- Ўзбекистонда мусулмонлар ва бошқа динга сигинувчилар учун муҳим аҳамият касб этувчи муқаддас қадамжоларнинг кўплиги.

Республикамизда туризм инфратузилмасини ривожлантиришда давлат ёндашувини талаб қиласидан бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлиб, бу омилларнинг ечимини топмасдан туризм инфратузилмасини ривожлантириб бўлмайди. Бу омиллар кўйидагилардан иборатdir:

- туризм инфратузилмасини ташкил этувчи ташкилотларнинг биргаликда фаолият олиб бормаслиги;
- саёҳатга чиққан туристлар учун авиачиғталар нархининг юқорилиги;
- меҳмонхоналардаги хизмат нархларининг ҳалқаро меъёрлардан нисбатан қиммат бўлишидир.

Кўриб ўтилган омилларнинг бартараф этиш учун олдимиздаги вазифаларимиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва ривожланиши йўналишларини ишлаб чиқишида асосий эътибор нималарга қаратилишини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан туризм инфратузилмаси тармоқларининг ривожланишини таҳлил қиласидан бўлсак, бу жуда кенг маштабни олиши мумкинлигини ҳисобга олиб, асосий туристик хизматлар

кўрсатишни ташкил қилувчи (туристик фаолият олиб борувчи субъектлар, меҳмонхона ва жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатлантириш) тармоқларни кўриб чикамиз.

Республикамизда туристик фаолият олиб бораётган субъектлар сони бўйича таҳлил қиласдан бўлса, охирги йилларда фаолият кўрсатадиган туристик фирма ва ташкилотларнинг сони олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ортган. 2012 йилда уларнинг сони 345 та бўлган бўлса, 2017 йилга келиб 104 тага кўпайиб 499 тани ташкил этган (2.3.1-жадвал).

Улар томонидан кабул қилинган хорижий ташриф буюрувчилар 2012 йилда 203,7 минг, 2013 йилда 505,4 минг, 2015 йилда 560,4 минг, 2017 йилда 670,0 минг, 2018 йилда 713,2 мингтани ташкил этган⁵⁵.

2.3.1-жадвал

Республикамиздаги туристик фирма ва ташкилотларнинг сони ва хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар⁵⁶

Кўрсаткичлар номи	Йиллар				
	2012	2013	2015	2017	2018
Туристик фаолият олиб бораётган фирма ва ташкилотлар сони, бирлиқ	345	336	398	499	825
Қабул қилинган хорижий ташриф буюрувчилар, минг киши	203,7	505,4	560,4	670,0	713,2
Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар, минг киши	102,4	225,8	191,1	167,4	224,8


Шу билан биргаликда хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони ҳам 2012 йилда 102,4 минг, 2013 йилда

⁵⁵ Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁵⁶ Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан жамланди.

225,8 минг, 2015 йилда 191,1 минг, 2017 йилда 167,4 минг, 2018 йилда 224,8 минг кишига етган.

Республикамизда фаолият олиб бораётган туроператорлар сони хам 2017 йилдан 2016 йилга 127 тага кўпайиб, 749 тани, 2018 йилда 983тани, 2019 йилда 1482тани ташкил килди. 2019 йилдан 2016 йилга нисбатан фаолият олиб бораётган туроператорлар сони қарийб 2,5 бароварга ошди (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Туристик фаолият олиб бораётган туроператорлар сони⁵⁷


Туризм инфратузилмасининг асосий тармоғи бўлган меҳмонхона ва жойлаштириш воситалари фаолиятини таҳлил киладиган бўлсак, республикамизда 2017 йилда 772та, 2018 йилда 914та, 2019 йилда 1188та меҳмонхоналар фаолият олиб борган. Шунга мос равишда меҳмонхоналардаги номерлар (хоналар) сони 2017 йилда 19,0 минг, 2018 йилда 20,2 минг, 2019 йилда 26,1 мингтани ташкил этди. Мавжуд меҳмонхоналардаги номерларда 2017 йилда 39,0 минг, 2018 йилда 41,2 минг, 2019 йилда 53,4 мингта ўринлар (жойлар) туристларга хизмат кўрсатиш учун яратилган⁵⁸.

⁵⁷Тадқиқотчи томонидан www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик туплами маълумотлари асосида тузилди.

⁵⁸ Tourism in Uzbekistan 2019 статистик туплами маълумотлари.


Figure 8. Mean scores of the three groups on the three tests of the reading comprehension subtest of the Wechsler Objective Reading Dimensions Test.

Test	Control group	LD group	SLD group
Mean	100	95.7	94.3
SD	10.0	10.3	11.0
Range	70–130	60–130	60–130
Median	100	95.5	94.5
Mode	100	95.5	94.5
Min	70	60	60
Max	130	130	130
Skewness	-.22	.14	.17
Kurtosis	3.05	3.03	3.01



and the SLD group had the lowest mean scores. The results of the one-way ANOVA indicated that there was a significant difference between the groups ($F(2, 27) = 4.11, p < .05$). Tukey's HSD test revealed that the LD group had significantly lower mean scores than the control group ($p < .05$) and the SLD group ($p < .05$), but the SLD group did not differ significantly from the control group ($p > .05$).

Figure 9. Mean scores of the three groups on the three tests of the reading comprehension subtest of the Wechsler Objective Reading Dimensions Test.



The results of the one-way ANOVA indicated that there was a significant difference between the groups ($F(2, 27) = 4.11, p < .05$). Tukey's HSD test revealed that the LD group had significantly lower mean scores than the control group ($p < .05$) and the SLD group ($p < .05$), but the SLD group did not differ significantly from the control group ($p > .05$).

2.3.2-жадвал

Ўзбекистонда меҳмонхона индустриясининг ривожланиши курсаткичлари (сони, бирлик)

Курсаткичлар номи	Йиллар			Ўсиш%да	
	2017	2018	2019	2018/2017	2019/2018
Меҳмонхоналар	772	914	1188	18,-	29,9
Номерлар/хоналар	19000	20216	26147	6,4	29,3
Үринлар/жойлар	39000	41158	53439	5,5	29,8

Манба: www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

Меҳмонхоналар сони йиллар бўйича ўсиши кузатилганда 2018 йилдан 2017 йилга нисбатан ўсиш 18,3%, 2019 йилдан 2018 йилга нисбатан 29,9%, меҳмонхоналарга мос равишда номерлар сони 2018 йилдан 2017 йилга нисбатан ўсиш 6,4%, 2019 йилдан 2018 йилга нисбатан 29,3%, шунга мос равишда номерлардаги үринлар сони ҳам 2018 йилдан 2017 йилга нисбатан ўсиш 5,5%, 2019 йилдан 2018 йилга нисбатан 29,8%га ўсгани кузатилди.

2.3.3-жадвал

Ўзбекистондаги меҳмонхоналар номерларининг худудлар бўйича курсаткичи (сони, бирлик)

Худудлар	2018 йил	2019 йил	Ўсиш %да
Тошкент шаҳри	7140	8804	23,3
Бухоро вилояти	2184	2945	35,0
Тошкент вилояти	1516	2542	67,7
Самарқанд вилояти	2277	2522	10,8
Хоразм вилояти	1350	1797	33,1
Навоий вилояти	732	1354	85,0
Қашқадарё вилояти	1181	1297	9,8
Фарғона вилояти	742	1124	51,5
Сурхондарё вилояти	794	1003	26,3
Наманган вилояти	500	815	63,0
Қораколғистон Республикаси	597	599	0,3
Жиззах вилояти	493	580	17,6
Андижон вилояти	507	521	2,8
Сирдарё вилояти	203	244	20,2

Манба: Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

Республикамиз худудларидаги мавжуд меҳмонхоналарнинг номерлари сони бўйича кўрсаткичини таҳлил қиласақ, энг кўпи Тошкент шаҳрида бўлиб, 2018-2019 йилларда 7140тадан 8804тага, йиллик ўсиш 23,3%ни ташкил қиласа. Шунга мос равишда Бухоро вилоятида 2184тадан 2945тага (35%), Тошкент вилоятида 1516тадан 2542тага (67%), Самарқанд вилоятида 2277тадан 2522тага (10,8%), Хоразм вилоятида 1350тадан 1797тага (33,1%), Навоий вилоятида 732тадан 1354тага (85,0%), Қашқадарё вилоятида 1181тадан 1297тага (9,8%), Фарғона вилоятида 742тадан 1124тага (51,5%), Сурхондарё вилоятида 794тадан 1003тага (26,3%), Наманган вилоятида 500тадан 815тага (63%), Қорақалпогистон Республикасида 597тадан 599тага (0,3%), Жizzах вилоятида 493тадан 580тага (17,6%), Андикон вилоятида 507тадан 521тага (2,8%), Сирдарё вилоятида 203тадан 244тага (20,2%) номерлар сони ортган⁵⁹.

Республикамиздаги меҳмонхоналар номерлари (хоналар) сонининг худудлар бўйича таҳлил кўрсатишича, умумий номерларниң Тошкент шаҳрига 33,6%, Бухоро вилоятига 11,2%, Тошкент вилоятига 9,7%, Самарқанд вилоятига 9,6%, Хоразм вилоятига 6,8%, Навоий вилоятига 5,1%, Қашқадарё вилоятига 4,9%, Фарғона вилоятига 4,3%, Сурхондарё вилоятига 3,9%, Наманган вилоятига 3,2%, Қорақалпогистон Республикасига 2,4%, Жizzах вилоятига 2,3%, Андикон вилоятига 2,1%, Сирдарё вилоятига 1,0% тўғри келади⁶⁰ (2.3.2-расм).

Шу билан биргаликда республикамизда охирги уч йилда меҳмон уйлар сони ҳам сезиларли даражага ўсиб бораётганлигини куришимиз мумкин. 2018 йилда 106 та, 2019 йилда 886 та меҳмон уйлар ўз фаолиятини бошлаган. Улардаги ўринлар (жойлар) сони 2018 йилда 934 та бўлган бўлса, 2019 йилда 7502 тани ташкил килиб, бир йилда 8 баровар ўсишга эришилган⁶¹.

⁵⁹Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари.

⁶⁰Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари.


⁶¹Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари.



2.3.2-расм. Ўзбекистондаги меҳмонхоналар номерлари фондининг ҳудудлар бўйича фоиз кўрсаткичи⁶².

Меҳмонхона индустрисидаги энг муҳим нарсалардан бири номерларнинг бандлик даражасидир. Бандлик даражасининг курсатишича, юкори мавсум саналадиган март-июнь ва сентябрь-октябрь ойларида меҳмонхоналарнинг бандлиги 2017 йилда 69,0%, 2018 йилда 89,0%, 2019 йилда 90,1%ни ташкил қилган. Шунга мос равишда пассив мавсум саналадиган декабрь-февраль ва июль-август ойларида 2017 йилда 54%, 2018 йилда 71%, 2019 йилда 75%ни ташкил этган. Бундан кўринниб турибдики, республикамиздаги меҳмонхоналарнинг бандлик кўрсаткичи барқарор тенденцияга яқинлашиб бормоқда.

⁶² Тадқикотчи томонидан Tourism in Uzbekistan 2019 статистик түплами маълумотлари асосида тузилган.






2.3.3-расм. Ўзбекистондаги меҳмонхоналар номерларининг йиллик тўлиш (бандлик) кўрсаткичлари⁶³.

Республикамизда меҳмонхона хўжалиги ривожланиши таҳлиллари кўрсатишича, минтақаларимизда меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситаларининг тақсимланишида катта фарклар мавжуд. Бундан кўриниб турибдики, туристларнинг оқими минтақалар бўйича бир-биридан катта фарқ қиласи. Бу фарқни имкон кадар камайтириш учун туристлар оқими кам бўлган ҳудудлардаги туристик ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда янги туристик маршрутларни ишлаб чикиш керак.

Республикамиздаги меҳмонхоналар сони, ундаги номерлар фонди ҳам ҳозирги пайтда туризм тез ривожланиб бораётган жараёнда талабга жавоб бермайди. Ўсиб бораётган талабга инфратузилмани мослаштириш учун республикамизда айнан меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш максадида 2019 йилдан бошлаб, меҳмонхоналар куриш учун инвесторлар харажатларининг бир қисми давлат бюджети хисобидан қопланиш белгиланди. Бунга асосан 3 юлдузли тоифа учун 50 та хонадан кам бўлмаган ва 4 юлдузли тоифа учун 100 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга меҳмонхона 2022 йил 1 январгача фойдаланишга топширилган такдирда, меҳмонхона тоифаси тасдиқлангач, янги меҳмонхонани куриш ва жихозлаш учун инвесторлар

⁶³Тадқикотчи томонидан Tourism in Uzbekistan 2019 статистик түплами маълумотлари асосида тузилган.



Figures 1, 2, 3. Percentage of patients with different types of cancer who received chemotherapy, radiotherapy and both chemotherapy and radiotherapy.

харажатларининг бир кисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланиши белгиланди.

Бунда, инвесторлар харажатларининг бир кисмини Давлат бюджетидан молиялаштириш микдори қўшимча равишда ташкил этилаётган хоналар сони 50 мингтага етгунига қадар келгуси йил учун Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш жъроенида ушбу микдорни ҳар йили индексация килган ҳолда З юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўм, 4 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 миллион сўмни ташкил қиласди.

Бу куйидагича кўринишга келади:

-дастлабки 50та З юлдузли тоифага эга меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари эквивалентида;

-дастлабки 30та 4 юлдузли тоифага эга меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари эквивалентида бўлади.

Бунда ташкилотлар учун фаолиятини молиялаштиришнинг умумий ҳажми кўпи билан 10 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлади.

Туризм инфратузилмасининг яна бир асосий воситаларидан бири транспорт тармоғи хисобланади. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра республикамизда транспорт соҳасида қарийб 15360 та турли мулкчилик шаклдаги корхона ва ташкилотлар фаолият олиб бораётган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 2030 тага, ўсиш 15,2% ни ташкил этган⁶⁴.

Транспорт тармоғи давлатнинг қон томири сифатида қаралади. 2.2.2 - бўлимда кўрилган “Буюк Ипак Йўли”нинг кайта тиклаш бўйича Хитой ҳукумати илгари сураётган лойиҳасига асосан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон бу йулнинг куруқлиқдан ўтувчи қисмининг Европадан Осиёга олиб келадиган энг қиска транспорт йуналиши марказида жойлашган. Бу ўз навбатида Ўзбекистонга Фарб ва Шарқ ўргасидаги чорраҳасида жойлашгани учун, Евроосиё китъасининг Шарқи ва Фарбини боғлаб турувчи хавфсиз транспорт алоқаларини амалга ошириш имкониятини очиб беради.

⁶⁴ www.stat.uz.

Ўзбекистон айни пайтда туристларга хизмат кўрсатиш учун денгиз транспортидан ташкари, барча замонавий транспорт турларига эга. Республикаизда темир йўллар ва автомобиль йўллар тармоғи, халқаро аэропортлар етарли даражада инфратузилмага эга.

Инфратузилманинг имкониятларини баҳолаш учун туристларга республикамизда транспорт хизмати кўрсатиш бўйича такқослама кузатиш орқали рейтинг тушиб чикиш лозимлиги аниқланди. Маълумотлар асосида (2.3.4-жадвал) ҳар бир кўрсаткич бўйича 10 балли баҳолаш тизими белгилаб олиниди.

2.3.4-жадвал

Транспорт воситаларининг такқослама рейтинги⁶⁵ (баҳолаш мезони ҳар бир кўрсаткич бўйича 10 балл)

Баҳолаш мезонлари	Транспорт воситаларининг турлари			
	Темирйул восита-лари	Автобус-лар	Енгил автомобил-лар	Самолёт-лар
Ҳаракат хавфсизлиги	8	4	3	7
Саёҳат қиймаги	2	3	4	8
Тезлик	6	6	8	10
Оммавийлик	6	7	8	9
Турист ҳоҳиши бўйича иўлда тўхташ имконияти	1	8	10	1
Сигими	9	4	1	10
Шинамлик даражаси	8	6	7	9
Кўрсаткичлар бўйича жами баллар	40	38	41	54

⁶⁵ Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатадиган транспорт воситаларининг такқослама рейтинги тушиб чиқилди.

Таққослама маълумотлар асосида ҳаракат ҳавфсизлиги бўйича темир йўл 8 балл, самолётлар 7 балл билан юқори кўрсаткичга эга, шунга мос равища тезлик бўйича енгил автомобиллар 8 балл, самолётлар 10 балл, туристлар оммавий фойдаланиши бўйича енгил автомобиллар 8 балл, самолётлар 9 балл, туристлар хоҳиши бўйича йўлларда тўхташ имконияти енгил автомобиллар 10 балл, автобуслар 8 балл, сифими бўйича темир йўл воситалари 9 балл, самолётлар 10 балл, шинамлик даражаси бўйича темир йўл 8 балл, самолётлар 9 балли кўрсаткичларга эга бўлди.

Юқоридаги таҳлиллар иатижаси бўйича Ўзбекистонда туристлар учун энг кулагай ва оммалашган транспорт воситалари ичида самолётлар 54 балл, енгил автомобиллар 41 балл, темир йўл 40 балл, автобуслар 38 балл кўрсаткичга эга бўлди. Бундан кўриниб турибдики, туристларга хизмат кўрсатишда ҳаво транспорти устуворликка эга экан.

Шунинг учун ҳаво транспортини ривожлантиришга алоҳида ётиборни қаратишимииз лозимдир. Бугунги кунда республикамиз транспорт инфратузилмасининг энг катта тармоқларидан бири миллий авиакомпаниямиш “Ўзбекистон ҳаво йўллари”дир. Авиакомпания томонидан мунтазам равища дунёning 40 дан ортиқ шаҳарларига, Европа ва Осиё мамлакатларига, Америка ва Японияга парвозларни амалга ошириб келмоқда.

Республикамида ҳалқаро стандартларга мувофиқ 11 аэропорт (Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андіжон, Фарғона ва Навоий шаҳарларида) модернизация килинди.

Хозирги кунда узоқ хорижлик туристларнинг мамлакатимизга ташрифи деярли 100% ҳаво кемаларида амалга оширилмоқда. Шунинг учун туристларга кулагай шароитлар яратиш ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида ҳаво кемаларимиз парки “Boeing-757-200”, “Boeing-767”, “Boeing 767-300 ER”, “Boeing 787-8 Dreamliner”, “Airbus-A310”, “Airbus-A320-200” каби замонавий самолётлар билан тўлдирилди. Лекин шунга қарамасдан, бугунги кунда йўловчилар ва туристлар талабига республикамиз ҳаво транспорти инфратузилмаси жавоб бера олмай қолди. Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида сўнгги йилларда ҳукуматимиз тамонидан ҳаво транспортини ривожлантириш мақсадида бир қатор

ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Республикаизда 2019 йилдан халқаро тажрибалар асосида “Очиқ осмон” тартиби бўйича жорий этиши ишлар бошланди. Бунинг дастлабки натижалари сифатига, 2019 йил 11 марта бошлаб, лоукостер асосида ҳафтасига етти марта Бирлашган Араб Амирлигининг “Flydubay” авиакомпанияси Ўзбекистонга парвозларини бошлади. Шу сингари, 2019 йил 16 июлдан Тошкент-Тибилиси-Тошкент янги рейси очилди. авиаҷиҳаталарни “E-ticet” тизими орқали сотиб олиш ва online мобиљ иловаси бўйича бронлаштириш имконияти пайдо бўлди.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб республикамиздаги 4 та Нукус, Бухоро, Қарши халқаро аэропортлари “Очиқ осмон” тартиби жорий қилинди. 2019 йил 3 октябрдан “ИрАэро” авиакомпанияси “Санкт-Петербург-Қарши-Санкт-Петербург” йўналиши бўйича парвозларни йўлга қўйди. Шу сингари, 2019 йил 22 декабрдан “Москва-Андижон-Москва” рейси ҳам очилди⁶⁶. Аввалги рейслар бўйича ҳам қатновлар соири мунгазам равишда ошириб борилмоқда.

Туристларнинг транспортга бўлган энг оммалашган талабларидан яна бири автомобилларни ижарага олишdir. Бу хизматлар (“Rent-a-car”) бутун дунёда туристик бизнес билан боғлиқ энг даромадли фаолият турларидан бири ҳисобланади. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, муайян ёшга тўлган исталғай фуқаро автомобилларни ижарага бериш билан шуғулланадиган компанияяга мурожаат этиб, вақтингчалик фойдаланиш учун ҳайдовчи ёки ҳайдовчисиз машина олиши мумкин.

Бу тажрибани Ўзбекистон Республикасида ҳам жорий қилиш бўйича ҳозирда меъёрий-хукуқий тизим ишлаб чиқилмоқда. Бу 2018 йил 1 апрелдан бошлаб синов тариқасида амалиётга киритилди. Автомобилларни ижарага бериш бизнеси анча мураккаб хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этади. У автопаркни сақлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш, автомобилларни бронлаштириш электрон системаларини, йўл навигацияси ахборот тизимларини, сугурта хизматлари, бонус дастурлари ва шу кабиларни ўз ичига олади. Ҳозирда “Rent-a-car” тизимини республикамизда тўлиқ ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда.

⁶⁶Tourism in Uzbekistan 2019 статистик тўплами маълумотлари.

2018 йилдан бошлаб, туристларга ва йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳарларо ва халқаро автобуслар қатнови сони бир ича баробарга оширилди, чигитларни сотиб олиш, брон ёки буюртма қилиш учун электрои тизим ишга туширилди. Бу соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда “Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива-Нукус”, “Тошкент-Гулистон-Жиззах-Самарқанд-Карши-Термиз”, “Кўкон-Фарғона-Андижон-Наманган” йўналишларида тасдиқланган график бўйича мунтазам қатновлар йўлга кўйилди.

Туристик автобуслarda чегарани кесиб ўтувчи туризм гурӯхлари учун чегараларда қўшни давлатлар билан чегара назоратидан тез ўтиш механизмини жорий этиши (мазкур механизмни жорий этишдан аввал туризм фаолияти субъектлари буюртмасига кўра туризм автобуслар учун чегара назоратидан ўтишда алоҳида йўлак ташкил этишни таъминлаш) ишлари олиб борилмоқда.

Транспорт хизматларини доимий равишда мувофиқлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида давлат-хусусий шериклик асосида халқаро аэропортларни темир йўл вокзаллари ва автovoқзаллар билан, шунингдек, йирик меҳмонхоналар билан боғловчи маҳсус автобуслар (shuttle-bus) авиарейслар жадвали билан бўғлиқлигини изазарда тутган ҳолда қатнашини таъминлаш ишлари режалаштирилмоқда.

Туристларга сифатли транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида 2018 йилнинг ўзида 48 та туристик автобус ва 85 та микроавтобус четдан олиб келинди.

Шу билан биргаликда республикамида туристларга транспорт хизмати кўрсатишда темир йўлнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Туризмдаги охирги уч-тўрт йилликдаги ривожланишга мос равишда темир йўл транспорти тармоғини ҳам ривожлантириш мақсадида инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш, темир йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимизда темир йўлларининг умумий узунилиги 6,2 минг километрни ташкил этади⁶⁷. Республикамиз Марказий Осиёда темир йўлларнинг зичлиги бўйича етакчи ўринни

⁶⁷ www.stat.uz.

эгаллайди. Ўзбекистонга келган туристлар ва йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида 2011йил 8 октябрдан "Афросиёб" тезюарар поездининг Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши фойдаланишга топширилди. Бу йўналиш мунтазам равишда кенгайтириб борилмоқда. Айни пайтда Тошкент-Бухоро-Тошкент, Тошкент-Қарши-Тошкент йўналишларида бир нечта "Афросиёб" тезюарар поездларидан фойдаланилмоқда. Шу билан биргаликда республикамизни водий вилоятлари билан боғлайдиган "Қамчик" давонида очилган темир йўл тунели ишга тушиши билан Тошкент-Андижон, Андижон-Бухоро, Андижон-Урганч йўналишларида бир нечта тезюарар поездлари қатнови йўлга қўйилди.

III БОБ. ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ КҮЛЛАНИШИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

3.1. Туризм инфратузилмаси ривожланишига инновацияларнинг таъсири.

3.2. Туризмда инновацияларни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш механизмлари.

3.3. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли инновацион-технологияларни кўллаш йўналишлари.

3.1. Туризм инфратузилмаси ривожланишига инновацияларнинг таъсири

Инновация ибораси инглизча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “янгилик” деган маънони беради. Умумий қилиб олганда инновация янги илмий-техник ютуқни ифодалаб, янги маҳсулотнинг амалда қўлланилиш жараённига айтилади. Йозеф Шумптер инновация назариясини ривожлантирган биринчи олимлардан ҳисобланади. У ўзининг “Иктисодий ривожланиш назарияси” асарида инновацияга кенг тўхталиб ўтган. Шунинг учун уни инновациянинг кашфиётчиси (янгилик яратувчиси) деб ҳисоблашади. Шумптер инновацияларни “Муаммоларни ҳал қилишининг янги йўллари ёки ишлаб чиқариш омилларининг яхширок, ягона бирикмалари”-деб таърифлади ҳамда уларни тадбиркорлик ишининг ўзаги деб аниқлаб берди⁶⁸. Инновация ғоя, амалиёт, жараён ёки маҳсулот бўлиши мумкин, яъни у янги муаммоли ғоя ечимини татбиқ қилишни англатади.

Бутун дунёда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам инновациялар иктисодиётнинг барча тармоқларида жорий қилинмоқда.

⁶⁸ www.studylib.ru

Президентимиз томонидан 2018 йил 21 сентябрда “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармон кабул қилинди⁶⁹.

Мазкур фармон илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармокларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновациои технологияларни тезкор жорий этишни назарда тутади. Шу билан биргаликда, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожлашаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгаришларни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Бундан кўриниб турибдики, глобаллашув шароитида дунё мамлакатларинда иқтисодиёт тармокларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкорлик билан жорий этиш объектив заруратта айланди. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётга илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллашни тақозо этмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтиришга давлат миқёсида аҳамият берилмоқда. Мамлакатнинг ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш масаласини ҳал қилишда туристик хизматлар экспорти муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун туризм соҳасини ривожлантиришда бир қанча муаммолар ва камчиликлар мавжуд бўлиб:

-иқтисодиётнинг туризм тармоғи билан илмий муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги;

-туризм қўмитаси, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновациои ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаганлиги;

-туризм тараққиётини етарли даражада инновацион омиллар эвазига таъминлашда барча имкониятлар ишга солинмаётгандигидир.

⁶⁹ www.Lex.uz

Шу билан бирга мамлакат иқтисодиётида, хусусан, туризм соҳасида инновацион иқтисодиётни баҳолашда кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги соҳа тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу каби таъсирларни юмшатиш ва олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, туризмда инновацион технологияларни кўллаш учун яратилган шароитлардан бири, 2019 йилнинг 10 октябрь Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Туризм ўқув-консалтинг маркази” давлат унитар корхонаси (ДУК) базасида тузилган Туризмни ривожлантириш институти ўз фаолиятини бошлади. Институт туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, илм-фан ва таълим соҳасида хизмат кўрсатишда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида ташкил этилди.

Туризмни ривожлантириш институти фаолиятининг устувор йўналишлари этиб куйидагилар белгиланди:

-устувор йўналишларни шакллантириш, фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар ҳамда изланишлар, туризм соҳасида долзарб муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

-халқаро амалиёт ва глобал тенденцияларни ўрганиш, уларнинг натижалари бўйича республика туризм тизими илғор тажриба ва фаолиятини татбиқ қилишга доир таклиф ва тавсиялар киритилади;

-туризм соҳасидаги илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, илм-фан ва техника ютуқларини умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланишда кўмак бериш;

-туризм тизимини ривожлантиришда устувор йўналишларга мувофиқ келувчи илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш;

-илм-фандаги инновациои ғоялар ва истиқболли тенденцияларни илгари сурувчи ҳамда уларни туризм соҳасида фойдаланиш учун тарғиб қилувчи истеъоддли олимларни қўллаб-кувватлаш тизимини яратиш;

-хорижий тажриба асосида туризм соҳасидаги олий ва профессионал таълимнинг тизимли модернизацияси, жумладан таълим тамойиллари, моделлари ва технологияларини тузатишда иштирок этиш ва бошқалар.

Бу институт республикамиз туризми ривожланишиң домий равища қўллаб-қувватлаб туриши билан биргаликда тадкиқотларни мувофиқлаштириб бориши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда тадкиқотимизда туризмда инновацияларни қўллашнинг бир неча хил шаклларини ва кўринишларини таҳлил қилиб ўтамиш. Шу билан биргаликда туризмда (яъни эски маҳсулотнинг такомиллашган шакли) маҳсулот инновацияси ва жараён инновацияси (яъни эски технологияни янги технология билан алмаштириш) ҳакида фикр билдирамиз.

Биз такомиллаштирилган инновация, яъни уларнинг иш унумдорлиги ва иархларга таъсири ва радикал (кеssин) инновация – тадкиқотда янги ғоянинг амалиётта татбиқ этилишининг таъсири ёки олиб борилган тадкиқотларнинг таъсиirlарини баҳолаш орқали туризм ривожланишини рағбатлантириш ва кенг кўламда кутилмаган янги инфратузилманинг шаклланганинг кўришимиз мумкин. Инновацияни хар бир соҳада учратиш мумкин. Шунинг учун, анъанавий технологик инновацияга қўшимча қиласидиган бўлсак, дизайн ёки маркетингда инновация орқали янги бизнес андозалари, ишни таҳкил қилишнинг янги йўллари ишлаб чиқилмоқда. Инновациянинг турли хилдаги барча энг яхши усулларидан туризм ривожланишини бошқаришни такомиллаштиришда фойдаланиш максадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, туркомпаниялар учун фақат инновация қилиш етарли эмас, бозор талабини ёки бозордаги ўзгаришларни вақтида сезмаса, инновацион жараёнда уларни ҳисобга олмаса амалга оширилаётгани ишлар самарадорлиги бўлмайди.

Шунинг учун туркомпанияларнинг инновацияни амалга оширишга ташки ва ички омиллар таъсиirlарини кўриб ўтамиш (3.1.1-расм). Туристик компанияларнинг инновацияларни жорий қилишдаги тўртта энг аҳамиятли омиларини кўриб ўтамиш:

-стратегик устунликлар, яъни ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг (ички ва ташки туристик бозор, туроператор ва турагентлар, туристлар) барқарорлиги;

-ходимларнинг профессионаллиги (яңги технологиялар, профессионал ўқитиши, текширув ва алоқалар билан бөғланган) билан бөғлиқлиги;

-ташкىл қилиш маҳорати (компаниянинг бошқа ресурслари ичиде инновацияга камроқ таъсир қиладиганлар) юқорилиги;

-карор қабул қилиш (бажарилган иш кетма-кетлиги, тартиби, ҳажми, баҳолаш) қобилиятларидир⁷⁰.



3.1.1-расм. Инновацияларни кўлланашга таъсир қиладиган асосий омиллар⁷¹.

Инновацияларни қўлланishi ва ривожланишида барча ўзгариб турувчилик мухим аҳамиятга эга. Сабаби, ҳар бир омил вақт ўтиши билан ўзгариш хусусиятига эгадир.

Туризмда инновацияларни кўллаш жараёнига бир назар ташлайдиган бўлсақ, “United States Luggage” компанияси ходими

⁷⁰Carmen Babaita, Gabriela Sipos, Andreia Ispas, Andrea Nagy. Leadership style and culture for innovation in hotel industry. Economic Department-Tourism Services. West University of Timisoara, Faculty of Economics and Business Administration Timisoara Romania. 2010 y. –p 8

⁷¹ Жулен томонидан такдим қилинган инновацияларни татбиқ этишга таъсир қиладиган омиллар асосида тузилди.

Bernard Devid Sadou томонидан 1972 йилда гиљдиракси жомадонлар ихтироси учун патент олиниши билан жадал ривожланиши бошланған бўлса, бу ҳолат бугунгача соҳанинг буткул электронлашуви ҳамда унда сунъий интеллект иштироки фаоллашуви билан давом этмоқда. Бундан 50 йилча аввал оғир юклар сабаб ўргага чиқкан инновация ва бугунги кашфиётлар моҳиятнан бир негизга эга, яъни ҳар қандай инновация муаммо ва унинг ечимини излашга алоқадор бўлади. Бугуннинг энг катта муаммоси – инсонларнинг ниҳоятда кулай ҳаётта интилиши ва доимо бунга халақит берувчи омиллар келиб чиқаверишидир. Масалан, Ер сайёраси аҳолиси кўпайиши, турли соҳалардаги мураккаб ривожланишилар “Big information” (“Улкан ахборотлар”) масаласини вужудга келтирди. Мехмонхоналар, аэропортлар ёки туризм бизнесининг бошқа субъектлари бир неча юзлаб, балки минглаб мижозларнинг ахборотларини таҳлил қилиши, уларга самарали хизмат кўрсатиши керак. Уидан ташқари, бу бизнеслар ўз ходимлари ва ҳамкорлари билан боғлиқ ахборотлар оқимиини бошқариши ҳам керак. Шу туфайли, соҳанинг кўп тармоқларида автоматлаштиришда инновацион жараёнлари кечмоқда. Инсонлар амалга ошириши қийин бўлган ишларни компьютерлар, роботлар ва сунъий онг бажариши бизнинг давримизга келиб одатий ҳолга айланниб бормоқда. Бунга авиачипталарни, меҳмонхоналарни Amadeus, Galileo орқали бронлаш, меҳмонхоналарни автоматлашган тарзда бошқариш имкониятини берувчи OPERA, Fidelio, Epitome ва бошқа шу каби дастурларнинг ривожлангани мисол бўлади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, туризм бизнеси субъектлари ўз маҳсулотини мижозларга самарали етказмоқчи бўлса, албатта, замонавий коммуникацион-технологиялардан фойдаланиши керак.

Бизнесларнинг ўз интернет сайтлари, ижтимоий медиала ёки саёҳат қилувчилар орасида машҳур йирик онлайн платформалар, хусусан booking.com, tripadvisor.com, cheapair.com каби сайтыларда ўз саҳифалари бўлиши ва уларнинг тез-тез янгиланиб бориши маркетингта инновацион ёндашишнинг ядкор мисоли бўлади. Ахир, фойдаланувчиларнинг интернет кенгликларида қолдирадиган фикрлари, ўзларига кўрсатилган хизматларга берадиган баҳолари асосида шаклланадиган рейтинглар сифатли маҳсулот таклиф этувчи компаниялар учун ҳаққоний реклама, жамоатчилик билан аюқа ўриятиш (PR) механизми бўлиб хизмат қиласи.

Илмий изланишининг ҳозирги даврда бизнинг республикамизда иқтисодиёт ривожланиш ҳолати ва барча тармоқлардаги структуравий ўзгаришларга мос равишда олиб борилиши иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришларни мувофиқлаштиришга замин бўлмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янгилик киритиш жараёни бўйича кўп муаммолар пайдо бўлмоқда ҳамда уларни ўз вақтида ҳал этишда, тажрибали мутахассисларни, моддий техник базани, ташкилий ва услубий тадобирларни талаб этади.

Бозор иқтисодиётидаги турли хил мулк шаклида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг муаммолари инновацион жараёнларни кўллашда юзага келиши мумкин. Корхоналар ўз фаолиятларida инновацияларни кўллашдаги муаммоларни ҳал этишга ўйналигасаларда, маълум ҳолатларда кийин шароитга тушиб қолиш эҳтимоли кўп учрайди. Чунки инновацияларни кўллаш ҳар қандай корхонада амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун инновацияларни амалга ошириш айрим корхоналар фаолиятидагина кузатиш мумкин. Масалан, корхоналар янгилик жорий этиш жараёнида, хориждан инвестициялар жалб этиш ва ракобатдош маҳсулот чиқарини борасида ҳал этилмаган масалаларга дучор бўлиб, уларни ечимини топишга интиладилар.

Корхоналарнинг инновацияга сарфлаган маблағлари рақобатнинг янги кўринишини шакллантиради. Бу ҳолат янги маҳсулот, янги технология, умуман бирор бир янгиликка, устунликка эга бўлганда содир бўлади. Натижада бошқа корхоналар тинч яшашига халақут берада бошлайди. Чунки инновация асосида фаолият кўрсатаётган ракиб бошқалардан сакраб-сакраб олдинга кетиб қолади ва ўз соҳасида монополистга айланиши мумкин. Буни таникли олим Йозеф Шумптер ўзининг асрларида “Яратувчи бузгунлик” деб айтган.

Инновацион ишланмаларни корхоналар тўғридан-тўғри жорий кила олмайди. Инновацияларни жорий қилишга ҳам пухта тайёргарлик ишларини олиб бориш керак. Шу сингари туризм соҳасида ҳам бизнинг фикримизча, инновацион жараёнларни амалга оширишда куйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи босқичда, ишлари суръяётган тояларни бир тизимга келтириши. Бу босқичда инновацион тояларни амалда кўллаш имкониятлари аниқланади. Бунда бир неча муқобил варианtlар юзага келиши табиий. Улардан энг мақбул варианти танланади. Янги

туристик маҳсулотнинг давлат имиджига ва инфратузилмага, туризмни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ келиши аниқланади.

Иккинчи босқичда, аниқланган гояларни танлаш ва инфратузилмани ривожлантириш гоялари ишлаб чиқарилади. Бунда қуидагиларга зытибор берилади:

- туризм бозорида технологик ўзгаришлар ҳақида ахборот түплаш;
- турмаҳсулотни ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш муносабатларида инфратузилманинг имкониятлари ҳақида ахборот түплаш;
- таваккалчиллик даражаси ва меъёрларини белгилаш.

Учинчи босқичда янги турмаҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш, маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш керак. Маркетинг янги маҳсулотни юзага келиши учун ёрдам берадиган соҳа ҳисобланади. Бу босқичда зытибор қаратиладиган жиҳатлар қуидагича:

- ғоя аниқ лойиха кўринишига ўтганда турмаҳсулотни техник жиҳатдан ишлаб кўриш;
- турмаҳсулотнинг тавсифини аниқлаш, унинг истеъмол хусусиятларини ва сифатини баҳолаш;
- савдо ҳажми ва бозорнинг потенциал (яширин) талабини баҳолаш;
- янги турмаҳсулотни яратиш ва ўзлаштиришига кетадиган харажатларни (инвестицияларни) аниқлаш;
- янги турмаҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларнинг мавжудлиги;
- янги турмаҳсулот ишлаб чиқариш муддатлари билан бозорга кириш;
- янги турмаҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини (фойдалилигиги) баҳолаш ва таҳлил этиш, маҳсулот бўйича маркетинг дастурларини ишлаб чиқариш.

Тўргинчи босқичда янги турмаҳсулот яратишни кўриб чиқиши амалга оширилади. Кўриниб турибдики, янги турмаҳсулотни яратиш босқичигача учта босқич амалга оширилади. Бу ҳам туризмда инновацияларни кўллашдаги қийинчилкларнинг накадар мураккаблигини кўрсатиб турибди.

Янги турмаҳсулот яратишни босқичида қуидагилар амалга оширилиши керак:

- инфратузилма тармоқлари бўйича мажбуриятларни тақсимлаш билан янги турмаҳсулотни ривожлантиришнинг аниқ дастурини ишлаб чикиш;

- намунавий турмаҳсулот яратиш ва тадқиқот ўтказиш (ижтимоий-иктисодий, экологик хавфсизлигини ва ҳоказоларни текшириш);

- турмаҳсулотларнинг номланишини, товар белгисини, расмийлаштириши, унинг қандай турйўналишида (қайси мингтака давлатлари, қандай ёшдаги туристлар учун) фойдаланишини белгилашиб олиш. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тўртингчи босқичнинг ўзида янгича ёндашувларни амалга ошириш тақозо этилади.

Бешинчи босқичда туристик бозорда тест ўтказиш жараёни кўриб чиқилиши лозим:

- чекланган бозорда уч ой мобайнида нарх ва бошқа тижорат муҳитлари (нархлардан чегирмалар тақдим этиш, кредитлар ва бошқалар) бўйича ўтказиш;

- турмаҳсулотни тарқатишнинг (сотишнинг) мақбул каналларини танлаш;

- реклама услублари ва воситаларини танлаш ва бошқалар.

Олтинчи босқичда турмаҳсулотни сотиш бўйича маркетинг дастури асосида янги ишлаб чиқилган турмаҳсулотни фойдаланишига жорий этиш ҳақида қарор қабул қилиш (оммавий, кенг кўламда) амалга оширилади.

Бу босқичда турмаҳсулот яратиш жараёни бошланиб, турмаршрутни (хизматларни) ишлаб чиқариш амалга оширилади. Бу босқичда асосий бажариладиган ишлар куйидагилардан иборат бўлади:


- инновацияни тижорий асослаш, турмаҳсулот рентабеллиги, талаб ва эҳтиёжларни қондириш даражаси, сотиш услуби ва каналлари;

- турмаҳсулотларни сотишида тажрибанинг мавжудлиги, бозордаги машҳурлик, турагентлар ва туристлар билан турғун алоқалар;

- туристик ресурслардан самарали фойдаланиш ва турмаҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятлари, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва малакали кадрлар билан таъминланганлик;

- молиявий имкониятлар, туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришида инвестицияларнинг умумий йиғинидиси ва молиявий мањбалар, ҳисобот даврида кутилиши мумкин бўлган (фойдалилик ёки зарар кўриш) натижалари;

- турмаҳсулотни халқаро мөйөрий кўрсаткичларга, стандартларга ва давлат мөйөрларига мувофиқлаштириш ва бошқалар.



3.1.2-расм. Туризмда инновацион жараёнларни амалга ошириш босқичлари.⁷²

Агар юқоридаги босқичлар муввафқиятли амалга оширилса, ҳар қандай туристик корхона инновацияни жорий эттанды бозорга шиддат билан кириб боради ва максимал фойда олишга киришади. Шундай мухит юзага келиши мумкинки, бунда монопол мавқега эга бўлиш ҳам табиий. Шунинг учун бу жараён жуда мураккаб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, кўпгина тармоқларга қараганда туризмда инновацияларни кўллаш кенг тарқалаётган бўлиб, деярли барча туристик компаниялар ва меҳмонхоналарда қўлланилмоқда. Бунда бир туристик фирмадан бошқа туристик фирмага ўтиш характеристи фарқланади. Айрим туркомпаниялар учун анъанавий профилга кирувчи турмаҳсулотлар ассортиментини алмаштириш ёки турмаҳсулотлар сонини сезиларли даражада ошириш, бошқалар

⁷² Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

учун истеъмол талабларини ииобаттга олган ҳолда, анъанавий турмаҳсулотнинг истеъмол сифатини оширади⁷³.

Бизнинг республикамиизда кўпинча туроператлар янги туристик маршрутни ишлаб чиқишида кенг тадқиқотларсиз, технологик ўзгаришларсиз, эский услубдаги кўриниш асосида амалга оширмоқда, бальзи ҳолларда эса, янги турмаршрутларни ишлаб чиқаришида туристик компаниялар янги техник-технологик жиҳатидан пухта режасиз амалга оширмоқда. Туризмда инновацияларнинг етакчи мотиви бўлиб, бозор талабини қондирувчи янги турмаҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Шунинг билан бирга, инновацияларни юзага чиқарувчи сабаблар турличадир: технологик жараённинг такомиллашуви, туристик ресурсларни иқтисод қилиш, экологик талаблар ва бошқалардир.

Туристик хизматларнинг сифатини ошириш, таннархини тушириш ва турларини кенгайтириш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш, технологик янгиликларни жорий қилишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Фикримизча, туризмда жорий этиладиган инновациялар мавжуд мувозанатни бузади ва иқтисодиётни янги мувозанат сари ривожланишга ундейди. Бундай ҳаракатлар жамият ривожланишини таъминловчи ҳар кунда ва ҳар дақиқада содир бўладиган меъёрий жараён ҳисобланади.

Жамият ҳаётининг турли йўналишларини бошқаришда йўл қўйиладиган хатолар ёки сиёсий воқеалар, шунингдек, айrim кутилмаган фалокатлар натижасида юзага келадиган инқирозлар инновацияларнинг юзага чиқишига туртки беради.

Мисол учун оладиган бўлсак, диверсификация шароитида инновацияларни кўллашнинг халқаро тажрибалари кўрсатишича, ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятида ривожланган мамлакатларда анъанавий илмий-техника тараққиёти тушунчасидан, илмий-технологик инновация тушунчасига ўтилмоқда ва янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жадал амалга оширилмоқда. (Бу бўйича кейинги 3.2. параграфда кенгроқ тўхталиб ўтамиз). Айниқса, диверсификация шароитида бундай жараён кўлами янада кенгайиб бориши табиий. Ҳозирги инновацион тартибининг

⁷³ www.strategyclub.com

аввалигисидан фарки шундаки, унинг шаклланиши ва давлат томонидан молиялаштириш тизимидан технологик хамда илмий инновациялар барча турларини давлат томонидан рағбатлантиришга ўтиш кузатилмоқда.

Шу билан бирга охирги йилларда туризмда анчагина геосиёсий, ижтимоий ва технологик ўзгаришлар кузатилмоқда. Мехмонхона бизнесида кўлланилаётган инновациялар ҳакида тўхтадиган бўлсақ, АҚШнинг йирик бозорларидаги меҳмонхоналарда нарх қимматлашади, зеро, маҳалий хукуматлар курорт йигимларини тобора кўпроқ жорий қилишмоқда. Йигим суммаси суткасига 25 АҚШ долларигача ортиши мумкин. Прогнозларга қараганда, Чикаго ва Лос-Анжелесда яқин кунлар ичида йигимлар йўлга кўйилади. Туристлар сафар харажатларини хисоблаганда, ҳар эҳтимолга қарши, йигимларни ҳам инобатта олиш кераклиги, бу соҳада тўлик шаффоффликка эришишга ҳали вакт борлигини кўрсатмокда. Умуман олганда, бунинг яхши томони ҳам мавжуд. Бу номерларга тарифни оширишдан яхшироқ, улардан фаркли ўлароқ, йигимлар бўлган меҳмонхоналарда яшаганик учун баъзи бир соликлар олинмайди.

Мехмонхона бизнесида фаолият олиб бораётганларнинг хаёлида инновацион технологияларни кандай жорий қилиш мумкинлиги борасида фикрлар айланади. Бу борада айниқса, “интернет-буюмлар” (IoT) “Nest” аклии термостати ёки “Alexa” овозли ёрдамчиси каби уланувчи қурилмаларга йўналтирилган сармоялар барчанинг дикқатини тортмоқда. Бундай инновациоин ишланмалардан бири “Marriott Samsung” ва “Legrand SA” билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, меҳмонхона номерида сизнинг севимли сув ҳароратингизни эслаб қолувчи душ, оиласији суратларга алмаштириш мумкин бўлган деворий суратлар ва овозли сўровга биноан видео кўрсата олувчи дисплей ўрнатилган кўзгуларни кўриш мумкин. Бундай хизматларни биринчи бўлиб “W-Hotels” меҳмонхоналари тармоғи таклиф қилимокда.

Инновацияларни қўллаш борасида 2018 йилда “Hilton” меҳмонхоналар занжири “аклии номерлар”ни намойиш килди. “Аклии номерлар”да мобил илова ёрдамида телевизор, ёргулик, ҳаво ҳарорати ва ракамли рамкалардаги тасвирларни бошқариш мумкин. Бундай номерлар АҚШнинг йирик шаҳарларда пайдо

бўлди, 2019 йилдан уларнинг барчаси “Hilton” меҳмонхоналарида татбиқ этила бошланди.

Бизнинг фикримизча, меҳмонхона бизнеси бундан кейин тўрт девор билан чеклана олмайди. Бугунги кунда бизнесменлар меҳмонхона секторидан кўра сайёхлик секторидаги фаолиятини кенгайтирумокда. Йўқисодиётнинг ҳар бир секторида, жумладан туризмда ҳам барчаси экотизимларга бориб тақалади, бу эса аралаш соҳалардан тўгри фойдалана олишида қолмокда. Шу сингари хусусан, меҳмонхоналар тобора кўпроқ ўз экспузион дастур ва тадбирларни таклиф қилиши керак.

Жаҳон туризмидаги бундай ўзгаришларга мос равишда ҳар бир давлат ўзининг стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Масалан, республикамизга ташриф буюрмоқчи бўлган сайёҳ интернет орқали ўз саёхатини режалаштириши, меҳмонхона ва авиакомпаниялар онлайн хизматларидан фойдаланиши мумкин. Мамлакат худудида смартфонлардаги маҳсус мобиъл иловалар орқали такси чақириши, овқат буюртма қилиш, ресторонда жой банд қилиш ёки бораётган манзиллари хақида интернетдан маълумот олиш имконияти бор.

Шу сингарн охирги йилларда инновацион технологияларни жорий этиши борасида республикамизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўрга Осиё ва Кавказорти мамлакатларидаги йирик ва жадал ривожланаётган онлайн агентлик ҳисобланган “Oriental ExpressCA” Ўзбекистон туристик хизматларини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатаяпти, йилдан-йилга OrexCA.com фойдаланувчилари диёримиз, унинг ранг-баранг табиати, халқимизнинг урф-одатлари, туристик манзилгоҳлар хақида шу маъбадан маълумот олмокда. Республикаизда туроператорлар ва меҳмонхоналар ўртасида интернет воситасида ахборот алмасиши сервиси – “Hotelios” жорий қилинган. Мазкур тизим МДҲ давлатлари орасида муқобили йўқ бўлган инновацион лойиҳа ҳисобланади. Туристлар сугурта полисларини онлайн олиш имкониятларининг мамлакатимизда жорий қилингани ҳам шулар жумласидандир.

Бироқ, биз Ўзбекистонга кўпроқ сайёҳлар ташриф буюришига эришиш, бизда мавжуд маданий, тарихий обидалар ва ўзига хос табиатга эга манзилгоҳларни оммалаштириш бўйича кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Халқимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз хавфсизлиги чора-тадбирлари кўрилган ҳолда, юртимиз меҳмонлари,

уларнинг шахару қишлоқларимизга келиши учун иложи борича қулагилар яратилса, инновациялар ёрдамида уларнинг харажатларини тежаш масалалари ҳал қилинса, Ўзбекистондаги туристик хизматлар янада жозибадор бўлади ва кўпроқ даромад олиб келади.

Саёҳатни қуляйрок ва камхаржароқ бўлиши учун индивидуал туризмга ҳам босқичма-босқич кенг йўл очиш зарур. Яъни юртимизга сайдхлар жамоа бўлиб келишидан ташқари, чет элиникларнинг ўзи мустакил равишда шаҳарларимизни саир қилишини рағбатлантириш керак, деб хисоблаймиз. Хусусан, Airbnb, Couchsurfing, HomeAway каби интернет хизматлари орқали саёҳатни ташкил қилиш анча самарали ва ҳамёнбоп бўлиб қолган⁷⁴.

Туризм соҳасини инновацион ривожлантаришнинг асосий йўналишлари сифатида smart-туризмни ривожлантариш, интерфаол харита ва интерфаол буклетларини жорий қилиш, тарихий бинолар ва ёлдорликларга интерфаол доскаларни жойлаштириш, сайдхлик портуали ва чипталар харидини бошқаришнинг ягона тизимини яратиш. Экскурсияларни брон қилиш учун ягона маинба яратиш, сайдхлик хизматлари ва агентликларнинг ягона реестрини тузиш. Музейлар ва уларга ташриф буюрувчилар учун ягона стандартлаштирилган платформани ишлаб чиқиш каби йўналишларда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмаси жаҳон бозори талаблари билан мос равишда ривожланиб борамоқда. Шунинг учун юқорида кўриб ўтилган омилиларнинг ҳар бири туризмда инновацияларни кўллашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

3.2. Туризмда инновацияларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизмлари

Инновацион фаолият, инновацияларга олиб келадиган илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижкорат фаолияти мажмуудидир. Жамиятда натижа олиш учун бўлган ёндашувлар, янги билимлар, технологиялар, услубларни жорий қилиш инновацион фаолият хисобланади.

Туризмда инновацияларга маълум янгиликларга эга бўлган, ижобий ўзгаришларни юзага келтира оладиган тизимли механизм ва

⁷⁴[www/uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz)

мингакаларда туризмнинг барқарор ривожланишини ва ишланиши таъминлайдиган омил сифатида қаралиши керак. Мамлакатимизда инновацион сайёхлик лойиҳаларини яратиш, амалга ошириш ғояси, катта даромад олишини бошламасдан ҳам, сайёхликнинг ривожланишига туртки берishi ва шу билан бирга аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш, даромадлар ўсишига фаол ҳисса кўшиши мумкин. Инновация доираси кенг қамровли бўлиб, у нафақат илмий-техник ишланмалар ва ихтироларни амалда қўлланишини қамраб қолмай, балки маҳсулот, жараёйлар, маркетинг ва ташкилий ўзгаришларни ўз ичига олади. Илмий-техникавий инқилоб жамиятнинг барча бўғимларига, шу сингари оммавий сайёхликни шакллантиришга таъсир кўрсатиб, унинг моддий-техникавий асосига айланди. Ихтиро қилинган янги материаллар, нонотехнологиялар, аҳборот узатиш воситалари, биотехнология каби юксак технологиялар ижтимоий-маданий хизмат бўлган туризм соҳасига катта таъсир кўрсатди. Масалан, полимер, композициян ва бошқа янги материалларнинг пайдо бўлиши янги турдаги кийим-кечаклар, турли-туман спорт жихозлари ва такомиллашган ишлаб чиқариш ускуналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Янги материаллар экстремал туризмнинг моддий-техник базаси бўлиб, сув, тоғ ва бошқа сайёхлик турларини ривожлантиришга ёрдам берди. Туризм соҳасидаги инновациялар янги маҳсулотни яратиш ёки мавжуд бўлган маҳсулотни ўзгаририш, транспорт, меҳмонхона ва бошқа хизматларни яхшилаш, янги бозорларни шакллантириш, замонавий аҳборот ва телекоммуникация технологияларни ҳамда ташкилий-бошқарув фаолиятида замонавий шаклларни жорий этишига қаратилган.

Шундай қилиб, туризм соҳасидаги янгилик янги маҳсулотни яратиш ёки мавжуд бўлган маҳсулотни ўзгаририш, транспорт, меҳмонхона ва бошқа хизматларни яхшилаш, янги бозорларни шакллантириш, замонавий аҳборот ҳамда телекоммуникация технологияларини жорий этиш ва ташкилий-бошқарув фаолиятини жорий этишига қаратилган.

Туризм фаолияти нафақат сайёхлик хизматларини тақдим этиш, балки давлат ва иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари учун даромад манбаи хисобланади. Бугунги кунда туризм ижтимоий-иктисодий ривожланишининг катализатори вазифасини бажарадиган транспорт, меҳмонхона ва ресторон хизматлари, савдо, қурилиш, истеъмол

товарлари ишлаб чиқариш каби кўплаб мухим тармоқларга катта таъсир кўрсатмоқда. Туризм – давлат ва минтақавий даражаларда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларининг ижтимоий-иктисодий ўзаро таъсирини тартибга солишнинг тизимили ёндашувини талаб қиласидиган мураккаб тармоқлараро комплексга айланди.

Бу борада давлатнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат бўлиши керак:

-туризм сиёсатининг принципларини белгилаш ва ривожлантириш, уларни амалга ошириш дастурлари; фаолият натижаларини мониторинг қилиш ва тадқиқ этиш механизми (статистика ташкилоти, идоравий тадқиқотлар);

-туризм учун кулай шарт-шароитлар яратиш, тегишли инфратузилма, дўстона мухит яратиш учун турли компаниялар, ташкилотлар ва жамиятларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

-инновация ва ҳамкорликни раббатлантириш орқали туризм ва маркетингни кўплаб-куватлаш, мамлакатнинг жозибали обру-эътиборини яратишидир.

Инновацияларни яратиш ва жорий қилиш турли хил иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг биргаликдаги сайд-харакатларини талаб қиласидиганини сабабли, давлат томонидан кўплаб-куватланмай туриб, инновацияларни жорий этиш ва ривожлантириш мумкин эмас. Бунинг учун учта схемадан фойдаланишни талаб қиласи:

-худудий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг маҳсус мақсадли дастурлари ва ажратмаларини амалга оширишда давлатнинг бевосита иштироқи;

-бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаптириладиган ва потентциал фойдаланувчиларнинг кенг доираси бепул фойдаланиш учун йирик миллий марказларни (лабораторияларни) яратиш.

-туризм соҳасида минтақавий мақсадли дастурларни амалга ошириш.

Хозир республикамизнинг барча вилоятларида туризм соҳасидаги минтақавий мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Масалан, 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси кулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг

иқтисодидегі үрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш, уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратылған. Лекин, шу билан бирга туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда асосий вазифалардан бири туристик ахборот марказларини яратышга инновациян ёндашувлар талаб қилинмокда.

Бу борада күпгина давлатлар сайёхлик инфратузилмасининг мукаммал ишләши учун, бир қатор йұналишларини ривожлантириш мақсадида маҳсус миллий ташкилотлар ташкил қылған. Бунга мисол килиб, Финландия туризмини оладиган бўлсак, туризм кенгашининг маркетинг бўйича 11 давлатда ваколатхоналари очилган. Финландия туризм кенгаши миллий туризмни ривожлантиришда биринчилардан бўлиб, ахборот технологияси имкониятларидан самараали фойдалана бошлади. Улар туризм соҳаси вакиллари ва бошқа манбаатдор гурӯхлар билан стратегик ҳамкорликни амалга ошириш йўли билан, мамлакатнинг халқаро бозордаги мавқенини ва таъсирини максимал даражада оширишга эришди.

Ушбу мақсадга эришицида энг мухим воситалар электрон ахборот ва коммуникация технологиялари ҳисобланади. Финландия туризм кенгashi Миллий туризм имиджини яратышга, истемолчилар ва бозорларнинг аниқ сегментациясига ҳамда самараали маркетингта алоҳида аҳамият берди ва бир қатор муваффақиятларга эришди.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган мамлакатларида анъанавий илмий-техника тараққиётида инновацион, илмий-технологик тартибга жадал ўтиш жараёни рўй бермоқда. Айниқса, диверсификация шароитида бундай жараёни кўлами янада кенгайиб бориши табиий. Инновацион тартибининг аввалгисидан фарқи шундаки, фаннинг шакланиши ва давлат томонидан молиялаштириш тизимидан технологик ҳамда илмий инновацияларнинг барча турларини давлат томонидан рағбатлантиришга ўтиш кузатилмоқда. АҚШда ва хусусан, Фарбий Европада энг аввало Франция, Германияда фан-техника сиёсатининг инновацион сиёсатта айланиши рўй бермоқда. Унинг асосий вазифаси илмий-технологик инновациялар, энг аввало, кичик бизнес ва тадбиркорлик учун, шунингдек, ўрга ва қисқа муддатли дастурлар соҳасида тезкор диверсификация учун энг қулай шароитлар яратишdir. Фан ва таълимни молиялаш бўйича АҚШ жаҳонда етакчи ўринлардан

бирини эгаллайди. Янгиликларни жорий этиш жараёнлари жуда тез амалга оширилиб, уларнинг рақобатчилари ҳам топпилади. Кўтлаб ривожланган мамлакатларда диверсификация шароитида илмий тадқиқот ишлари ва муҳандислик тадқиқотлари (ИТИМТ)ни молиялашда давлатнинг роли анча фаол бўлиб, фақат давлат ташкилотлари томонидангина амалга оширилмайди. Бунга хусусий корхоналар ҳам ўз хиссаларини кўшиб боради. Ҳозирги вақтда АҚШда федерал ҳукумат улуши (молиялаш маъбани сифатида) барча харажатлар салмогининг тахминан 50 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британия, Швеция ва Германияда 40 фоиз атрофида, Францияда 57 фоиз, Японияда 28 фоизга тўғри келади. ИТИМТнинг давлат томонидан бундай эътибор билан кўллаб-кувватланиши конуний бўлиб, бир қатор далиллар билан изоҳланади.

Диверсификация шароитида илмий тадқиқот конструкторлик ишлари давлат томонидан турли шаклларда кўллаб-кувватланиши мумкин, жумладан:

- илмий тадқиқотлар учун бевосита бюджет маблағларини ажратиш (давлат ташкилотлари орқали молиялаш, шартномалар тузиш, субсидиялар ажратиш). Айни ҳолатда давлат йирик харажатлар талаб қилинадиган ва кўллаб таваккалчиликка эга бўлган фаннинг етакчи йўналишларидағи кўп капиталли тадқиқотларни молиялашни ўз бўйнига олади;

- илмий тадқиқотларни бевосита молиялашнинг турли усуулари, хусусий компаниялар, инновация жараёнини рагбаглантириш, шунингдек, улар инвестициясини янги асбоб-ускуналар олиш учун кенгайтириш мақсадларида солик ва аммортизация имтиёзларидан фойдаланиши.

Давлат айни вақтда кичик тадқиқот бизнеси учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади, давлат томонидан фан-техника тараққиётини бевосита молиялаш хусусида тўлароқ тўхтаб ўтамиз.

Ривожланган давлатларда инновацияларни амалда кўллаш учун субсидиялар (грантлар) берилади, субсидияларнинг ўзига хослигини куйидагича белгилаш мумкин:

- улар кичик ижрочиларнинг асосий иш жойида ойлик иш ҳақидан ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда берилади;

- субсидиялар қайтариб берилмайди;

-субсидия олган олим ёки илмий жамоа олган маблағларни мустақил сарфлайди.

АКШ давлат инновация сиёсатининг обьекти – бу асосан хусусий бизнесдир. Давлатнинг бу борадаги сиёсати мавжуд илмий-техник ютуқлардан хўжаликда фойдаланишга, илмий-техник мажмуада ички алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Давлат инновация сиёсатининг усул ва воситалари анча кенг. Бунга у ёки бу маънода бизнеснинг инновацион фаолигини рағбатлантирувчи турли хил давлат тадбирлари киради. Америкалик мутахассисларнинг таъқидлашича, энг самарали ташкилий шакллардан бири университет – саноат ва тадқиқот марказлари саналади. Давлат иштирокида ташкил этиладиган бундай марказлар доирасида жуда кенг кўламдаги илмий-техник масалаларни ҳал этиш имкони мавжуд. Саноат, корхоналари ва университетларнинг ҳамкорликдаги тадқиқотларига оид йирик дастурлар давлатнинг мақсадли илмий жиҳзатдан иштирокчилар фаолиятининг бошқа корпорация механизмини назарда тутади.

АКШдаги энг йирик компанияларда ишлаб чиқариш ҳажми кўпинча энг мақбул меъёрдан ошади, айнан шу нарса илмий-техника соҳаси ривожланишида монополияни тўхтатади, кичик фирмалар фаолиятининг муваффакияти ҳам шунда.

Маълумки, Япония ҳам инновацияларни жуда кенг кўллайдиган давлатлар қаторига киради. Японияда инновация сиёсатини амалга оширишининг ўзгача механизми мавжуд, яъни Япония ҳукуматининг дастурий хужжатларида баён этилган илмий-техника янгиликлари яратилишида стратегик тадқиқотлар етакчилари, йўлбошчилари гурухи ўқитилишини таъминлашга қаратилган. Айни пайтда, инновация сиёсатини қайта кўриш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда, шу мамлакатнинг бошқалардан афзал бўлган ўз техника ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш патент, лицензия савдосига нисбатан талабчанликни ошириш орқали рағбатлантирилади.

Японияда ишлаб чиқилиган мазкур сиёсат амалга оширилишининг ўзига хос томони шундаки, компанияларнинг лойиҳаларга (кўпинча давлат томонидан молиялаштириладиган) жалб этиш механизми яхши ишлайди. Давлатнинг бу жараёндаги аҳамияти хусусий секторда, жамоа, саноат, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришда кўринади. У

биринчи галда йирик корпорациялар билан ҳамкорлик қилишга интилади.

Япония тажрибаси шуни күрсатадыки, демак, мамлакатда шактланаётган инновация соҳаси жиддий технологияларни амалга оширишда ассоциация шаклида илмий текшириш ташкилотлари ва корхоналари имкониятларини вақтганичалик ёки доимий тарзда бирлаштиришни талаб этади. Албатта, бунда бош лойиҳани амалга ошириш учун давлат буюртма бериш орқали кўмаклашмоги керак.

Туризм хўжалиги ривожланган илғор мамлакатлар инновация сиёсатининг замонавий давлат стратегиясига хос бўлган бир қатор умумий хусусиятларини санаб ўтиш мумкин:

- илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан молияланиши;
- солиқ ва амортизация сиёсатига мос ҳолда ривожланган контракт тизими ёрдамида бизнесга илмий тадқиқотлар учун таъсир ўтказиш;
- университетлар ва давлат илмий марказларида умуммиллий аҳамиятга эга илмий тадқиқотларни ўтказиш;
- таълим тизимини молиялаш ва ташкилий таомилилаштириш, айниқса, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- илмий-техник маълумотларни тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

Францияда илмий-техникани ривожлантириш афзалликларини ишлаб чиқиши вазифалари уч йўналишида олиб борилади. Биринчи даражадаги ишлар, асосан, илмий тадқиқотлар илмий марказ томонидан амалга оширилади. Мазкур марказ илмий тадқиқотларни, жумладан, ижтимоий ва иқтисодий фанлар бўйича тадқиқотларни молиялаш борасидаги милий агентлик саналади, у асосан, фундаментал тадқиқотларни кўлтаб-кувватлайди.

Илмий-техника ва инновация ривожланишининг устунликларини башорат қилиш ҳамда белгилаш бўйича ишлар эса, Франциядаги йирик хусусий саноат ва давлат корхоналари томонидан амалга оширилади. Бу борада бирқатор муаммолар мавжуд бўлса-да, Франция келажаккиса мўлжалланган йирик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга. Хусусан, атом ва молекуляр физика, қаттиқ жисмлар физикаси ривожланиши бўйича прогнозлар амалга оширилган.

Италияда молиялаш ва техник имкониятлар муаммолари мавжуд тармоқларга оид корпорация ва кичик инновация фирмалари ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд. Данияда эса, “Тармоқлар схемаси” (чизмаси)

деб аталувчи кичик инновация фирмаларининг тармоғи мавжуд бўлиб, уларнинг инновациялари Англия, Испания ва АҚШга экспорт қилинади.

Нидерландия ва Белгияда технологик рейтингни яратиш учун мунтазам тарзда ишловчи банклар ва инновация марказлари тармоқлари ташкил этилган.

Холоса қилиб айтганда, инновация жараёнларини бошқариш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш илмий-техник таълим тизимини модернизациялашнинг илмий имкониятларини очиш, хориж технологиясини келтириш, рақобатгардошлик йўналишларини аниқлаш ва бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган. Мисол учун оладиган бўлсак, ҳозирги кунда Европа туризмida қўлланилаётган инновациянинг бир кўринишини таҳлил қиласиз. Европадаги баъзи бир давлатларда туристик бизнесни ривожлантиришда асосий йўналишлардан бири, бу инновацион-технологик имкониятлардан тўғри фойдаланишидир. Туризмда инновацион-технологик ривожланишни бир сўз билан “SO-LO-MO” деб аташ мумкин. Бу қисқартмада учта сўз жамланмаси бўлиб, уларнинг ҳар бири туристик маҳсулот сотувини яхшилашда муҳим бўлган асосий изборалардир.

Биринчидан, туризм “SOcial”, яъни ижтимоий бўлиши керак.


Иккисинчидан, туризм “LOcal”, яъни маҳаллий тўғрироғи аник жойи (жойлашган ўрни) бўлиши керак.

Учинчидан, туризм “MObile” бўлиши керак. Бунда шуни таъкидлаш керакки, Франция ва Европада “e-tourism”нинг такомиллашган кўриниши “m-tourism” тушунчаси пайдо бўлди ва кенг қўлланилмоқда. Сабаби, “Mobile tourism”нинг қулайлиги кенг оммага кўпроқ ва осонроқ, кулайроқ (мизкозга) шаклда мулоқотга чиқиш имконини тақдим этади. Туристлар ҳамма вакт ноутбук ва планшетлардан фойдалана олиши мумкин, бироқ жуда катта масса мобил телефонларга эга. Бугунги кунда аҳолининг қарийб 80 фоизидан кўпроқ қисми интернетта ўз телефони орқали киради. Аудиториянинг катталиги туристик фирмаларга бўлажак мизкозлардан “Занжир реакцияси” тарзида фойдаланиш имконини беради. Шундай экан, бундай катта аудиторияда ўз маркетинг фаолиятини йўлга қўя олган туристик фирмалар, меҳмонхоналар, овқатлантириш ва транспорт

ташкилотлари ҳақиқий бизнес соҳасидаги муваффақиятга эриша олади дейиш мумкин.

Юкорида сабаб ўтилган туризм индустрияси ривожланган мамлакатлардаги давлат инновация соҳаси стратегиясининг умумий томонларини ўёғи бу даражада Ўзбекистон шароитида кўллаш мумкин. Бу ўринда албатта, илгари тўпланган тажриба, аньана ва хусуматни Мавжуд имкониятларини хисобга олиш керак бўлади.

Юкорида кўриб ўтганимиз сингари Финландия таҳризи асосида миллый туризм имиджини яратишда ва амалиётга кўлаш борасида бизнинг республикамизда ҳам Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси қошида Туризм институти ва “Миллый PR маркази” ДУК (Давлат унитар корхонаси) ташкил қилинган бўлиб, миллый сайёхлик маҳсулотини реклама қилиш ва кенг омма билан ишлаш борасида инновацияларни кўлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, бу “туризм” инфраструктурасини Муаммал дақицентриш борасида олдиб борилетган ишларимизда етарлича эмаслигини тадкиқотларимиз натижаси кўрсатмоқда. Масалан, кўпигина вилоятларда шу кунгача сайёхларга етарлича маълумот берадаган интернет сайtlари (Жиззах, Сирдарё) мавжуд эмас. Интернет сайtlари ҳам ҳозирги аҳборот-технологиялари ривожланган бир пайтда тўлақонли ишламаяпти. Бизнинг фикримизча, муаммоларни атрофлича бартараф этиш мақсадида келажакда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси қошидаги “Миллый PR маркази”нинг фаолиятини кенгайтириб, уни такомиллаштирган ҳолатда “Туризм мультимедиа маркази”ни ташкил қилишимиз лозим. Сабаби, туристларга ракобатбардош ва сифатли хизматлар кўрсатишида бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Масалан, туристларнинг республикамизда қолиш кунларини узайтиришида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирларни (кечки пайтларда туристик обьектларда туристлар учун маҳсус тарихий-маданий ва аҳборот берувчи саҳналаштирилган томошалар кўрсатиш ва миллийликни тарғиб қилиувчи концептлар) ўtkазиш ва ташкиллантиришида хизматлар етарлича амалга оширилмаяпти.



3.2.1-расм. “Туризм мультимедия маркази” ДУКнинг тузилиши ва вазифалари⁷⁵.

Шу билан бирга миллий туризмни тарғиб килувчи юкори сифатли мультимедиали телемахсулотлар, ток-шоу жанрларидаги миллий кўрсатувларни ташкиллаштириш ва туристик хизматларни амалга оширувчи ташкилотларга медиа-технологик хизмат кўрсатиш йўлга кўйилмаган. Ундан ташқари замонавий ахборот берувчи мульти-медиали рекламаларни элчихоналар ва консулликлар оркали реклама килиш яхши ташкиллаштирилмагандир.

Юкоридагиларни хисобга олган холда ташкиллаштирилиши тавсия этилаётган “Туризм мультимедиа маркази” унитар корхонасининг мақсади ва вазифалари кўйидагилардан иборат бўлиши керак:

-дунёга машхур туристик объектларимизда туристлар учун маҳсус тарихий-маданий ва ахборот берувчи саҳналаштирилган томошалар кўрсатиш (мисол учун, доимий равиша Самарканддаги Регистон, Шаҳрисабздаги Оксарой майдонларида бобомиз Амир Темур

⁷⁵ Тадқиқотчининг кузатиш олиб бориши натижалари бўйича тавсия этаётган ишланмаси.

замонидаги тарихий куриницдаги саҳналаштирилган театр томошалар);

-машхур туристик объектлар олдида миљлийликни тарғиб қилувчи концертларни доимий равишда уюштириш (Хивадаги Ичан-қалада, Бухородаги Лаби-хавузда, Самарқанддаги Регистон майдонида, Кўкондаги хон Аркida);

-туризм бўйича ток-шоу жанрларидаги миљлий кўрсатувларни тайёрлаш (марказий ва вилоятлардаги телерадио компаниялари билан ҳамкорликда ҳар бир минтақанинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда);

-замонавий ахборот берувчи мультимедиали рекламаларни дунёдаги етакчи телеканаллар ва элчихона, консулликлар орқали реклама қилиш (хорижий элчихоналардаги вакиллар орқали);

-миљлий туризмни тарғиб қилувчи юкори сифатли мультимедиали телемаҳсулотлар тайёрлаш (“Дунё бўйлаб” телеканали билан ҳамкорликда);

-туристик фирмалар, меҳмонхоналар ва туристик хизматларни амалга оширувчи ташкилотларга медиа-технологик хизмат кўрсатиш (турфирмаларни ва меҳмонхоналарни реклама қилиш, полиграфик маҳсулотларни ишлаб чиқишига ёрдам кўрсатиш) ва бошқа ташкилий, техник ва технологик ёрдамлар кўрсатиши лозим.

Бундан ташқари, туристик мультимедия маркази сайёхлик маҳсулотларини тарғиб қилиш, республикада туризмни ривожлантиришга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ва потенциал сайёхларга республикамизнинг туристик инфратузилмаси имкониятлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини берадиган замонавий инновацион технологияни жорий этиши лозим.

Шу билан биргалиқда мультимедия маркази республика-мизнинг сайёхлик жозибадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларида “Буюк Ипак йўли бўйлаб туризм” каби бир қатор лойиҳаларни оммалаштириш ва шунингдек:

-ички ва халқаро туризм бозорларида минтақани тарғиб қилиш;

-сайёхларнинг ташриф буориш учун ахборот ва маълумотнома тақдим этиш;

-сайёхлик ва бизнес хизматларини тақдим этиш, шунингдек реклама ва маркетинг ишларини олиб бориш учун туризм

бозоридаги турли иштирокчиларнинг реклама ва ахборот ишларини бирлаштириш;

-туристик фирма, меҳмонхона ва ресторон хўжалиги корхоналари билан биргаликда яхлит ҳолда ишлашни ташкил этиш;

-туризм соҳасидаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

-туризм ва унга алоқадор тармоқлар бўйича тадқиқотлар учун субсидиялар ва грантларни тақдим этиши лозим.

Бу фаолият турларини Туризм кўмитаси назорат остига олиши керак, сабаби, хусусий корхоналар ва жисмоний шахсларнинг илмий-техника ютуқларини амалиётга қўллаши учун қулай шартшароитлар яратиш, шунингдек, инвестиция имкониятларини ошириш, тадқиқотларни ўtkазиш ва улбу жиҳозлар учун зарур ускуналарни сотиб олишга кўмаклашиши керак.

Бундан ташқари ҳозир республикамизнинг деярли барча минтақаларида туристик ахборот марказлари маҳаллий ҳокимиятлар қошида ташкил этилиб, фаолият юритмоқда. Одатда, улар вилоятлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилаётган давлат муассасалари ва хусусий ташкилотлардир.

Давлат томонидан инновацияларни туризмга кенг жалб қилиш бўйича 2019 йил 9 октябрь куни Қозогистоннинг пайтхати Нурсултон шаҳрида Бутунжаон сайджлик ташкилоти (UNWTO) ва Қозогистон ҳукумати томонидан ташкиллаштирилган “Ақлли шаҳарлар, ақли манзиллар” (“Smart Cities, Smart Destinations”) мавзусидаги “VII Глобал шаҳар туризми” саммити бўлиб ўтди.

UNWTOнинг “VII Глобал шаҳар туризми” саммитида бугунги кунда дунё миқёсида қўплаб шаҳарлар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича мухокамалар ўтказилди. Саммитда барқарорлик, шаҳарлар салоҳиятидан фойдаланиш ва ривожлантириш, шаҳарсозлик, инновациои технологиялар, янги иш ўринларини яратиш ҳамда туризм масалалари таҳлил қилинди. Шу билан бирга, кенг қамровли ва барқарор шаҳарларнинг ривожланишига ҳисса қўшувчи восита сифатида туризмнинг аҳамияти очиб берилди.

Бу саммитда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимиятлари раҳбариятидан иборат Ўзбекистон

делегацияси мазкур тадбирда қатнашиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг янги шаҳарсозлик дастури ва Барқарор ривожланиши максадларида “Ақли шаҳарлар”нинг яратилиши, уларда шароитларининг яхшиланиши аҳоли ва меҳмонлар ҳётига ижобий таъсир кўрсатиши бўйича фикрлар алмашди⁷⁶. Ақли шаҳарлар барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиши, иш билан таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва барқарорликни ошириш учун катта имкониятларни тақдим этишга ёрдам беради. Саммитда Жаҳон туристик шаҳарлар федерацияси (WTCF), Халқаро конгресслар ва коиференциялар асоциацияси (ICCA) каби халқаро ташкилотлар раҳбарияти, шунингдек, Вена, Барселона, Малага, Билбао, Москва, Хелсинки, Бангкок, Сеул каби шаҳарлар мэрлари, маҳаллий шаҳарсозлик ва туризм ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди. Қатнашчиларнинг (соҳадати етук мутахассислар) фикрича, 2050 йилга бориб ер юзи аҳолисининг 70 фоизи шаҳарларда истиқомат қиласди. Бу ўз наубатида мегаполисларда қатор муаммоларни юзага келтиради. Шу сабабли, айни дамда бир қатор мамлакатларда замонавий шаҳар инфратузилмаларни яратиш лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Ер юзида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаган шаҳарлар пайдо бўлмоқда. Бу лойиҳа “Smart City” деб номланмоқда, айни дамда бундай ақли шаҳарлар сони дунёда 400дан ошиб кетди. “Smart Cities” келажакда экологик тоза ва иктисодий тараққий этган, шу билан бирга, аҳоли бандлиги таъминланган маконни англатади. “Smart Cities”нинг кўпайишига урбанизация, иктисодий тараққиёт ва экологик таҳдидлар омил бўлмоқда. Оддий шаҳарларда ахборот-коммуникация технологиялари “Ақли” шаҳардагидек одамлар ҳётига кириб бормаган.

Шу сингари саммитнинг “Ақли шаҳарлар ва туризм” мавзусидаги юкори даражадаги йигилишида Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳрининг “Smart City” лойиҳалари тақдимоти намойиш этилди. Саммит натижаси ва хulosасида “Ақли шаҳарлар, ақли манзиллар” номли Нурсултон декларацияси қабул қилинди. Мутахассислар томонидан “Ижодий шаҳарлар: Туризм инновация ва креативлик манбаи сифатида” мавзусида ҳам бир қатор foялар илгари сурилди.

⁷⁶ www.Uzbektourism.uz

Юқоридагиларни хулоса қилганда, шуни айтиш керакки, дунёдаги тез ўзгаришлар палласида давлат томонидан туризм ва хизмат кўрсатиш секторида инновацияларни ўзлаштириш ва амалиётга тагбик килишида маҳсус платформаларни жорий этиш зарур.

Бунда ҳалқаро тажрибалар кўрсатишча, туризм ва хизмат кўрсатиш секторини инновацион ривожлантиришда технологик платформаларнинг аҳамияти қуидагилардан иборат:

-фан, таълим, ҳукумат ва жамоат ташкилотларининг барча сави-харакатларини давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги шароитида ривожланишининг янгидан-янги йўналишларини топиш мақсадида бирлаштириши;

-давлат, хусусий ва ҳалқаро илмий тадқиқот дастурларини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча рағбатларни яратиш;

-туризм соҳасининг устувор йўналишларига инвестицияларни жалб этиш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликда ишлаш мақсадида бизнес, фан ва таълим мотивациясини таъминлаш;

-туризм иқтисодиёти ва бутун миilliй иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштириш ҳамда инновацион хизматларни ривожлантириш.

Шу билан биргаликда технологик платформаларни амалга ошириш фаолиятнинг муҳим йўналишларини, туристик фаолиятнинг мавжуд йўналишларини модернизациялашнинг янги илмий-техник имкониятларини излаб топиш ва амалга оширишда тадбиркорлик секторининг (бизнеснинг) таъсирини кучайтиришдан иборат бўлиши керак.

3.3. Туризм инфраструктурунин ривожлантиришда рақамли инновацион-технологияларни кўллаш йўналишлари

Сўнгти йилларда республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзага келмоқда. Шу сингари 1995 йилда американлик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётта киритди. Айни пайдада ушбу атамани бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, бизнесменлар ўз фаолиятларида қўллаб келмоқдалар. 2016 йилда Бутунжоҳон банки дунё бўйича рақамли иқтисодиёт ҳолати ҳақидаги ҳисоботни жаҳон оммасига тақдим этиб, “Рақамли дивиденdlар” номидаги маърузаси

билин чиқинш қылди. Рақамли иқтисодиёт атамасининг илмий адабиётларда шу кунгача бир нечта талқини бўлган ҳолда, ҳозиргача фанда яхлит бир атама сифатига қайд этилмаган. Ушбу талқинларнинг асосийлари қуйидагилар хисобланади:

Рақамли иқтисодиёт бу –

- реал борликни тўлдирувчи виртуал мухит;
- ракамли технологияларга асосланган иқтисодий ишлаб чиқариш;
- интернет технологияларига асосланган иқтисодиёт;
- янги иқтисодиёт;
- веб-иктисодиёт;

-ахборотларни қайта ишлаш, саклаш узатиш борасидаги янги усуллар генерациясига ҳамда рақамли компьютер технологияларига асосланган иқтисодиёт;

-нолдан бошлиб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас, бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделларини яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Юқоридаги барча атамаларни инобатга олиб, умумлаштирилган ҳолда “Рақамли иқтисодиёт – бу сиёсий-иктисодий, илмий-ижтимоий, маданий ва маърифий муносабатлардаги алоқаларни рақамли технологияларни кўлаш ёрдамида амалга оширувчи янги тизимдир” – деб таъриф беришимиз мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос асосий белгилари юкори даражада автоматлаштирилганлик, электрон хужожат алмашинувини сифатли амалга оширишнинг мавжудлиги, бухгалтерлик, аудиторлик ва бошқарув тизимларининг ўзаро электрон интеграциялашуви, маълумотларнинг электрон базалари, CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги, турли хилдаги корпоратив тармоқлардан иборат.

Унинг қулайликларига турли тўловлар учун харажатларнинг қисқариши (масалан, банкса бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар хакида жуда кўп тезкор маълумотларга эга бўлган ҳолда, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятларининг кенгайишини киритишимиз мумкин.

Бу борада бизнинг республикамиизда ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат

органларининг аҳоли билан мuloқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Шу мақсадни амалга ошириш борасида Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда ракамли иқтисодиётни, замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутувчи хужоат қабул қилинди⁷⁷. Иқтисодий ислоҳотларнинг изчил давоми сифатида "Ўзбекистон Республикасида ракамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сонли Қарори⁷⁸ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августда ракамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган "Ўзбекистон Республикасида ракамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори қабул қилинди⁷⁹. Ушбу қарор ва фармонларнинг ижроси бўйича куйидагилар ракамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб кўрсатилган:

-инвестиция ва тадбиркорликни диверсификация қилиш учун криptoактивлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, смарт контракт, консалтинг, эмиссия, айрибошлиш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, сугурталаш, крауд-фундинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, блокчейн технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш;

-блокчейн технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида амалий иш кўнималарига эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш;

-ракамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион гоялар, технологиилар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

-криptoактивлар бўйича фаолият ва блокчейн технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар

⁷⁷www.lex.uz.

⁷⁸ www.lex.uz.

⁷⁹ www.lex.uz.

томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқарин соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш; -хорижк тажрибасини ҳисобга олган ҳолда блокчейн технологияларини жорий этиш учун хукуқий база яратиш.

Бу борада мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Конунчилик палатасига қилган мурожаати нафакат парламентга, балки жамиятимизнинг барча қагламларига мансуб бўлган фуқароларга нисбатан мурожаат сифатида ҳабул этиб, ундаги барча соҳаларга қўйилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли ва самарали бажариш жамиятимиз аъзоларидан бир бутун бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади. 2020 йилнинг “Илим-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши Ўзбекистонни ривожланиш тарихидаги илк инқилобий даврни бошланиши деб ҳисобласак айни муддао бўлади. Бундан келиб чиқсан ҳолда, бизнинг олдимииздаги вазифаларимиз туризм ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳамда ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш, туризм инфраструктурасига инновацион-технологияларни жорий қилишда асосий зътибор нималарга қаратилишини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмокда. Тадқиқотимизни асосий мақсадларидан бири туризмда рақамли инновацион-технологияларни кўллаш орқали республикамизнинг рақобатбардошлигига эришишимизда муҳим омил бўлиб ҳисобланадиган йўналишларни белгилашиб олиш ҳисобланади.

Сўнгти йилларда республикамизда рақамли иқтисодиётга ўтиш ва рақамли иқтисодиётни кўллаш борасида бир қатор илмий ишлар амалга оширилаётган бўлиб, уларда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш турлича талқин қилинган ва таърифланган, лекин уларнинг ҳар биттасида истеъмолчига йўналтирилганлиги асосий ўринга эга. Биз мазкур хulosаларга асосланиш мақсаддага мувофиқлигини таъкидлаб, бу борада айрим муаллифларнинг фикри ва мулоҳазаларини таҳлил қилиб, уларнинг натижаларини умумлаштириб, такомиллаштириш тўғрисидаги мулоҳазаларимизни қисқача баён қиласиз.

Рақамли иқтисодиётни хизмат кўрсатиш соҳасида шакллантириш ва жорий этиш мураккаб жараён бўлиб, кўпялаб омиляларга боғлиқ бўлади.

Рақамли иқтисодиёт – жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдати маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқарилар, технологиялар, асбоб-ускуналар,

товарлар хамда хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини оширишга имкон берадиган ва ракамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили деб ҳисобланган хўжалик фаолиятидир.

Ракамли технологияларга асосланган платформаларнинг ривожланиши борасида хорижий тажриба сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимиға эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиши амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта ракобатли устуниклар яратилади. “Алибаба” бу оддийгина ракамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидан иборат бўлган замонавий бошқарув тизимидир.

Бундан хulosса қилиш мумкинки, ракамли иқтисодиёт, бу – алоҳида фаолият тури эмас. Аслини олиб қараганда тадбиркорлик, ишбилармонлик, саноат обьектлари, хизматлар деганидир. “Ракамли” атамаси мазкур соҳаларнинг барчасида инновацион ахборот технологияларидан фаол фойдаланишини англатади. Агар анъанавий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, ракамли иқтисодиётда бу кайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш ечими ишлаб чиқлади.

Ўзбекистонда “ракамли иқтисодиёт” атамаси миллий қонунчилигимизда яқин йиллардан бери кўлланилмоқда. Ракамли иқтисодиёт республикамизда қандай ривожланмоқда, бу борада алоҳида олиб борилиган тадқиқотчиларнинг хulosасига кўра бизда Телеграмм ботларидан фаол фойдаланмокда. Шунингдек, турли интернет дўйонлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланниб бормоқда. Демак, фукароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонаяптилар. Факат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилимайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўргача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Яқин келажакда йирик шартномалар, молиявий операцияларни ракамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришни қўллаб-куватлашдан иборат.

Бу борада ривожланган давлатларда барча ишлар 10-15 йил олдин бошланган бўлиб, уни шакллантиришга аллақачон киришган. Биз ҳам жараёндан четда қолмаслигимиз зарур. Чунки биз глобаллашув, дунё

ҳамжамияти билан интеграцияга тез киришадиган давлатлар қаторига кирамиз.

Юкорида кўриб ўтилганлардан хуоса қиласидаги бўлсак, рақамли иқтисодиёт бу – гибрид иқтисодиётдир. Бу ахборот-коммуникация ва молия технологияларининг ривожланганини, шунингдек, биргаликда гибрид туризм ва хизмат кўрсатишидаги барча иқтисодий фаолият субъектлари – товарлар ва хизматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлиш, истемол қилиш жараёни обьектлари, субъектларининг тўлаконли ўзаро алоқа қилиш имкониятини таъминтайдиган инфратузилма очиқлиги туфайли мавжуд бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли иқтисодиётни қўллашнинг кулайликлари кўйидагича:

1. Туристик хизматлар сотиб олиш учун харажатлар камаяди (масалан, олдиндан меҳмонхонани бронлаш, авиабилет).
2. Туристик хизматлар (турпакетлар) ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги туристик хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиши имкониятлари катта бўлади.
4. Фидбек (туристлар фикрини)ни тез олиш ҳисобига турмаршрутлар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
5. Хизмат кўрсатиш тезроқ, сифатлироқ, кулайроқ бўлади.

Масалан, турист аввалиари ўзи боришини режалаштирган давлатга саёҳатта бормоқчи бўлиб, туроператор офисига ташриф буоради. У билан юзма-юз ўтириб турпакетлар билан танишиб чиқади ва ўзига маъкул келган турпакетни нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Туроператорларнинг интернетдаги манзили орқали ўзига маъкул турпакетни танлаб, туроператор ҳисоб рақамига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш, турпакетни ва турхизматларни олиши – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, туризмда рақамли иқтисодиёт 1980 йиллардан бошланган десак хото қилмаймиз. Сабаби, айнан шу йиллардан туроператорлар авиачипталарни, меҳмонхоналарни олдиндан буюртма бериш ва пул ўтказмалари орқали бронлаш тизимларидан кенг фойдалана бошлагандар. Биз аслида аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз, лекин можиятига тўлиқ тушуниб етмаганмиз.

Шундан келиб чиқиб, фикримизча, “Хизмат кўрсатишида рақамли иқтисодиёт – янги ишлаб чиқиладиган ёки жорий қилиниши лозим бўйладиган жараён эмас, бу туризмда инновацион технологияларни туристларнинг қундалик ҳаётига жорий этиш орқали мавжуд хизматларни янгича қўринишга ўтказиш” -деганидир⁸⁰. Бунга мисол қилиб ҳозирда дунё туризми хўжалигидаги ўзгаришларни олса ҳам бўлади.

Бу борада туризм инфратузилмасини шакилантиришида рақамли инновацион-технологиялардан фойдаланишида энг аввало, сўнгти йилларда бошланган ишларни давом эттиришни кўзда тутган ҳолда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган куйидаги йўналишни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар:

-жойлаштириш воситалари бўйича, замонавий ва бренд меҳмонхоналар ҳамда хостел, оиласий меҳмон уйлари каби хамёнбоп жойлашув воситаларида инновацион технологияларни қўллашни тезлаштириш, шунингдек AirB&B тизими бўйича квартиralар бериш механизmlарини татбиқ қилиш;

-замонавий технологияларни транспорт логистикасига олиб кириш, туристик оқимни ошириш ва диверсификациялаш учун бир-бирини ўзаро тўлдириб турувчи ички ва ташқи транспорт турларини хисобга олган ҳолда, ягона, хавфсиз ва инновацион транспорт логистикасини ривожлантириш;

-амалий ахборот-маълумотномалар орқали маданий мерос субъектлари бўйича, сайёхчлар учун тизимни яратиш, смарт-туризм технологияларини татбиқ қилиш, турникетлар ва видеокузатувлар тизимларини ўрнатиш орқали маданий мерос субъектлари, музейлар, театрлар, бадний галереялар фаолияти самарадорлигини ошириш;

-туризм “монетизацияси” бўйича, энг аввало авиаташувлар, жойлашув воситалари хизматлари, сайёхчарнинг овқатланишини ташкиллаштириш, маданий-кўнгилочар тадбирлар ва ишлаб чиқарилаётган сувенир маҳсулотлар учун мослашувчан нарх сиёсатини ўрнатиш орқали туризм “монетизацияси”ни ошириш;

-туризмда рақамли инновацион технологияларни самарали қўллаш масалаларини ўрганиш бўйича Республика гурухини тузиш ва йил давомида маҳаллий вазирлик ва идоралар мутахассисларига туристик сектор экспертлари ҳамда вакиллари билан бирга вазиятни яхшилаб

⁸⁰ Муаллифнинг туризмда рақамли иқтисодиётга берган таърифи.

ўрганиш ва туризмда инновацияларни қўллашга тўсқинлик қилаётган муаммолар ечимини топишга доир аниқ тақлифлар акс эттан норматив-хукуқий хужожатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозим.

Тадқиқотларимиз натижасида олинган маълумотларга кўра, иқтисодигўта рақамли инновацион-технолгияларни жорий қилиш бора-сида дунё туризмидаги янги йўналиш бўлиб ҳисобланётган “Туризм 4.0” платформаси ишлаб чиқилмоқда. Агар илгари саноат соҳасида ишлатиладиган “Саноат 4.0” ёки “Ақдли фабрика” тушунчалари рақамлаштириши ривожлантириш учун асос бўлган бўлса, ҳозирги пайтда кўплаб ривожланган мамлакатларда ушбу ёндашув хизмат кўрсатиш соҳаси бўлган туризмга нисбатан қўлланилимоқда. Туризми ривожланган давлатларда аллақачон “Туризм 4.0” платформаси амалиётга босқичма-босқич жорий қилинмоқда. 2018 йилдан бизга кўшни бўлғаи Қозогистон туризмидаги ҳам “Туризм 4.0” платформасининг баззи элементлари жорий қилина бошланди ва ривожлантириш йўналишлари белгилаб олинди. Туркия туризми дунёда ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун “Туризм 4.0” платформаси элементларидан бири ҳисобланган рақамли маркетингта катта маблағлар ажратмоқда. Россия Федерацияси ҳам аллақачон “Саноат 4.0” концепциясидан келиб чиқсан ҳолда ўзининг “Туризм 4.0” рақамли платформа моделини ишлаб чиқиш ишларини бошлаб юборган⁸¹.

Юкоридагилардан келиб чиқадиган бўлса, бизга кўшни мамлакатларда “Туризм 4.0” рақамли платформа моделини яратиш ишларига киришиб кетилганлиги, яқин кунлар ичида бу йўналишда кучли рақобат юзага келишидан даюлат беради. Биз ҳам “Саноат 4.0” концепциясини амалга ошираётган мамлакатлар тажрибасини сарҳисоб қилган ҳолда, туризм ва меҳмондўстликни рақамлаштириш элементлари ва ушбу соҳада ўзимизнинг “Туризм 4.0” рақамли платформа моделини яратишимиш керак.

“Туризм 4.0” рақамли платформа модели элементлар ва тамоилиларга таянган ҳолда ишлайди. Платформанинг ишлаши бўйича тўхталаидиган бўлсак, куйидаги тамоилиларга таянади:

⁸¹Богомазова И.В., Аноприева Е.В., Климова Т.Б. Цифровая экономика в индустрии туризма и гостеприимства: тенденции и перспективы // Сервис в России и за рубежом. 2019. Т. 13. Вып. 3. С. 34-47.

-туристик компания, меҳмонхоналар ва бошқа хизмат кўрсагувчи ташкилотларнинг барча бўлимларни бир-бири билан боғланишларини максимал равищда автоматлашириш;

-илмий тадқиқот ишларининг ахамиятини тушунган ҳолда максимал даражада соҳани ривожлантириш учун фойдаланиш;

-барча куйи тизимларни ва бўлимларни бошқаришнинг автоном тизими интернетдан фойдаланган ҳолда бошқаришни амалга ошириш;

-турмаҳсолотнинг ҳаётий цислиниг барча босқичлари, ўзаро таъсир оқимлари орқали онлайн режимидаги тартибга солинадиган, бир-бирига боғланган яхлит бирлик шаклида функционал бирликлар билан таъминланиши кабилардир.

Туризм ва меҳмондўстлик саноатида кичик ва ўрга бизнесга рақамли инновацион-технологияларни жорий қилиш ва уни ривожлантириш ҳар бир субъектнинг молиявий ҳамда технологик имкониятларига боғлиқ. Бу борада куйидаги технологик имкониятларни кўриб ўтишимиз мумкин.

1. “Сунъий акт” – саёҳатни режалаштираётганда энг мослаштирилган натижани беради. Микозлар билан ўзаро муносабат (CRM) тизими микозларнинг имтиёzlари тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, бошқа саёҳатчилар фойдаланган ечимларни тақлиф қилади, таътилини ёки саёҳатни ташкил қилишини сезиларли даражада соддалаштиради ва пулни тежашига ёрдам беради.

2. Интернет хизматининг “муаммоласиз” саёҳатни таъминловчи асосий элементлари – учин, трансфер, меҳмонхона, автоуловга брон қилиш кенг тарқалган. Маълумотлар алмашиш орқали туристлар турили хил муаммоларни тўхташ жойининг манзилидан тортиб, ўзига нотаниш шаҳардаги йўналишларни йўқотишишнинг олдини олиш орқали, кутилмаган хавфларни ва сарфланадиган вакъни камайтириши мумкин.

3. Роботизация – одамлар учун фойдали бўлган ва улар билан ишлашга кодир бўлган ботларнинг роботлари тобора кўпроқ ҳаётга кириб келмокда. Ҳозирда тозалаш роботлари аллақачон майший техниканинг энг кенг тарқалган элементига айланган. Ходимларга бўлган эҳтиёжни камайтирган ҳолда, ушбу услугуб оиласиб меҳмонхоналар бизнесини олиб боришни сезиларли даражада соддалаштириши мумкин.

4. Овоз технологиясидан (АҚШ меҳмонхоналарда қўлланиши бошланган “Alexa” овозли ёрдамчи) фойдаланиш самарали бўлиб,

хизматларни оптималлаштиришга, кўп жараёнларни минималлаштиришга имкон беради. Шу боис, ҳатто кичисина оиласидан мөхмонхоналар хам мижозларга кечако-кундуз хизмат кўрсатиши ва тил тўсикларини бартараф этиши мумкин.

5. Блокчейн – “ишончли рақамли мухит”ни яратувчи, бу буортмалар, резервациялар ва тўловларнинг ишончлилигини сезидарли давражада оширади, мълумотлар ва хизматларнинг ишончлигини, аниқдигани тъзминалари мумкин.

Юкоридагилардан келиб чиқсан холда республикамиз туризмидаги хам “Туризм 4.0” платформа моделини жорий этиш лозим. Сабаби, туризми ривожланган давлатлар ўзларининг моделларини ишлаб чиқишига алоқачон киришиб кетган. Агар биз хам ўз вактида бу ўзгаришларга мослаша олмасак, минтақадағи давлатларнинг рақобатига ютказишмиз мумкин.

Биз таклиф кылаётган “Туризм 4.0” платформа модели куйидаги элемент ва тамойилларни ўз ичига олиши керак:

- туристик компаниялар, мөхмонхоналар (жойлаштириш воситалари), овқатлантириш корхоналари, транспорт (хаво, темир йўл) хизмати кўрсатувчи ташкилотларни бирлаштирувчи ягона автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш;


- туристик хизматлар номенклатураси ва турмаҳсулотлар бўйича ахборот узатишни, реклама қилишни “Миллий бренд” (Миллий бренд устидаги ишларни жадаллаштириш) остида интернет тизими орқали амалга ошириш;

- соҳадаги илмий тадқиқот ишларининг аҳамиятини ошириш (Туризм институти) мақсадида турли соҳадаги етакчи мутахассисларнинг изланишларини бир йўналишга бирлаштириш;

- соҳадаги барча субъектларнинг ички бошқарувини ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган холда, автоматлаштирилган бошқарувни амалга ошириш;

- миллий турмаҳсулотнинг ҳаётий циклини узайтиришга инновацияларни кенг жорий этиш борасида хизмат кўрсатувчи субъектлар имкониятларини бирлаштириш;

- туристлар билан онлайн алоқани доимий равишда назорат килиб бориш ва кўшимча мълумотларни узатиш технологияларини такомиллаштиришдан иборатдир.



3.3.1-расм. “Туризм 4.0” платформа моделининг элементлари ва тамоилилари⁸²

Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, бизнинг республикамиизда ҳам кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Туризмий ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги «Миллий PR маркази» ДУК томонидан *online-tourism.uz* сайтини ишлаб чиқилмоқда. Сайт “Сайёх учун”, “Туристик бизнес вакиллари учун” каби бўлимларни ўз ичига олади. “Сайёх учун” бўлими “Uzbekistan travel” миллий туристик веб портали билан интеграциялаштирилмоқда. Бу сайт ўз ичига Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятига доир маълумотлар, фойдали ахборот, тарихий ва маданий маълумотлар, қизиқарли фактлар ва туристик йўналишлар бўйича барча материалларни

⁸²Тадқиқотчи томонидан таклиф килинаётган “Туризм 4.0” модели платформасининг ташкилий тузилиши.

жамлаган расмий туристик ресурс ҳисобланади. Яна бири “Барча учун туризм” бўлими бўлиб, унда бутун мамлакат бўйлаб туристик йўналишлар ҳакида маълумотлар берилиб борилади. Ушбу маълумотлар доимий онлайн режимда тўлдириб борилади. “Саёхатчи” бўлимида сиз Ўзбекистонга келишдан олдин ва саёҳат давомида керак бўлувчи барча маълумотларни топишингиз мумкин. Асосий бўлимлардан бири ҳисобланган “Диккатга сазовор масканлар” бўлимида мамлакатимишинг туристик йўналишлари бўйлаб виртуал экспурсияларни амалга ошириш имкониятини беради. Сайтдаги “Фотогалерея” бўлимига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Ўзбекистон ҳақидаги суръатларни кўздан кечириш мумкин.

Шу билан бирга, портални янада самарали ишлаши учун инновацион-технологиялар имкониятларидан кенгрок фойдаланиш лозимdir.

Умуман олганда, туризмда юкори натижаларга эришиш ва соҳанинг келажагини белгилаш бугунги кунда ракамли инновацион-технологияларнинг имкониятларидан фойдаланишга боғлиқ бўлиб колмоқда.

IV БОБ. ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Туризм инфратузилмасини шакллантиришда кластерлаштириш усуллари.

4.2. Минтақавий туризм кластерларини жорий қилиш механизмлари.

4.1. Туризм инфратузилмасини шакллантиришда кластерлаштириш усуллари

Бугунги кунгача дунё иқтисодиётги ривожланишининг ягона глобал модели мавжуд эмас. Шунинг учун ҳозирги кунда глобаллашувнинг ҳакиқий жараёни жуда зиддиятли шаклда давом этмоқда.

Замонавий туризм ҳам жаҳонда юз берадиган глобаллаштириш жараёни каби зиддиятлардан ҳоли эмас, чунки туризм ўз даромадлари билан бир қаторда бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқаради, айниқса сайёхлик худудларидағи муаммолар – экологик (табиий мажмуанинг ифлосланиши, сув ҳавзаларининг эвтрофикацияси), ижтимоий (масалан, фохишабозлик, гиёхвандлик) ва бошқалар. Бирок, XXI асрда туризм соҳаси умумисоний қадриятлар тизимини шакллантиришнинг энг самарадор усулларидан бири бўлиб қолмоқда. Туризм ҳамма нарсанинг эркин ривожланиши учун шарт бўлган дунёдаги хилмачилликнинг бирлигнини шакллантиришга жуда катта ҳисса кўшиб келмоқда.

Бугунги кун иқтисодиётнинг бошқа тармоклари сингари туризмда ҳам ривожланишининг янги йўналишларини излаб топиш ва амалиётга жорий этишни талаб қилмоқда. Бу борада янгича ёндашув турнистларга ва аҳоли учун рақобатбардош турмаҳсолотни яратиш ва тақдим этишга асосланган туристик-рекреацион кластерларни республикамизда ташкил этиш худуднинг иқтисодий

ўусининг имкониятларидан самарали фойдаланишга йўл очиб беради. Республикаизнинг туристик имкониятлари катта худудларида амалга оширадиган ишлардан бири, анъанавий экспортбоп хомашёни ошириш моделидан, янги инновацияларга йўналтирилган иктисодий ўсиш моделига ўтишни амалга оширувчи туристик кластерларни яратиш лозимлиги яққол намоён бўлмоқда. Бунда республикамиз туризмининг ўзига хос жозибадорлиги саноат ривожланиши мавжуд бўлмаган, лекин етарлича табиий ресурсларга бой бўлган худудлар учун мос келади.

Бунда туристик-рекреацион кластерлар нафакат иктисодиётга интеграциялашувига оид ташкилий ишларга, шунингдек худуд иктисодиётини ривожлантиришнинг замонавий шакли ва худуднинг ракобатбардошлигини оширишниг талаби сифатида эмас, балки миңтақанинг табиий ресурс салоҳиятини максимал даражада саклаш ва ундан самарали фойдаланиш нуқтai назаридан кўриб чиқилади.

Республикамиз туризмида кластер усулини жорий қилишга сабаб бўлаётган омиълардан бири ривожланишига тўскинилк килаётган муаммолар сифатида қўйидагилар қайд этилди:

- туристик инфратузилманинг паст даражаси;
- ички ташувларда транспорт харажатларининг юкорилиги;
- туристларни жойлаштириш воситалари, жойлари ва дам олиш масканлари етишмаслиги;
- кўплаб туристик обьектлар ҳолатининг қоникарсизлиги;
- туризм инфратузилмасининг барча секторларида хизмат курсатишнинг сифати ҳалқаро талблардан паст даражадалиги;
- мамлакатнинг деярли барча автомагистраларида сифатли йуллар инфратузилмасининг йўқлиги;
- худудларимизда ва хорижда сайёхлик имкониятларимиз ҳакида маълумотларнинг етарли эмаслиги.

Республикамиз туризми ривожланишидаги мавжуд камчиликларнинг таҳлили тадқиқотларимиз курсатишича, туризм миллий иктисодиётниг юқори даромад келтирадиган, аҳоли турмуш даражасини яхшиловчи, фуқароларнинг соғлигини мустаҳкамловчи, қариялар ва ёшларнинг дам олишлари бўйича эҳтиёжларни кондирувчи тармоқ сифатида ички туризмнинг

1. The *Repubblica* has been publishing a series of articles by
Giovanni Sartori, a political scientist at the University of
Trento, in which he claims that the Italian government's
constitutional proposal is unconstitutional.

2. The *Repubblica* also claims that the Constitutional Court
will rule that the proposal is unconstitutional.

3. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

4. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

5. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

6. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

7. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

8. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

9. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

10. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

11. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

12. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

13. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

14. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

15. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

16. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

17. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

18. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

19. The *Repubblica* also claims that the proposal is unconstitutional.

ривожланиши бўйича биринчи навбатда кўриб чиқиладиган чоратадбирларни белгилаб олиш кераклиги маълум бўлди.

Туризм иктисадиётнинг асоси, ҳар қандай минтақа ва барча мамлакатларнинг ижтимоий-иктисадий ривожланишининг катализатори эканлигини инкор қилмагэн ҳолатда республикамизнинг деярли барча минтақаси қатта туристик салоҳиятга эга, лекин ундан фаол фойдаланиш даражаси, кўп ҳолларда, мингақавий туризмнинг инновацион ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Туризмни инновацион ривожлантириш, тармок ривожланишида янгиликлари билан фарқланадиган ва ижобий бурилиш ясовчи тизимли тадбирлардир. Туризмда инновациялар ўзига хос ёндашувни ишлаб чиқишни, янги ресурсларни излаб топиш билан бир вақтда мавжуд ресурслардан фойдаланишининг янги йўлларини излаб топишни такозо этади.

Бизнинг фикримизча, минтақанинг туризм жозибадорлигини ошириш ва унинг туристик салоҳиятини амалга ошириш бўйича масалалар негизини кластерли ёндашув ташкил этиши керак. “Кластер” атамаси кўргина олимларнинг фикрига кўра, кластер – маъноси, қамровининг кенглиги ва ривожланиш даражасига қараб ўзгарадиган бир қанча белгиларини тавсифлайдиган тизим. Шундай қилиб, баъзи бир кластерлар асосан кичик ва ўрта корхоналардан, бошқалари эса ўз навбатида, йирик ва кичик фирмалардан иборат бўлади.

Албаттa, кластерлар – ҳамкорликда фаолият юритадиган фирмаларнинг оддий бирлашувига қараганда жуда мураккаб тузилма бўлиб, у чуқур технологик ҳамкорликни қамраб олади. Корхоналар нафақат кластер доирасида бирлашади, балки муайян соҳаларда ҳам бир-бирлари билан рақобатлашишда давом этади. Булар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча омиллари самараదорлигини оширишга йўналтирилган доимий маҳсулот ва технологик инновацияларнинг харакатлантирувчи кучи бўлиб, инновацияларнинг кенг миқёсда тарқалишини таъминлайди.

Кластерли ёндашув, анъанага кўра, саноат ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилган. Лекин, кластерлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда, хусусан туристик марказларни шакллантиришда, марказга ташриф буюрувчиларни жалб қилиш ва

уларнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар қандай худудий даражада кластерларни шакллантириш зарурлигининг асосий сабаби барча даражаларда мамлакат, минтақа, шаҳар, тармок ва табдиркорлик тузилмаларининг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. “Туристик кластер” тушунчасининг моҳиятини аниқлашда, албатта, ушбу ҳолатларни хисобга олиш керак. Бундан ташқари, шуни ҳам назарда тутиш жоизки, туризм рақобатбардошлик даражаси курсатилаётган хизматлардан туристларнинг мамнуниятлик даражасига боғлик. Бунда замонавий туристик маҳсулот деганда нафакат туристик хизматлар (транспорт, жойлаштириш, экспурсия, овқатланиш), балки истеъмолчиларнинг руҳий, ҳиссий завқ олишлари, туристга нотаниш мухитда ноодатий шароитларда булиш тажрибаси ҳам тушунилади.

Ишлаб чиқариш соҳасида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, туристик маҳсулотларни шакллантириш иқтисодиётнинг турли тармокларидағи тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро харакатидаги жараёнларини намоён этади. Айнан шунинг учун, кўпгина олимлар туризмни туристик компаниялар, транспорт ташкилотлари, музейлар, жамоавий ва алоҳида жойлаштириш воситалари, умумий овқатланиш кохоналари ва бошкalarдан иборат бўлган кўптармокли мажмуа сифатида белгилайдilar.

Бунда туристик маҳсулотларни шакллантириш, сотиш ва тараккий этишида иштирок этувчи деярли барча тадбиркорлик тузилмалари йирик шаҳарларга мувофиқ равишда, аввало унинг худудига географик томондан йўналтирилган булиши керак.

Амалиётнинг курсатишича, кластерлар маълум бир худудда бирор-бир фаолият турининг тарихий ривожланиши натижасида табиий равишида ёки бирор-бир мақсад йўлида маҳсус кластерни яратиш бўйича сайд-харакатлар натижасида шаклланади.

Ҳар қандай кластерли шаклланиш кўп таркибий компонентли бўлади. Туризм соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, шу сабабли туризм бўйича тадқиқотларда кластерлар назариясидан фойдаланиш учун кўйида келтирилган компонентларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш керак:

- табиий ва маданий мерос объектлари (туристик бойниклар);
- туристларга хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган инфратузилма объектлари;
- таълим муассасалари (ходимларни тайёрлаш);
- туристик соҳадаги бошқарув органлари;
- иммий ва лойиҳавий муассасалар.

Кластер мавзуларидаги ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кластерлар тузилиши жиҳатдан икки турга бўлинади деган хуносага келдик:

-ўзаро бир-бирига узвий боғлиқ бўлган кишлоқ хўжалиги тармоқлари, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳамда халқаро меҳнат тақсимотида жуда ҳам муваффақиятли ихтисослашлаётган гурухлар (бу турга саноат ва миллий кластерлар киради);

-ўхшаш ёки кўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тегишли тармоқлардаги географик жиҳатдан концентрланган компаниялар гурухи, бу турга минтақавий, трансчегаравий ва маҳаллий кластерлар киради.

Шу билан биргаликда кластерларни ташкил қилишнинг бир неча моделилари мавжуд бўлиб, уларнинг ичидаги тарқалгандарни дирижист ва либераль модельдир.

Дирижист модель доирасида, кластерларни ривожлантиришда давлат сиёсати катта аҳамиятга эга, либераль модельда эса кластерни ўзининг табиий ривожланишидаги тўсикларни бартараф этишга қаратилган бозор механизми сифатида қабул қиласди.

Таъкидлаш лозимки, кластернинг у ёки бу модельда ҳам алоҳида иктиносидий худудлар билан алоқада бўлмайди, шунингдек давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг мажбурий иштирокини назарда тутмайди.

Дирижист ва либераль модельда ҳам кўмакнинг турли шакллари бирор-бир ташкилий-бошқарув тузилмасини ташкил этишини назарда тутмайди. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда туристик кластерларни ташкил қилиш бўйича олимлар томонидан бир қатор ғоялар илгари сурилган. Бу ғояларни (4.1.1-жадвал) жамлаган ҳолда кластерларнинг таркиби тўғрисидаги умумлашган маълумотларни келтириб ўтамиш.

4.1.1-жадвал

Туристик кластернинг тарқибини аниқлаш бўйича ёндешувлар⁸³

Муаллифлар	Туристик кластернинг элементлари
Е.Г. Карпова	Туристик хизматлар кўрсатилишида пайдо бўладиган бизнес-жараёнлар (асосий ва ёрдамчи)
О.Д. Коль	Туристик дестинациянинг юқори ракобатгардошлигини таъминлайдиган атTRACTорлар; сифатли туристик хизматларни тақдим этувчилар; табиий ресурслар
М. Монфорд	Туристик хизматлар йигиндиси; туристик хизматларни қабул килувчиларнинг мамнунияти; кўрхона ва тармокларнинг ўзаро характеристики; транспорт ва коммуникацион инфратузилма
Н.С. Николаева*	Маълум бир соҳанинг фаолият турига ихтисослаштирилган ташкилотлар; маҳсулот ёки хизматларни етказиб берувчи ташкилот; хизмат кўрсатувчи ташкилотлар; илмий тадқиқот муассасалари ва таълим муассасалари; инновацион тадбиркорлик инфратузилмасининг субъектлари
С. Нордин	Туристик хизматлар йигиндиси; туристик компанияларнинг тўпланиши; фаолияти туризми кўллаб-куватлашга йўналтирилган соҳалар; малака оширишни, ахборот ва молиявий кўмакни таъминловчи муассасалар; кластер концепциясини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи агентликлар; кластер таълимини тартибга солувчи ва назорат килувчи давлат идоралари
И.С. Милославский	Туристик ресурслар ва компаниялар; овқатланиш, жойлаштириш ва транспорт, мухандислик ва молиявий инфратузилма; тиббиёт муассасалари
И.Г. Шепелев, Ю.А. Маркова	Туризм инфратузилмаси ва ҳамроҳ инфратузилмалар; асосий ва қўшимча объектлар; табиий, иктисолий ва ижтимоий-сиёсий шароитлар
В.А. Черненко, Т.Ю. Колпащикова**	Асосий, қўшимча, ёрдамчи ва ҳамроҳ объектлар

* Евпланов А. Договорились о термине. Депутаты выяснили, что такое туристический кластер // Российская Бизнес-газета. - 2011. - №800.

** Тарасенок А.И. Геоэкономика туризма: учеб. пособие. - М.: КноРус, 2009. - 169 с.

⁸³ Тадқиқотчи томонидан олимларнинг фикри жамланган.

Таъкидлаш лозимки, жадвалда келтирилган муаллифларнинг туристик кластерлар таркибини белгиловчи ёндашувлари бир-бирнга жуда ўхшаш, асосий фарқи туристик кластериинг алоҳида элементлари гуруҳини батагаси текшириш даражаси билан боғлиқ. Шу билан бирга, бир қатор ёндашувларни (И.С. Милославский, С. Нордин, М. Монфорд) ажратиш керакки, бунда кластер таркибига сиёсий шакллантилар, кластер концепциясини ташкил этувчи агентликлар, кластер таълимга таъсир кўрсатадиган тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи структураларнинг давлат идоралари (С. Нордин), институционал сиёсат (М. Монфорд) киритилиши керак. Таъкидлаш жоизки, худудий туристик кластерни шакллантириш ва ривожлантиришда ушбу элементларнинг аҳамияти жуда катта.

Шундай қилиб, бугунги кунда туристик кластерлар туризмни тартибга солувчи алоҳида обьект бўлгани каби маълум бир ҳудудда туризм ривожланишининг асосий восигаси ҳисобланади. Минтақаларнинг туристик жозибадорлиги ва салоҳиятини баҳолашнинг кластерли ёндашуви макроинтисидий муносабатларда ёки умуммиллий миқёсда кўлланилади.

Шу билан биргаликда туризмда кластерлаш иқтисодиётнинг бир қанча тармоқларини қамраб оладиган глобаллашув жараёнларининг индикатори ҳисобланади. Юкоридагилардан хуоса қилиб “Туристик кластер” деганда, биз туризм соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик тузилмалари, ҳукumat органлари ва давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, шунингдек рекреацион эҳтиёжларни қондириш, ўз рақобатбардошлиги ҳамда минтақанинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш мақсадида туристик маҳсулотларни шакллантириш, ҳаракатлантириш ва сотища маълум бир минтақанинг туристик ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланувчи алоқадор (бир мақсадга эга бўлган) тармоқларнинг мажмунини тушунамиз⁸⁴.

Туристик кластерларининг асосий тавсифи қўйидагилардан иборат:

-туризм саноати (тадбиркорлик тузилмалари, ҳукumat органлари ва давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари) ва унга алоқадор (давлат - хусусий сектор шаклидаги, ассоциациялар ва

⁸⁴Муаллифнинг туристик кластернинг маъноси бўйича хуосаси .

бошқалар) тармоқларда фаолият юритувчи туристик кластер субъектлари ўргасида бирлашувнинг мавжудлиги;

-туристик инфратузилмага эга бўлган жозибадор ва ўзига жалб қиливчи масканлар жойлашган худудлардаги туристик кластер субъектларидан ҳамкорликда фойдаланиши;

-туристик кластер иштирокчилари орасида вертикал (туризм саноатининг ички маҳсулот занъжири) ва горизонтал (турмаҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи тузилмалар ўргасида) алоқадорлик;

-туристик кластер амал қилиши учун ягона мақсадга эга бўлиши, бу эса кластер обьектлари ва субъектларининг рақобатбардошлигини оцириш, шунингдек минтақанинг туристик маҳсулотини шакллантириш, ҳаракатлантириш ва сотиш орқали рекреацион эктиёжларни қондиришдан иборат.

Туристик кластернинг таснифига биз инновацион бошқарув марказларининг иштирок этиши даражаси ва туристик кластерларни бошқариш шакли каби хусусиятларни киритишни таклиф этамиз, бу эса туристик кластерни таснифий хусусиятлар бўйича комплекс равишида тавсифлаш имконини беради.

Мавжуд ёндашувларни умумлаштириш ва тизимлаштириш асосида биз туристик кластер турларининг таснифини ишлаб чиқдик (4.1.2-жадвал).

Географик жойлашувига кўра, худудий – бир вилоят, туман ичидা, давлат миёсмида – бир давлат ичидা, минтақавий – минтақадаги давлатлар иштирокида (МДХ, Марказий Осиё), минтақалароро – ҳамкорлик тамойиллари бўйича бир нечта минтақалар худудида фаолият юритади (Евро-Осиё).

Ҳаётийлик даражасининг босқичларига кўра, янги пайдо бўлган кластерлар (туристик жараён иштирокчилари ўргасида кооперация алоқаларини шакллантиришининг бошланиши), ривожланаётган кластерлар (ички ва ташки алоқаларининг пайдо бўлиши, туризм соҳасидаги корхоналарнинг муваффакиятли ўзаро фаолияти), ривожланган кластерлар (кластер ичидা ички алоқалар максимал равишида бир-бирига боғланган), сўниб бораётган кластерлар (ички алоқалар сустлашади ва йўқолиб кетади).

4.1.2-жадвал

Туристик кластер турларининг таснифланиши⁸⁵

№	Тасниф хусусияти	Туристик кластер турлари
1	Географик жойлашуви бўйича	Худудий, давлат миқёсида, минтаقا ичида, минтакаларо
2	Ҳаётйлик даври босқичларига кўра	Янги пайдо бўлган, ривожлангаётган, ривожланган, сўниб бораётган.
3	Туристик жозибадор ва ўзига жалб қилувчи масканлар турлари бўйича	Кўнгилочар, спорт турлари, экологик, этнографик, соғломлантириш-дам олиш, маданий ва бошқалар.
4	Туристик ресурс турлари бўйича	Ўрмон, тоғ, сув (денгиз, дарё, кўл), аралаш.
5	Кўлами (миқёси) бўйича	Махаллий, минтақавий, миллний, трансмиллий
6	Бошқарув шакли бўйича	Давлат, хусусий сектор, давлат-хусусий шерикчилик
7	Истеъмолчилариинг мақсадга йўналтирилган гурухлари бўйича	Туристик-рекреацион
8	Шаҳланиш усули бўйича	Мақсадли ва тарихий

Туристик жозибадор ва ўзига жалб қилувчи масканлар турларига кўра, музейли кластерлар, кўнгилочар кластерлар, спорт туридаги кластерлар, экологик кластерлар, этнографик кластерлар, соғломлантириш-дам олиш кластерлари, маданий кластерлар ва бошқалар. Қоидага кўра, битта туристик кластерда бир қанча туристик атTRACTорлар мужассамлашади.

Туристик ресурс турларига кўра, сув тури (денгиз, дарё, кўл), ўрмон кластерлари, тоғ кластерлари, аралаш кластерлар.

Кўлами (миқёси)га кўра, махаллий (катта бўлмаган худудларда, саноат, транспорт ёки илмий марказларга нисбатан мўлжалланган), минтақавий (таркибига республикамизнинг мъмурлий худудида жойлашган обьектлар киради), миллний кластерлар (мамлакатнинг бир қанча минтақаларидағи корхона ва ташкилотларни бирлаштиради), трансмиллий кластерлар (ўз иштирокчилари таркибига хорижий компанияларни киритади).

⁸⁵ Туристик кластер турларининг тадқиқотчи томонидан тавсия килинаётган таснифи.

Биз учун энг ахамиятлиси мінтақавий кластерлар мінтақа таркибіга кирудың фирмаларнинг самарадорлығини сезиларлы даражада ошириши мүмкін. Бунинг нәтижасы эса қуидагилар билан изохланады:

-улар учун ҳамкорликдаги фаолиятни мұвофиқлаштириш масалалари енгилләнеді;

-ақборт алмашинуви ва янгиликларнинг жорий этилиши күчайды;

-хизмат құлувчи инфратузилмавий обьектлардан ҳамкорликда фойдаланиш ва йирик таълим түзілмаларида ходимларни тайёрлаш имкони пайдо бўлади.

Шунингдек, рақобатдош фирмаларнинг фаолияти самарадорлығини ҳақиқий таққослаш мүмкін. Бундан ташқари, мінтақавий кластерларнинг шаклланиш ҳудудларида малакали меҳнат ресурслари мавжудлиги, хизмат күрсатадиган ва мұвофиқлаштирадиган түзілмалар учун солиққа тортиш ва инвестициялар киритиши бўйича алоҳида тартиб яратилғанлиги янги фирмалар ташкил этиш учун қурай шарт-шароитлар яратиш мүмкін.

Бошқариш шаклиса кўра давлат, хусусий сектор, давлат-хусусий шерикчилек асосида бошқариладиган кластерлар.

Истеъмолчиларнинг мақсадга йўналтирилган гурухларига кўра, туристик-рекреационы кластерлар (рекреацион ва маданиятга йўналтирилган ўзаро боғлиқ обьектлар – жамоавий жойлаштириш воситаси, овқатлантириш ва шунга ўхшаш хизматлар кўрсатувчи шоҳобчалар мажмуаси).

Шаклланиш турига кўра, мақсадга йўналтирилган (уни яратиш бўйича ҳаракат қилиш нәтижаси сифатидаги кластер) ва тарихий жиҳатдан пайдо бўлган кластерлар (маълум бир ҳудудда бирор-бир тарихий ривожланиш асосида табиий равишида шаклланган).


Шу билан биргаликда, туристик кластерлар учта асосий таркибий қисм иштирокида муваффақиятли фаолият юритади:

-ички ва ташки бозорларда сотиладиган рақобатбардош турмаҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчи ёки рақобатбардош хизматларни тақдим этувчи етакчи корхоналар;

-инновацион кластернинг барча резидентларига юқори сифатли хизматларни тақдим этадиган хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ривожланган тармоғи;

-мехнат ресурсларининг юқори сифати, инвестицион оқимлардан фойдаланиш имконияти, маъмурий тўсиқларнинг йўқлиги, инновацион кластердаги инфратузилмани ривожлантиришнинг юқори даражаси, ривожланган илмий тадқиқот салоҳиятини ўзида мужассамлаган ижобий ишбилармонлик мухити (кластерни тузиш ташкилотларининг ички ва ташқи рақобатбардош мухити) орқали унинг муваффақияти таъминланади.

Кластерларни ташкил қилишда технологик платформалар ҳам катта роль йўнайди. Технологик платформалар туристик соҳанинг инновацион ривожланишида минтақавий устувор йўналишларни шакллантирадиган ва ушбу устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича минтақа, фан, бизнес ва фуқаролик жамиятининг саъи-ҳаракатларини бирлаштирадиган воситалардан бири бўлади (4.1.1-расм).



4.1.1-расм. Туристик кластернинг технологик платформаси.⁸⁶

⁸⁶ Тадқиқотчи томонидан таклиф килингтган кластернинг технологик платформаси.

1. Тадбиркорлик тузилмалари – туризм соҳасида кўшимча қиймат занжири шаклланишини ифодалайдиган йирик, ўрта ва кичик фирмалар.

2. Фан ва таълим муассасалари – ушбу соҳада фаолият олиб борувчи илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юрглари, илмий-техник инновацион марказлари ва бошқа ташкилий тузилмалар.

3. Молия-кредит ташкилотлари – акционерлик тижорат банклари, венчур (инновацион фаолиятни лойиҳалаштиришга йўналтирилган) капитали, илмий тадқиқот ва инновацияларни давлат томонидан молиялаштирувчи институтлар.

4. Жамоат ташкилотлари – саноат уюшмалари ва ассоциациялари, истеъмолчилар уюшмаси ва касаба уюшмалари.

5. Давлат идоралари – платформа дастурларини мувофиқлаштирувчиси ва шу доирада илмий тадқиқотларни ўтказиш учун давлат кўмаги кўрсатувчиси бўлган минтақавий ижро этувчи ҳокимият идоралари, маҳаллий бошқарув идоралари.

Шу билан бирга технологик платформаларнинг асосий фаолият йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

- технология соҳасида башорат (прогноз)-тахлилий фаолият, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, илмий-техник ривожланиш устуворликларини аниқлаш, бизнес намоёндалари ва давлат институтларига платформанинг ишлаш профили бўйича масалаҳатлар бериш;

- таълим фаолияти – ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўкув режалари ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш, корхона ва ташкилотларга ёш мутахассисларни жалб қилиш;

- ахборот фаолияти – платформа доирасида янги ишланмалар ҳакида ахборотларни тарқатиш, унинг тадбирларига ахборот кўмагини кўрсатиш, тегишли анжуманлар, симпозиумлар, форумлар, учрашувлар, семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш.

Платформаларнинг барқарорлигини таъминлаш учун турли молиялаштириш манбаларидан (молиялаштиришнинг аралаш шакли) маблағларни жалб қилиш керак. Технологик платформалар, барча томонларни ҳисобга олган ҳолда йўналишни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини шакллантириш учун саъи-харакатларни бирлаштиришга мўлжалланган механизмдир. Давлат, бизнес ва эксперtlар жамиятининг ҳамкорлик муносабатлари

асосида фаолият юритадиган бундай лойиҳаларнинг самарадорлиги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ёрқин намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, айнан давлат, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан пухта ўйланган режалар асосида туристик-рекреацио мажмууга сармоя оқимининг кириб келиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришлари лозим. Бу эса, ўз навбатида, мажмуа иштирокчилари сонининг ўсишига, туристлар ва пул оқимининг кўпайишига, аҳолининг бандлиги ошишига олиб келади. Биз, мамлакатимизда тегишли янги туристик маҳсулотларни шакллантириш, тарғиб қилиш ва сотиш бўйича фаолиятни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш воситарадан фойдаланган ҳолда минтақа туризм бозорининг барча иштирокчилари ўргасидаги ўзаро ҳамкорликнинг пухта ўйлангани тизимини ишлаб чиқишимиз керак, деган фикрдамиз.

4.2. Минтақавий туризм кластерларини жорий қилиш механизmlари




Хозирги кунда республикамиз туризми олдида турган асосий муаммолардан бири минтақаларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва ривожланиши йўналишларини ишлаб чиқишида асосий эътибор нималарга қаратилишини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмокда. Шундан келиб чиқсан ҳолда изланишларимиз кўрсатишича, сўнгти пайтларда рақамли иқтисодиёт, инновация, инновацион-технологиялар каби тушунчаларнинг ҳаётимизга кириб келиши, шу билан бирга минтақавий иқтисодиёт ва иқтисодий географиядаги илмий инқилюб сари тобора кенгроқ кириб келаётган тушунчалардан бири бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ўзига хос шакли сифатида кластер тушунчаси хисобланади.

Минтақавий туристик кластер бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланадиган тизимdir. Минтақавий кластерни шакллантиришнинг муҳим шарти хўжалик юритувчи субъектларнинг географик яқинлиги хисобланади. Муҳим соҳаларда ишлаб чиқарувчи ва қўллаб-куvvatловчи тармоқлар, ташкилотларнинг бир қанча фирмалари тўпланмоқдаки, улар ишлаб чиқариш миқёсида ва шунингдек ахборотларни ҳамда ресурсларларни иқтисод қилишни

таъминламокда. Улар ўргасидаги муносабатларнинг “қуюқлашиши” сабабли минтақавий кластерлар жуда катта рақобатбардошлика эришади. Кластерларнинг географик миқёси бир шаҳар ёки вилоятдан бир мамлакатга ёки ҳатто кўпини мамлакатларга қараб ўзгариб бориши мумкин.

Минтақавий кластерларни ташкил қилинча халқаро тажриба кўрсатишича, давлат-хусусий ҳамкорлик тамойиллари асосида (4.1- параграфда кўриб ўтилгандек) ташкил этиши унинг тезрок ривожланишига ёрдам беради. Давлат минтақавий туристик кластернинг шакланиши жараёни ва ривожланишида, айниқса биринчи босқичда, муҳим аҳамиятта зга, бироқ бу туризм бизнесига яқин, кўшимча равишда стратегик иттифоқчиларни амалга оширади. Амалиётда самарадорликни намоён этувчи давлат ва хусусий секторлар ўргасидаги алоқаларнинг турли шакллари, моделлари ва механизmlари мавжуд. Давлат кластернинг турли омиллари учун платформа яратиш йўли билан жойларда кластер ташаббускорлигининг ривожланишига, ходимларга кўшимча таълим бериш ва уларни қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш орқали маҳаллий ишчи кучининг малакасини ошириш, хорижлик ташриф буорувчиларни жалб қилиш мақсадида минтақа брендини яратиш ва бошқаларга ёрдам беради.

Минтақаларни ривожлантириш учун устувор тармоқларда кластерларни нафакат ўрта муддатли, балки узок муддатли, стратегик истиқболли, глобаллаштириш ва халқаро рақобат жараёнларининг ривожланиши нуткай назаридан яратиш мақсаддага мувофиқдир. Шунинг учун, худудий ривожланишининг стратегик мақсадлариiga иқтисодиётнинг рақобатдош тузилимасини шакллантиришига кластерли ёндашув доирасида эришиш учун юқорида келтирилган қоидаларни амалга ошириш мумкин. Кўшимча қиймат яратиш жараёнида ўзаро боғлиқ кластерларни ташкил этишда ишлаб чиқарувчи корхоналар, ёрдамчи ва инфрагузилмавий ташкилотлар юқори технологик ва рақобатбардош маҳсулотларни яратиш учун шаҳобчаларга бўлинисбетган тармоқларга бирлашадилар. 4.2.1-расмда кластернинг муваффақиятли ишлаши учун туристик жозибадорлик тамойилига асосланган ҳолда тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг ҳамкорлигини ташкил этишишини кўришимиз мумкин.



4.2.1-расм. Туристик жозибадорлик тамойилига асосланган кластернинг концептуал кўриниши ⁸⁷


Бизнинг тадқиқотларимиз ва Ўзбекистон Республикасининг административ бўлиниши ва минтақаларни комплекс ривожлантириш имкониятларини хисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган кластерларни ташкил қилинди туристик минтақаларни куйидагича бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади: Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри), Фарғона (Фарғона,

⁸⁷Муаллифнинг тавсия эталётган ишланмаси.

Андижон ва Наманган вилоятлари), Жиззах-Сирдарё (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), Самарқанд (Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳри), Бухоро-Навоий (Бухоро ва Навоий вилоятлари), Жанубий туристик минтақа (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), Хоразм (Хоразм вилояти), Кўйи Амударё (Корақалпогистон Республикаси) туристик минтақаларига ажратишни таклиф қиласиз. Кўриб ўтилаётган ва тавсия қилинаётган Ўзбекистондаги саккизта туристик минтақаларни алоҳида ихтисослаштирилган кластер шаклида ривожлантиришини ва уларни туристик жозибадорлик нуқтai назаридан қўйидаги учта кластерни илгари суриш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўртacha туристик жозибадорликка эга минтақалардан иборат биринчи кластерга 4ta минтақани киритишни таклиф этамиз. Бу минтақаларда нифратузилма ривожланиши суст бўлиб, туристик юклама ва хорижий туристларнинг улуши маҳаллий туристлар сонидан ўртacha даражадан паст. Бу кластерга рекрацион-соғломлаштириш ресурсларга бой бўлган Жиззах-Сирдарё, Фарғона, Кўйи Амударё ва Жанубий туристик минтақаларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи гурӯҳ минтақасига Тошкент ва Самарқандни киритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз, сабаби бу ерга хорижий туристлар сайёхлик мақсадларидан кўра кўпроқ хизмат доирасида ишбилармонлик йўналишида ташриф буюрадилар. Шу билан бирга бу минтақада аралаш туристик ресурсларга (тарихий-маданий, рекрацион) бой минтақа ҳисобланади.



4.2.2-расм. Туристик минтақаларнинг жозибадорлик нуқтai назаридан ихтисослаштирилган кластерларга бўлиниши⁸⁸

⁸⁸Тадқиқотчининг изланишлари натижасида ишлаб чиқилган.

Учинчى гурхұға Бухоро-Навоий ва Хоразм миңтақаларини киритишни мақсадға мувофиқ деб биламиз, сабаби бу ерда маданий-тарихий туристик жозибадорлик нұқтаи назаридан инфратузилма етарлича ривожланған.

Ўзбекистондаги саккизта туристик миңтақаларни жозибадорлик нұқтаи назаридан алоҳида ихтисослаштырилған кластер шаклида ривожлантиришни ва уларни туристик жозибадорлик нұқтаи назаридан күйидаги учта кластерни илгари суриш мақсадға мувофиқ бўлар эди.

Республикамизнинг туристик миңтақаларида туризм ривожланишини баҳолайдиган маҳсус бўлим ва мутахассислар йўқлиги учун туристик салоҳиятга эга худудларнинг ривожланиш стратегиясини лойиҳалаш, иқтисодий ўсишнинг асосий маңбалари сифатида худуднинг ўз ресурсларини аниқланиши ва фойдаланилишига қаратилган “ўз-ўзини ривожлантириш” тамойилидан фойдаланиш мақсадға мувофиқдир.

Қоидага биноан, ресурслар чекланган шароитда фаолият юритадиган бир нечта худудларнинг салоҳиятини бирлаштириш, сезиларли даражада ундан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва аъло даражадаги микдорий жиҳатдан юқори самарага эришиш имконини беради.

Шу нұқтаи назардан республикамизнинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, худудларга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун кулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантириши таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида Президентимиз томонидан Тошкент вилоятининг Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зonasи чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зonasини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди⁸⁹. Бу пайтгача республикамизда “Туристик-рекреацион зона”ларни ташкил этиш амалиёти қўлланилгани йўқ эди. Бу билан туристик-рекреацион зоналарни ташкил қилиш ва туризмдаги энг сўнгги инновацион технологияларни кўйлаш орқали миңтақа туристик индустриясининг ривожланишини фаол қўллаб-қувватлаш ва

⁸⁹ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2017 й., 06/17/5273/0363-сон.

минтақа иқтисодиётининг ривожланнишга, сўнгра бутун республика иқтисодиётининг юксалишини таъминлаш мақсад қилиб олинди.

Туристик-рекрацион зоналар фаолиятида инновация – бу илмий ютуқларни жорий қилиш, бошқарув соҳасидаги энг яхши амалиёт, меҳнатни ташкил этиш ва технологиядир. Туризм соҳасидаги инновациялар – бу янги туристик йўналишлар, лойиҳалар ва ҳоказоларни яратиш, уларнинг ишга туширилиши аҳоли банддигини оширишга, унинг даромадларини оширишга имкон беради.

Буни митақалар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, масалан, Жиззах эркин иқтисодий зонасида таҳлилларимиз кўрсатишича, кластерларни (қишлоқ хўжалиги, төғ-кончилик, туристик-дам олиш ва бошқалар) ривожлантириш учун инфратузилманинг имкониятлари етарли эканлигини кўрсатади.

Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тарихий-маданий ва табиий ёдгорликлар сақланиб қолган ҳудудлар ва табиатни муҳофаза қилиш мавқеига эга бўлган ҳудудларда алоҳида кўриқланадиган ерларнинг мавжудлиги, дам олиш ва фаол рекреация учун яроқли бўлган турли-туман табиий ресурсларига эга бўлган Жиззах, минтақасининг бекиёслиги вилоятни республикада энг жозибали рекрацион туристик йўналишларидан бирига айлантириш мумкин.

Жиззах минтақасидаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш (4.2.1-жадвал) асосида республикада туризмни ривожлантириш имкониятлари тўғрисида куйидаги хуносаларни берип мумкин:

-соғломлаштириш туризмини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласидаган санаторий-курорт муассасаларининг ривожланган тизими мавжудлиги;

-төғ-қишики туризм, соғломлаштириш туризми, спа-хизматлар, маданий, сув ва саргузаштириш туризмни ривожлантириш учун салмоқли салоҳиятнинг мавжудлиги;

-төғ-чангি спортини янада ривожлантириш имкониятларини белгилайдиган замонавий туризм инфратузилма элементларининг мавжудлиги;

-республикамизнинг бошқа ҳудудларга қараганда етарли даражада ривожланган турар жой тизимининг мавжудлиги (ассосан миллий уй меҳмонхоналари).

**Жиззах мингақаси туристик-рекреацион салоҳиятининг
SWOT-таҳлили⁹⁰**

	Ички	Ташки
	Кучли тарафлари	Имкониятлар
Ижобий	<ul style="list-style-type: none"> -кластер ҳудудининг ҳаммабошлиги; -туристларнинг хавфсиз етиб келиши; -экологик тоза табиат; -ноёб флора ва фауналарнинг мавжудлиги; -бекиёс маданий-тарихий ресурслар; -тиббий-согломлаштириш ресурслари; -бекиёс туристик-рекреациои ресурслар (дарё, кўллар, горлар ва ўрмонлар); -кулай табиий ва иклиний шароитлар; -миллий ва табиий ёдгорликлар; - Жиззах, Фаллаорол, Дашибод шаҳарларидағи замонавий темир йўл ва автобус вокзаллари мавжудлиги; -республиканинг кулай автотранспорт йўллари тугунида жойлашганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> -Жиззах мингақасини дам олиш учун жозибали жой сифатида жойлаштириш; -жойлаштириш воситалари биноларини куриш (мехмонхона, мотел, кемпинг ва х.к.); -туристик-рекреацион инфрагузилмани шаклантириш; - транспорт, муҳандислик, ижтимоий, ахборот ва телекоммуникация инфрагузилмасини шаклантириш; - миллий ошхона, маший хизмат ва техник хизматларни яратиш; -йўл ва йўл четидаги инфрагузилмалар (йўлларни куриш ва реконструкция килиш, йўл четидаги кафе) ривожланиши; -салоҳиятли инвесторларнинг мавжудлиги; -аҳоли турмуш даражасини юкорилиги, дам олиш кунларининг кўплиги.

⁹⁰ Муаллиф томонидан олинган натижалар.

	Кучсиз тарафлари	Таҳдидлар
Салбий	<ul style="list-style-type: none"> -транспорт, мұхандислик, ижтимои, ахборот ва телекоммуникация инфрагузилмасининг ривожланмаганлиги; - кадрларнинг тажрибасизлiği, шунингдек бозор иқтисодиёти шароитида тажрибанинг етишмаслиги туфайли хизмат күрсатишининг сифатсизлiği; -турхизматлар нархининг доимий ошиши, хизматларни тақдим этиш сифатининг нархга жавоб бермаслиги; -паст иқтисодий салоҳият туризм ривожланишига инвестиция киритиш имконини бермайди; -туристик кластерни шакллантириш учун давлат ва туристик фирмалар биргаликдаги ҳаракатининг мувофиқлаштирилмаганлиги; -худуднинг имиджи ва брендининг йўклиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - республикамизни хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот восигалари томонидан яратилиган туризм учун кулагилкларнинг нотўғри талқин қилиниши ва тасвирлаш; -республикамизнинг бир неча ўн йиллар давомида сиёсий ва иқтисодий инқизорзни бошдан кечираётган Афғонистон билан кўшни давлат бўлиши; -туристларнинг янада ривожланган инфрагузилмавий ҳудудларга чиқиб кетиши; -хизмат кўрсатиш сифтининг бекарорлиги.

Сўнгти йилларда мамлакатимиз фуқароларига яратилаётган шарт-шароитлар натижасида ахолимизнинг ўз юргида дам олишга бўлган кизиқиши ортиб бормоқда, аммо кўплаб курорт ҳудудларида туристик инфрагузилмалар етарлича ривожланмаганлиги натижасида бу кўрсаткич чекланган миқдорда қолмоқда. Бу имкониятларни янада ошириш мақсадида тадқиқотимиз орқали иқтисодиётнинг фаол ривожланиши, ички туризмда хизматларга бўлган талабнинг тобора ортиши, Жиззах мингтакасидағи юқори туристик салоҳиятини хисобга олган ҳолда туризмни ривожлантиришнинг янги шакли

иҳтиёсслаштирилган туристик-рекреацион кластерларни ташкил этишини назарда тутади.

Миннекада иҳтиёсслаштирилган туристик-рекреацион кластерни ташкил килишда ички имкониятлардан келиб чиқан ҳолда биринчи навбатда давлат, хусусий сектор, тадқиқот ва таълим муассасаларининг ўзаро муносабатларини кучайтириш, шунингдек ишлаб чиқариши миқёсининг натижаси, ягона маркетинг стратегия, рекламага кетган харажатлар, асосий ва кўшимча брендларни яратиш ҳисобига барча тизимларнинг самарали ишлашига имкои яратиш керак.

Шу билан биргаликда кластер тузилмасига унинг барча иштироқчилари учун умумий бўлган мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ва кластернинг тизим интеграторлари сифатида фаолият юритувчи етакчи компанияларнинг киритилиши инновацияларнинг самарали кластерлараро трансферини, кенг миқёсли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига янги бозорларни ўзлаштириш ҳамда диверсификацияланган туристик маҳсулотни яратишни таъминлайди.

Ташкил қилиш тақлиф этилаётган минтақавий туристик-рекреацион кластерга кирувчи географик жойлашувига кўра Жиззах вилоятидаги Зомин, Бахмал ва Фориш туманлари кўпроқ рекреацион туристик жозибадорликка эга бўлиб, бу ерга ташриф буюрувчиларнинг аксарият қисмини табиат манзараси ва рекреация йўналиши ташкил этади. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, айни пайтда минтақада туристик-рекреацион кластерни тўлақонли ташкил этиш учун Жиззах шаҳри, Галлаорол туманларини ҳам киритиш мумкин. Бу билан иктисадий ўсиш сифатининг барқарор ва узоқ муддатли яхшиланишини таъминлаш, атроф-муҳит омилларининг таъсири ва ҳудуднинг ички имкониятларини, шунингдек ривожланишининг кейинги саноат босқичига ўтиш борасидаги муаммоларни ҳисобга олувчи минтақавий ривожланишини бошқариш тамойиллари ва усусларини кўллаш заруратлигини назарда тутади.

Минтақада туристик – рекреацион кластерни ташкил қилишга эҳтиёж туғилишининг асосий сабаби, ҳудуд бой туристик имкониятларга эга бўлишига қарамасдан ундан фойдаланиш даражаси жуда паст кўрсаткичларга эгалигидир. Буни минтақага ташриф буюрган хорижлик туристлар сонидан ҳам кўрса бўлади. 2016 йилда 1126та, 2017 йилда 2800та, 2018 йилда 5800та 2019 йилда 11734та хорижий сайёхларга хизмат кўрсатилган бўлиб, 2019 йилдан 2016

йилга қарғанда қарыб ўн бир бароварга орттан бўлишига қарамасдан, бу кўрсаткич минтақа салоҳиятига умуман мос келмайди⁹¹.

Вилоятдаги туристик обьектлар ва сайёхларга хизмат кўрсатувчи субъектлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 2019 йилда туристик обьектлар сифатида 42та архитектура, 244та археологик, 63та монументал, 3та музей ва 23та дикқатга сазовор жой, 8та зиёрат, 7та ўрмон хўжалиги, 3та кўрикланадиган худуд, 5та эко-агротуризм обьектлари рўйхатга кирилганди⁹².

4.2.2-жадвал

Жиззах вилоятидаги туристик обьектлар бўйича маълумот⁹³ (сони, бирлик)

Кўрсаткичлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Туристик намойиш обьектлари				
Архитектура ёдгорликлари	32	40	42	42
Археологик обидалар	120	212	244	244
Монументал санъат ёдгорликлари	45	52	63	63
Музейлар	3	3	3	3
Дикқатга сазовор жойлар	15	15	23	23
Жами	215	322	375	375
Зиёрат туризми обьектлари				
Зиёрат туризми обьектлари	7	7	8	8
Эко-агротуризм обьектлари				
Ўрмон хўжаликлари	7	7	7	7
Кўрикланадиган худудлар	3	3	3	3
Эко-агротуризм обьектлари	0	0	4	5
Жами	10	10	14	15

Бу борада хизмат кўрсатувчи субъектлар бўйича 2019 йилдаги ҳолатини кўрадиган бўлсак, туроператорлар 5 та, ГИД-экскурсоводлар 5 та, сувенир дўйконлари 18 та, кўнгилочар парклар 7 та, санитария-гиена шаҳобчалари бўйича туристик обьектларда янги ташкил

⁹¹ Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш худудий бошкармаси маълумотлари.

⁹² Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш худудий бошкармаси маълумотлари.

⁹³ Гаджиқотчи томонидан Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш худудий бошкармаси маълумотлари асосида тузилди.

этилгандар 103 та, йўл бўйларида янги ташкил этилган санитария-гигиена шаҳобчалари 34 тани ташкил қилиб, олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ортанини кўриш мумкин (4.2.4-жадвал).

Мингақанинг катта туристик ресурсларга эгалигига қарамасдан, шу кунгача туризм (jizzakhtourism.uz) веб-сайтини яратиш ишлари охиригача етказилмаган. Ҳозирда вилоятнинг jizzax.uz веб-сайти орқали туристик тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Бу ўз-ўзидан ҳозирги рақамли инновацион технологияларни кенг жорий қилинаётган вақтдаги талабларга (хорижлик туристлар излаган нарсасини jizzax.uz веб-сайтидан топа олмайди) жавоб бермайди.

4.2.3-жадвал

Жиззах вилоятидаги туристларга хизмат кўрсатувчи субъектлар бўйича маълумот⁹⁴ (сони, бирлик)

Кўрсатычлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Туроператорлар	3	4	4	5
ГИД-экскурсоводлар	2	4	5	5
Туристик транспорт фирмалари	-	-	-	1
Фольклор ансамблилари	12	12	12	12
Хунармандлар устахоналари	10	12	12	12
Сувенир дўконлари	12	15	18	18
Кўнгилочар парклар	6	6	7	7
Тематик парклар	-	-	1	1
Жами				
Санитария-гигиена шаҳобчалари				
Туристик обьектларда янги ташкил этилган санитария-гигиена шаҳобчалари	56	81	91	103
Йўл бўйларида янги ташкил этилган санитария-гигиена шаҳобчалари	2	16	31	34
Жами	58	97	122	137

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавжуд туристик инфратузилманинг микдори ва сифатини, транспорт воситалари имкониятлари, географик жойлашуви, туристик хизматларнинг турли-туманлиги ва исталгаи турини яратиш имкониятларини

⁹⁴ Тадқиқотчи томонидан Жиззах вилояти туризми ривожлантириш худудий бошқармаси маълумотлари асосида тузиб чиқилди.

тахлил қилиниши натижасида “Жиззах туристик-рекреацион кластери”га вилоятдаги бешта туманда жойлашгай туристик объектлар ва хизмат кўрсатувчи субъектларни киритиш мумкинлиги аниқланди. Уларнинг туристик ихтисослиги, табиий-иклим шароитлари ва жойлаштириш ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасига кўра бир-биридан деярли фарқ қиласмаслиги уларни бир кластер тизимга бирлаштириш имкониятини яратади.

4.2.4-жадвал

Жиззах минтақаси туристик кластерига киритилиши таклиф қилинётган ҳудудларда жойлаштириш воситаларининг асосий кўрсаткичлари⁹⁵

Ҳудудлар/кўрсаткич номлари	Мехмонхоналар (хона/ўрин)			Мехмон уйлар (хона/ўрин)			Санаторий ва согломлаштириш объектлари (хона/ўрин)		
	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019
Жиззах шаҳри	17 (385/ 724)	18 (413/ 1088)	21 (444/ 1200)	0 (0/0)	0 (0/0)	1 (4/9)	9 (180/ 520)	10 (200/ 580)	10 (200/ 580)
Зомин тумани	2 (26/ 54)	3 (49/ 125)	4 (60/ 150)	0 (0/0)	10 (40/ 80)	30 (120/ 240)	1 (250/ 500)	2 (280/ 590)	5 (430/ 1040)
Бахмал тумани	0 (0/0)	0 (0/0)	1 (10/ 25)	0 (0/0)	3 (9/27)	10 (22/ 82)	0 (0/0)	1 (20/ 60)	1 (20/ 60)
Галлаорол тумани	0 (0/0)	0 (0/0)	3 (40/ 110)	0 (0/0)	0 (0/0)	4 (12/ 32)	1 (50/ 200)	1 (50/ 200)	1 (50/ 200)
Фориш тумани	0 (0/0)	1 (15/2)	2 (30/ 58)	5 (14/ 64)	5 (14/ 64)	10 (30/ 130)	0 (0/0)	0 (0/0)	0 (0/0)
Жами	19 (411/ 778)	22 (477/ 1237)	31 (584/ 1543)	5 (14/ 64)	18 (63/ 171)	55 (188/ 493)	11 (480/ 1220)	14 (550/ 1430)	17 (700/ 1880)

⁹⁵Гаджикотчи тамонидан Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида тузиб чиқалди.

Минтақадаги туризм инфратузилма асосан кластерга киритилиши режалаштирилаётган худудларда ривожланыётган бўлиб, 2019 йил ҳолатига межмонхонларнинг асосий қисми Жиззах шаҳрида 21та, Зомин туманида 4та, Ғаллаорол туманида 3та, Фориш туманида 2та, Бахмал туманида 1тани ташкил этади. Шунга мос равишда межмон уйлар Зомин туманида 30та, Бахмал ва Фориш туманларида 10тадан, Ғаллаорол туманида 4та бўлиб, ўтган йилларга қараганда уларнинг сони кескин ортиб бораётгандигини кўрсатади (4.2.4-жадвал). Лекин афсуски, вилоятнинг бир қатор туманларида (Зарбдор, Зафаробод, Пахтакор, Янгиобод, Арнасой, Мирзачўл) деярли межмонҳона ва жойлаштириш воситалари йўқ.

Минтақада кластерни ривожлантиришнинг асоси қилиб олинаётган рекреацион-соғломлаштириш йўналиши бўйича имкониятларни кўриб чиқадиган бўлсақ, бу борада санаторий ва соғломлаштириш объектларининг нисбатан ривожланган инфратузилмаси борлигини кўрамиз.

Кластерга киритилиши таклиф қилинаётган худудларда санаторий ва соғломлаштириш объектларининг жойлашуви бўйича, 2019 йил ҳолатига Жиззах шаҳрида 10 та, Зомин туманида 5 та, Бахмал ва Ғаллаорол туманларида 1 тани ташкил этади.

Худудий жиҳатдан ташкил қилинаётган кластернинг умумий туризм инфратузилмасини шакллантирища (Жиззах шаҳри, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманлари) туризм турлари ва ихтисослигини аниқлаб олиш ҳам мухим масала ҳисобланади. Бу борада олиб борилга кузатишлар натижасида (4.2.5-жадвал) 5 та салоҳиятли туристик-рекреацион ресурсларга бой худудларнинг ҳар бири учун туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини акс эттирувчи ихтисослиги аниқланди.

4.2.5-жадвал


Жиззах минтақасининг туристик-рекреацион кластерида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари⁹⁶

Худуд номи	Туризм турлари	Туризм ихтисослиги
Жиззах шаҳри	-тарихий, маданий-мәтирифий; -бизнес-туризм; тиббий-	-межмонхона мажмусининг ривожланиши; -аквапарк ташкил этиш; -шаҳарнинг кўнгилочар марказини яратиш (дўконлар, боғлар, аттракционлар,

⁹⁶ Гадикотчининг изланишлари натижасидан ишлаб чиқилган.

	соғломлаштыриш; -спорт; -шоппинг туризм.	кинотеатрлар ва бошқалар билан); -болалар таълим марказларини яратиш; -Жиззах мінтақасы умумий фонини яратиш; -шаҳарнинг туристик соҳада ривожлантириши режасини ишлаб чиқиши.
Фориш	-спорт ва тиббий- соғломлаштыриш; -саргузаштли; -экологик; -сувли круиз	-спорт ўйинлари (миллий кураш ва кўпкари- улок) билан биргаликда намунавий туристик дестинация яратиш; -давлат аҳамиятидаги геонаркларни яратиш; -спа-курортларни яратиш; -экологик паркни яратиш; -Айдаркўлда круизни ривожлантириш.
Зомин	-спорт ва қишики спорт турлари; -экологик; -саргузаштли ва эксотик; -этнография; -сув спорти; маданий-маърифий; -алпинизм.	-мехмонхона мажмуасини яратиш; -төг-чангি трассаси билан экстрем марказ курилиши; -визит марказ, "Тоғ-ўрмон" экомажмуасини ва туристик марказни яратиш; -“Зомин сув омбори”да маҳаллий аҳамиятга яга рекреацион майдонда туристик манзилгоҳ куриш; -спорт ўйинларини (кўпкари-улок) ривожлантириши марказини барпо этиши.
Галлаорол	-тиббий- соғломлаштыриш; -маданий- маърифий; -агротуризм; -қишлоқ туризми.	-тиббий-соғломлаштыриш бўйича жадидланган сайёхлик объектилари куриш; “қашшоқда бир кун”- туристик марказини куриш; -кatta йўл ёқасида замонавий кемпинг куриш; -агротуризмнинг таъсисий марказини барпо этиши.
Бахмал	-алпинизм ва спортнинг бошқа турлари; -тиббий- соғломлаштыриш; -маданий- маърифий; -эксотик; -агротуризм.	-соғломлаштыриш ва спа-курортларни яратиш; -туар жой воситалари тармогини ривожлантириш; -кўшимча туристик инфраструктуранарни ривожлантириш

Ташкиллаштирилиши таклиф қилинаётган кластер туристик-рекреациои салоҳиятидан фойдаланиш уларинг рақобатбардошлигини ва бутун мавсум давомида дам олувчиларга туристик ва рекреацион хизматларни халқаро миқёсда тақдим этишини таъминлаш имконини беради. Бу борадаги таҳлиллар кўрсатишича, Жиззах шаҳрида (тариҳий, маданий-маърифий ва биенес-туризми), Фориш туманида (экологик, сафари, пляж, спорт ва тиббий-соғломлаштирувчи туризм), Зомин туманида (экологик, саргузашт ва экзотика, этнография, қишики спорт турлари, алпинизм, сув спорти туризми), Фаллаорол туманида (тиббий-соғломлаштириш, маданий-маърифий ва агротуризм), Бахмал туманида (алпинизм, спорт, саргузаштили ва агротуризм) турларидан йил давомида фойдаланиш имкониятини туғдиради.



4.2.3-расм. “Жиззах туристик-рекреациои кластери”нинг тавсия этилаётган тузилмаси⁹⁷

Тавсия этилаётган кластернинг муваффакиятли фаолият олиб боришида кластер фаолиятини муваффаклаштириш кенгаши асосий

⁹⁷ Муаллиф ишланмаси.

вазифани бажариши керак. Мувофиқлаштириш кенгаши қарори ва чиқарган хulosаси бошқарув компанияси ишининг самарадорлигини белгилайди. Шунинг учун энг катта босим мувофиқлаштириш кенгашига тушади.

Кластер таркибига киритилган корхоналарнинг уйгунашкан ҳолда фаолият юритиш натижасида кластердаги ички алоқалар мустаҳкамланади ва корхоналарнинг ривожланиши учун имкониятлар яратилиди. Бундан ташқари, кластерни ташкил қилишнинг яна бир устунлик томони ва жойлашувдаги имконияти минтақадан Тошкент-Термиз катта ўзбек авторассаси ва республикамизнинг Шарқи ва Фарбини боғлаб турган асосий темир йўли ўтади.

Умуман олганда, кластер минтақанинг ўз ракобатбардошлигини таъминлаш учун, яъни беш-ён йил ва ундан кўпроқ даврда корхоналарни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни яратиш учун ҳақиқий имкониятдир. Бу ерда муваффакиятта эришишнинг асосий омиллари бизнес раҳбарларининг фаол позицияси ва минтақадаги турли ташкилий гурухларнинг манбаатлари орасидаги ижобий ҳамкорликдир. Шундай экан, кластернинг муваффакият калити бўлиб тараққий этган ракобат, самарали бошқарувга йўналтирилганлик ва минтаقا маъмурияти томонидан кўрсатиладиган кўмак хисобланади.

УБОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙУНАЛИЩЛАРИ

5.1. Қишлоқ туризми инфратузилмасини шакллантиришда хориж тажрибасини кўллаш.

5.2. Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясининг туризмга таъсирини юмшатиш йўллари.

5.1. Қишлоқ туризми инфратузилмасини шакллантиришда хориж тажрибасини кўллаш

Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда улкан салоҳиятга эгалиги билан Марказий Осиёда алоҳида ўринга эгалиги борасидә олдинги параграфларда бир қатор фикрлар билдириб ўтдик. Мамлакатда 7,4 мингдан зиёд маданий мерос обьектлари бўлиб, улардан 209таси ЮНЕСКОнинг Бутунжоҳон мерос обьектлари рўйхатига киритилган. Бундан ташқари, республикадаги 2та миллий боғ, 8та давлат кўриқхонаси, 10бта музей ва сайёҳларни жалб қилиш мумкин бўлган кўплас бошқа обьектлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти қишлоқларимизда жойлашгандир. Узок йиллар мобайнида, бу салоҳиятдан тўлалигича фойдаланилмай келинмоқда.

Шу билан бирга туристлар ташрифи қишлоқларга етарлича амалга оширилмай қолмоқда. Буни етарлича ташкиллаштириш учун қишлоқ жойларимиздаги мавжуд туристик ресурслардан туризм фаолиятида кенг фойдаланган ҳолда туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда катта самаралар бериши исботсиз жараён. Мамлакатимизда 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” -деб эълон қилиниши ва 2018 йилда “Обод қишлоқ” дастурининг қабул қилиниши қишлоқ туризмини ривожлантиришда катта имкониятларни яратиб бермоқда.

Хозирги кунда хукуматимиз қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш ва бу омил орқали аҳолининг яшааш даражасини

яхшилашга катта эътибор бермоқда. Бу йўналишида қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш мухим аҳамиятта эга бўлиб, унинг салоҳиятли имкониятлари жудда каттадир.

Бу имкониятлар куйидагилардан иборат;

-қишлоқ жойларда жойлашиш, транспорт ва овқатланишнинг шаҳардагига нисбатан 2-3 маротаба арzonлиги;

-қишлоқ жойларининг об-ҳавоси экологик жиҳатдан тозалиги;

-экологик тоза озиқ-овқат турларининг мавжудлиги;

-халқимизнинг қадимий миллий меросининг сақланиб қолганлиги;

-жозибадор туристик ресурслар, миллий белгилар, хусусиятта бой бўлган хизмат турларининг кўшилги ва ранг-баранглиги ва бошқ.;

-миллий мерос маҳсулотлари ишлаб чиқишининг сақланиб қолганлиги (миллий ҳунармандчилик, устачилик маҳсулотлари ва бошқа...).

Иккинчидан, қишлоқларимизда туризмнинг куйидаги турларининг ресурслари ҳам мавжудлиги:

-тарихий – археологик туризм ресурслари – тарихий обидалар, тарихий жойлар, археологик ёдгорликлар, топилмалар;

-этнографик туризм ресурслари – анъанавий маҳаллий ҳаёт тарзи, миллий фольклор, урф-одатлар, маданият, турли маросимлар, миллий ўйинлар;

-қишлоқ ҳўжалик агротуризм ресурслари, қишлоқ боғлари, дехқончилик, маданий ландшафтлар ва қишлоқ ҳўжалик ишлари, полизчилик, қишлоқнинг ўзига хос кўриниши ва курилиши;

-диний-зиёрат туризми ресурслари муқаддас қадамжолар, азизавлиёларнинг қабрлари, шифобахш булоқлар, турли диний маросимлар;

-экологик туризм ресурслари қишлоқ жойларда ватанимизнинг барча табиий-географик минтақаларида (тоғ, тоғ олди, чўл, адир, сув ҳавзалари) жойлашганлиги;

-рекреация ва соғломлаштириш туризм ресурслари - пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар, минерал сувлар, бетакрор гўшалар, булоқлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, шаршаралар, дарё соҳиллари;

-қишлоқ фермерлари иш тартиби ва ҳаёт тарзи (қишлоқ ҳўжалиги хайвонларини сақлаш, ем-хашак тайёрлаш маҳсулотлар етиштириш ва сотиш).

Кишлоқ туризмини ташкил қилишда юкорида қайд қилинган туризм турларининг барча ресурслари мажмуали, бириншан ҳолда ишлайди ва ҳар қандай туристни күпроқ муддатларга ушлаб қолишига ҳаракат қилинади.

5.1.1-жадвал

Ўзбекистон қишлоқларининг туристик салоҳияти⁹⁸

№	Туризм турлари	Туристик ресурслар
1	Тарихий археологик туризм	Тарихий обидалар, археологик қазилмалар
2	Этнографик туризм	Анъанавий маҳаллий ҳәёт тарзи, миллий фолклор, ҳалк ўйинлари, хўжалик фаолияти усуллари, турли маросимлар
3	Кишлоқ хўжалик - агротуризм	Кишлоқ боғлари, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, қишлоқларнинг ўзига хос кўринишлари
4	Танишув турлари	Курслар ва семинарлар (музыка, касб-хунар, табиий соғломлаштириш манбаалари ва бошқалар)
5	Диний зиёрат туризми	Муқаддас қадамжолар, масжид ва бошқа зиёрат жойлари, турли диний маросимлар
6	Экологик туризм	Кишлоқларнинг табиий географик минтақаларда (тоғ, тоғ олди, адир, чўл, сув ҳавзалари ва бошқалар) жойлашганилиги
7	Соғломлаштириш туризми	Минерал сув манбаалари, пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, санаторийлар, курортлар
8	Рекреация туризми	Бетакрор жойлар, даралар, горлар, булоқлар, ўрмонлар, дарё бўйлари ва бошқалар
9	Спорт туризми	Алпинизм ва тоққа чиқиш, чанғи учиш трассалари, от спорти майдоналари, мотаспорт, велоспорт пойгалари ўтказили йўлаклари
10	Илмий туризм	Кўриқсоналар, маҳсус қўриқланадиган ҳудудлар, буюргмахоналар ва бошқалар

Республикамизда қишлоқ жойлардаги ресурслардан туристик мақсадларда фойдаланишни мажмуали ташкил қилиш қулайлигини

⁹⁸Муаллифнинг тадқиқотлари ва кузатишлари асосида жамланди.

хисобга олиб юқорида көлтирилған туризм турларини жамлаган ҳолда қишлоқ туризми деб атасак, бу туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш анча осон кечади.

Республикамизда қишлоқ туризмини ривожлантириш зарурлигининг энг асосий, долзарб яна бир масаласини – шаҳар аҳолисининг қишлоқларда дам олишини ташкил қилиш деб тушунмоғимиз лозим. Қайд килганимиздек, дунёда қишлоқ туризмини ривожлантириш орқали ички туризмни сўнгра халқаро туризмни ривожлантирган ва жаҳон туризмидаги “лидер” ўринларни эгаллаб келаётган АҚШ, Канада, Франция, Англия, Германия, Италия, Австралия ва Испания давлатлари жаҳон туризмидаги ҳозирги мавқеларига дастлаб қишлоқ туризмини ривожлантириш орқали эришдилар. Шу сабабли, Ғарбий Европанинг барча давлатлари қишлоқ туризмини жадал ривожлантиришмоқда. Шарқий Европа давлатлари кўп йиллар сабиқ советлар таъсирида бўлганлигидан қишлоқ туризмини ишлаб чиқиш дастурларини тузалмадилар.

Энди, тан олишимиз лозимки, қишлоқ туризмини ривожлантириш борасида республикамизда ҳали жиҳдий илмий тадқиқотларнинг бошланмаганлигини хисобга олиб, халқаро технологиялар ва дастурларни ўрганишимиз зарур бўлади.

Бунга асосан қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурига куйидагиларни киритиш лозим. Биз учун бу дастур анча муҳим бўлиши мумкин;

-қишлоқ туризмини ривожлантишининг хукукий ва меъёрий асосларини такомиллаштириш;

-салоҳиятли туристларга ва ривожланаётган тармоқларнинг ахборот бюроларига қишлоқ туризми ҳақидаги барча маълумотларни, ахборотларни белул етказиб бериш;

-дастурда қатнашувчи деҳқон хўжаликларини манзили бўйича молиявий қувватлаш;

-қишлоқ инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича мақсадли маблаглар ажратиш;

-қишлоқ туризми корхоналарини хусусийлаштиришда давлатнинг фоизли қатнашувини таъминлаш;

-қишлоқ жойларининг ҳолати маниторингини доимий ўтказиб бориш;

-фермерларни дотациялаш ва имтиёзли солиқлар белгилапда рағбатлантириш сиёсатини кўллаш;

-лоиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларни излаш.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда халқаро моделлар, тан олинган технологиялар ва стратегик режаларни кўллаш масаласини таҳлил қилганимизда шундай хуоса келиб чиқадики, ушбу моделлар, технологиялар ва стратегик режаларда бирон бир қойил қиласидиган ёки ҳайратта тушадиган томонлари йўқ. Бу технологиялар ва стратегик режаларда белгиланган жараёнлар ва воқеликлар, ташкилий жиҳатларни ҳеч қийналмасдан ташкил қилишимиз ҳам, бажаришимиз ҳам мумкин.

Бу соҳада энг муҳими ижтимоий - иқтисодий ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар яратадиган ушбу муҳим соҳани ташкил қилиш ва ривожлантириш режалари, дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошлишимиз керак.

Мамлакатимизда биринчи навбатда қишлоқ туризмини ривожлантиришда давлат дастури ишлаб чиқилиши талаб қилинади, иккинчи талаб эса стратегик режа яратишидир. Қишлоқ туризмини ривожлантириш режаси, давлат дастури, бошқарув таркиби, молиялаш тизими, қишлоқлардаги имкониятлар ва туристик ресурслар, қишлоқ аҳолисининг қишлоқларга туристларнинг ташрифи хақидаги муносабатлари, қишлоқ ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири, қишлоқ табиий ресурсларига таъсири ҳақида давлат оммавий иашрларида республикамизининг олимлари, мутахассислари, ижтимоий - иқтисодий соҳалар мутахассислари доимо илмий оммабоп мақолалар билан чиқишлари мақсадли бўлади.

Масалан, Францияда 1971 йилдан “Туризм ва қишлоқ жойлари” ассоциацияси, Англияда 2000 йилдан “Туризм ва қишлоқларни ривожлантириш” агентлиги, Австрияда 1991 йилдан “Австрия фермерлик туризми ассоциацияси” мувафақият билан ишлаб келмоқда. Бу ташкилотларнинг иш услубини ўрганганимизда улар биринчи навбатда “Туризмнинг қишлоқларга юриши” дастурини амалга оширганлар ва бу дастурни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқдалар.

Иккинчидан, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш масалалари, муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида осон ўқиладиган ва содда тушуниладиган ўкув-услубий қўлланмалар чоп этилиб қишлоқлар ахолисига бепул тарақатилиши кутиладиган иатижаларни беради.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш нақадар фойдалилиги ва ҳозирги эркин бозор ижтимоий-иктисодий ислоҳотларининг бажарилишида давлатимизнинг иқтисодий сиёсатига мос келиши кўйидаги таҳлиллардан ҳам тушуниб олиш мумкин. Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқларимиздаги мавжуд ишсизликни ечиш, камбагалликни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишини кўпайтириш ва сифатини ошириш, қишлоқларнинг иқтисодини кўтариш, савдони ташкил қилиш, миллий ишлаб чиқаришини ташкил этиш, халқаро ҳамдўстликни кучайтириш каби мухим масалаларда катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

Учинчидан, шаҳарларимизда яшаётган аҳолининг дам олишини ташкил қилиш, шаҳарликларни қишлоқлар билан боғлаш, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қишики мавсумга ғамлаб олиши шароитларини яратиш, айниқса шаҳарлик болаларнинг қишлоқларда ҳордик чиқаришини, табият бағрида бўлиб табиятни англашни, экологик онг, экологик маданиятни шакллантиришимиз табиятга меҳр уйғотишимиз осонлашади.

Тўргинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантиришда солик тушумларининг кўпайишини тъъминлаш ва ушбу маблаглар асосида қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, қаровсиз қолган жойларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Бешинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқ табиятини, тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, тъъмирлаш, мукаддас зиёратгоҳларни обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш, улардан халқимизнинг эркин фойдаланишини тъъминлаш масалалари ҳал бўлади.

Олтинчидан, ташриф буюраётган туристлар қишлоқларимизда сақланиб қолинган қадимий урф-одатларимиз ва мустақиллигимиз туфайли тобора сайқалланиб бораётган миллий меросимиз, миллий санъатимиз ва маданиятимиз билан яқиндан танишади.

Бу борада туризми ривожланган давлатларда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ўзига хос моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, улардан баъзи бирларини кўриб ўтамиз.

Қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича Германия моделининг асосий мақсади алоҳида федерал вилоятларнинг (ерлар) ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш, қишлоқ туризмининг спорт ва рекреацио-соғломлаштириш туризмлари билан яхлит инфратузилмага бирлаштиришdir.

Асосий вазифалар қилиб эса воқеалар, ҳодисалар базасида қишлоқ ва фермерлик туризмларини ривожлантириш белгиланган.

Амалга ошириш воситалари сифатида фермерлар ва уларнинг лойиҳаларини якка тартибда қўллаб-кувватлаш, туристик маҳсулотларни паст ривожланган вилоятларга йўналтиришdir.

Молиялаштириш манбалари фермерларнинг ўзи, хусусий инвесторлар ва давлат (кам миқдорда).

Қишлоқ туризми инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти ривожланган вилоятларга (федерал ерлар) қўшимча ихтисослик ва паст ривожланган вилоятларида аграр ихтисослаштириш алтернативасининг ишлаб чиқилишидир.

Буюк Британия моделида қишлоқ туризмини ривожлантиришининг асослари бўлиб, келгусида қишлоқ хўжалик ерларининг олиб қўйилиши хавфини камайтириш ва қишлоқ жойларда қадим маданиятни сақлаб қолиши.

Асосий вазифалари фермерлик туризмини ривожлантириш ва қишлоқ туризмини ривожлантиришда иотекисликни йўқотишdir.

Амалга ошириш воситалари сифатида қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурини кредитлаш, дотациялаш, туристик ташкилотларнинг фермерлар манбаатини химоя қилиш.

Молиялаштириш манбалари бўлиб, давлат ва хусусий инвесторлар белгилангандир.

Қишлоқ туризми инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти аграр ихтисослаштиришнинг алтернатив йўналишини ишлаб чиқишидир.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришининг Франция моделининг мақсади бўлиб, фойдаланишга ноқулай (узумзорлар, полиз экинлари майдонини ташкил қилиш) ва кам маҳсулдор ерларни

ўзлаштириш, спорт ва даволаш туризмлари билан яхлиг инфратузилмани яратиш.

Асосий вазифалари бўлиб, қишлоқ туризмини ривожлантириш даражаларида худудий фарқларни йўқотиш, гастроономия ва виночилик туризмларини ривожлантиришдир.

Амалга ошириш воситалари сифатида шимолий-ғарбий департаментлар туристик маҳсулотларини ҳаракатга келтириш, фермерлар ва уларнинг лойиҳаларини якка тартибда кўллаб-куватлаш.

Молиялаштириш манбалари бўлиб, давлат ва хусусий инвесторларга таянилади.

Қишлоқ туризми инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти агарар ихтисослаштиришнинг алтернатив йўналишини ишлаб чиқишидир.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Италия моделининг асосий мақсади жанубдаги агарар худудларнинг депрессив ҳолатидан чиқариш ва қишлоқ туризмининг чўмилиш-пляж, спорт ва даволаниш туризмлари билан ягона инфратузилмани барпо этишдир.

Асосий вазифалари бўлиб, фермерлик ва гастрономия туризмларини ривожлантиришдан иборат.

Амалга ошириш воситалари сифатида коттежлар қурилиши ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш ва қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинцияларга йўналтириш.

Молиялаштириш манбаалари бўлиб, давлат ва хусусий инвесторлар ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ туризмининг аҳамияти агарар ихтисослаштиришнинг алтернативаси бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Испания моделининг олдига кўйган мақсади жанубдаги агарар худудларнинг ривожидаги қалоқликни бартараф этиш ва қишлоқ туризмининг чўмилиш-пляж, спорт ва даволаниш туризмлари билан бирга ташкил этиш имкониятларини оширишдир.

Асосий вазифалар сифатида болалар лагери, оромгохлар тармоқларини ривожлантириш, қадимий тош қальалар базасида меҳмонхоналар тизимини яратиш, гастрономия туризмини ривожлантириш белгиланганди.

Амалга ошириш воситалари сифатида коттежлар ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш, қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинцияларга йўналтириш.

Молиялаштириш манбалари сифатида давлат ва хусусий инвесторлар белгиланган.

Кишлоқ туризми инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти аграр ихтисослаштиришнинг алтернатив йўналишини ишлаб чиқишидир.

Кишлоқ туризмини ривожлантиришда Австрия моделининг асосий мақсади қишлоқ туризмининг спорт, даволаниш туризмлари билан чамбарчас ривожлантиришdir.

Асосий вазифалар қилиб, фермерлар туризмини ривожлантириш, қишлоқ ахолиси ва фермерлар даромадини оширишидир.

Амалга ошириш воситалари сифатида қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича ихтисослашган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва соликлар қарздорлигини пасайтириш.

Молиялаштириш манбалари бўлиб, фермерларнинг ўзлари ва хусусий инвесторлар белгиланган.

Кишлоқ туризми инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти аграр ҳудудларни кўшимча йўналишларга ихтисослаштиришdir.

Кишлоқ туризмини ривожлантиришдаги моделиларни ўрганишца яна бир диққатимизни қаратишимиш лозим бўлган томони, биз билан деярли бир вақтда социализм лагеридаи чиқсан Польша ва Руминия моделинин ҳам кўриб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламиш. Сабаби бу давлатлар ўтган асрнинг охиirlарида биз билан бир хил кўринишдаги инфратузилмага эга бўлган.

Польша ва Руминия моделининг асосий мақсади аграр ҳудудларнинг депрессив ҳолатидан чиқариш, қишлоқ жойлардаги бой рекреация ва экологик туризм ресурсларининг салоҳиятидан унумли фойдаланишдан иборат.

Асосий вазифалари қилиб, жойлаштириш воситаларини такомиллаштириш, қишлоқ жойларда инфратузилмаларни ривожлантириш, дехқоннинг тадбиркорлик маданиятини ошириш, қишлоқ туристик маҳсулотларини ҳаракатлантириш белгилаб берилган.

Амалга ошириш воситалари сифатида қишлоқ туризмини ривожлантирувчи дәхқон хұжалигини кредитлаш, дәхқонларни Европа стандартлари бүйіча хизмат күрсатып үкіттіп ва қишлоқ жойларда транспорт тармоқларини яхшилаш.

Молиялаштириш манбалари сифатида бошланишида асосан давлат маблагғарини йұналтириш ва секин-аста кейинчалик хусусий секторни (инвесторлар) жалб қилишдір.

Қишлоқ туризми инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти аграр ихтисослаштиришнинг алтернативасини ишлаб чиқыши.

Қайд қилингандай моделларнинг мазмунига зерттебор берадиган бўлсак, Европа давлатларининг қишлоқ туризмини ривожлантиришда ятона дастурга, ўзаро ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш дастурига эга эканлыгини күрамиз. Бу моделларнинг энг муҳими шундаки, Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоққи ижтимоий-иктисодий ҳолатини күтаришнинг давлат дастурларини тузишган.

Энди, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда халқаро моделларни қўллашга келсак вилюятдаги қишлоқларимизнинг туристик ресурслар имкониятларини ҳисобга олиб, бир қанча моделларни жорий қўлсак бўлади. Фикримизча, халқаро моделлар ҳам яратилиш жараёнида ана шу усулага асосланган.

Биз қишлоқларимизда юкорида қайд қилингандай моделлардан ҳам мукаммалроқ моделларни ишлаб чиқишимиз имкониятларидан фойдаланишимиз керак.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда биринчи навбатдаги вазифалар албатта жойлаштириш воситалари инфратузилмасини яратиш ҳисобланади. Лекин қишлоқларда қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги дастлабки тадбиркорликда бу масалани тезда ҳал қиласа бўлади. Қишлоқ туризмини ривожлантирган Европа давлатлари дастлабки вақтда (Буюк Британия) ҳам туристларни жойлаштиришда ижара усулини таклиф қилган.

Тадбиркорлик кучайғандан кейин алоҳида-алоҳида уйлар, коттежлар куриш рақобат иатижасида бошланиб кетади. Лекин қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги дастлабки тадбирлар қишлоқ жойлардаги энг жозибали ва қизықарли туристик маршрутлар ишлаб чиқишидан бошланмоғи керак.

Қайд қилганимиздек, күплаб туризм турлари турмаршрутлар ишлаб чиқиши мавзулари бир хил бўлганлигидан уларнинг кенг қамровли фаолияти анча чегараланган бир ёки икки мавзуда бўлади. Қишлоқ туризмининг маршрутлари турли мавзуларда эканлиги ва туристик обьектларнинг хилма-хиллиги, жозибадорлиги учун ҳам жуда қизиқарлидир. Биргина қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзини ўрганиш ёки томоша қилиш бўйича куидаги туристик маршрутларни ишлаб чиқиши мумкин:

1. Қишлоқ билан танишув маршрути (аҳолиси, тили, ҳудудлари, табиати, дехқончилиги, чорвачилиги, асосий ишлаб чиқарип маҳсулотлари, келиб чиқиши ва бошқалар);

2. Қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзи (урф-одатлари, байрамлари, маросимлари, уй-рўзгор тутишлари, уй жиҳозлари, меҳмои кутиш, оиласадаги муносабатлар, тўйлар, миллий таомлар тайёрлаш усуллари, дам олиши ва бошқалар)

Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг яна бир имкониятлари шундан иборатки, қишлоқларимизда турли мавзуларда экскурсияларни ташкил қилишдир. Қишлоқларда экскурсияларнинг қизиқарлилиги шундаки, экскурсиялар бир обьектдан бутунлай бошқа мавзудаги обьектга йўл-йўлакай ўтилади. Агар қишлоқларда туристларга хизматлар кўрсатишни кунлик экскурсиялар асосида ташкил килсақ, туристларга анча қулийликлар яратилиши мумкин. Чунки, қишлоқларда узок масофали туристик маршрутлар қишлоқдаги дастлабки тунаш жойларига қайтиб келишида анча толиқтириб қўяди.

Иккинчидан, қишлоқ туризмida туристик маршрут ёки туристик экскурсия ишлаб чиқилганда ва амалда ўтказилганда тушки овқатланиш хизматларини албатта далада ташкил қилиш керак. Чунки, дала шароитида чой қайнатиш, овқат тайёрлаш туристлар учун ҳаддан ташқари ва таассуротли бўлиши табиийдир.

Қишлоқ туризмida туристик маршрутлар ишлаб чиқилганда бир қишлоқдан иккинчи қишлоқка ўтишда йўлларда учрагаи, далаларда ишлаётган ёки чорва молларини боқаётганлар билан туристларни учраштириш дастурлари, улар билан сұхбатлаштириш дастурлари албатта туристик бўлишини таъминлайди. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда туристик маршрутларни реклама қилиш ушбу туризм турини ривожлантиришнинг асосий

омилларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ туризми маршрутлари реклама қилингандан бошка туризм рекламаларидан мазмунни ва тузилиши бүйича ўзига хос усуллар ва ёндашишлар кўлланилади.

Масалан, бу рекламаларда дастлаб қишлоқнинг манзили ва қишлоқ атрофидаги туристик ресурслар, инфратузилмалар ва туристик хизматлар қисқача изохлар, роликлар билан ифодаланади. Қишлоқ туризмининг рекламаси куйидагича бўлиши мумкин: қишлоқнинг манзили, қишлоқ ва унинг атрофларидағи туристик ресурсларнинг ҳолати, қишлоқдаги туристик инфратузилмалар ҳақидаги маълумотлар, транспорт хизматлари, жойлаштириш ҳамда овқатлантириш хизматлари, ГИД экскурсия хизматлари, кўнгилочар ўйинлар хизматлари ва бошқалар.

Бундай рекламаларнинг тўлиқ ахборотли бўлиши туристларнинг қишлоққа эркин етиб боришини таъминлайди.

Демак, юқоридаги таҳлиллар ва халқаро тажрибалардан келиб чиқсан холда мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда биринчи навбатда Туризм кўмитаси таркибида “Қишлоқ туризмини ривожлантириш” бўлимини ташкил қилишимиз зарур. Бу бўлим қишлоқ туризмини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириши мақсадли йўналиш бўлади:

- қишлоқлардаги туристик ресурсларнинг рўйхатини олиш, улардан ички ва халқаро туризмда фойдаланиш даражалари, тавсифларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ туризмida атроф-муҳитни муҳофаза қилишда экологик туризмни ривожлантириш дастурларини яратиш;

- қишлоқларда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг сифатини кўтариш ва истеъмолчини таклиф қилиш;

- қишлоқ туризмida маркетингни ташкил қилиш, тараб-таклиф истеъмолчи тизимидағи ишларнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қишлоқ туризмининг инфратузилмаларини яратиш усулларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ туризми инфратузилмаларини яратиш.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини ишлаб чиқиш ҳозирча анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, қайд қилганимиздек, бу соҳада кенг кўламли

тадқиқотлар бошланганича йўқ. Лекин Президентимиз ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ватанимизда туризмни ривожлантириш тўғрисидаги фармонлари ва қарорлари асосида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини дастлаб лойиха варианtlарда ишлаб чиқиши бошлашимиз лозим бўлади.

5.2. Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясининг туризмга таъсирини юмшатиш йўллари

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионтага қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Маълумки, 2020 йил 16 марта мamlакатимиз ташки ва ички туристлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортиқ туролператор, 1,2 мингта мәхмонхона ўз фаолиятини тўхтатди.

Бу – гидлар, миллӣ ҳунармандчилик, зиёраттоҳ ва сиҳатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан кўшиб ҳисоблагандა 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди.

Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида бу соҳага ҳам қатор енгилликлар берилди. Жумладан, 1750 та субъектга молмулк, ер ва ижтимоий солиқлардан 60 миллиард сўмга яқин имтиёз тақдим этилди. Лекин бу имтиёз ва преференциялар вактингчалик. Доимий барқарор ривожланиш учун эса пандемия шароитида ишлашга ўрганиш зарур.

Шу боис бу борадаги хорижий тажриба ўрганилди. Хусусан, “Uzbekistan. Safe travel guaranteed” (“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган”) бренди остида туристлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ишлаб чиқилди.

2020 йил 27 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ушбу лойиха тақдимот қилинди. Шунингдек, давлат раҳбари мамлакатда ички туризмни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги режалар билан танишди.

Президент биринчи босқичда “яшил” ҳудудлар ўргасида ички туризмга рухсат бериш зарурлигини таъкидлади.

Тоғли жойлар ва күл бўйларида енгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳокимлар билан биргаликда кўчма дам силиш масканлари дислокацияси тасдиқланиб, электрон порталга жойлантирилди.

Иккинчи босқичда коронавирус қасаллиги жиловланган давлатлар рўйхатини шакллантириб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди.

Шу билан биргаликда Президентимиз “Туризм фаолиятини қайта тиклаш учун, энг аввало, меҳмонхоналар қандай ишлайди, туристлар аэропортда қандай қабул қилинади, уларнинг мамлакат ичида ҳаракатланиши қандай ташкил этилади, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак”, -деб тушунтириди. Бундан ташқари – “Белгиланадиган меъёрлар содда, лекин қасалликнинг олдини олиш учун етарли бўлиши лозим. Мисол учун, битта ҳолат аниқланса, бутун меҳмонхонани карантинга олишга зарурат бўлмайдиган тизим ишлаб чиқиш зарур” лигини таъкидлаб, бу борада амалга оширилиши керак бўладиган чора-тадбирлар бўйича кўрсатмаларни берди⁹⁹.

Туризм йўналишинида тадбиркорлар кўрган заарни яқин 1-2 йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис Президентимиз бу соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш лозимлигини таъкидлadi.

Хусусан, туристик йигимлардан озод қилиш бўйича аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтириладиган бўлди.

Шунингдек, соҳа корхоналари фойда солигини ҳисоблашда 2020-2021 йилдаги кўрган заарларини кейинги йиллар фойдасидан чегириб ташлашга рухсат берилади.

Меҳмонхоналарга кўрсатган хизматининг 10 фоизи микдорида субсидия ажратилади.

Бундан ташқари, уларга айланма маблағ учун кредит фоиз тўловларининг 10 фоизигача бўлган қисмига субсидия берилади.

Юқоридагилардан хulosा қилиб, бу борада чукурроқ тадқиқот олиб бориш учун нималарга эътибор бериш кераклиги бўйича савол пайдо бўлади. Ҳозирги кунда жаҳон туризми, шу сингари республикамиз туризми ҳам COVID-19 пандемияси туфайли жуда

⁹⁹ [www.kun.uz](http://kun.uz). Туризмни тиклаш: 1-босқичда «яшиш» худудлараро ички туризмга рухсат берилади. 27.05. 2020 йил.

кагта муаммога дуч келди. Бу муаммонинг имкон қадар туризмга таъсирини камайтириш ва камроқ зарар кўриш бўйича ишларни амалга ошириши борасида жаҳоннинг етакчи экспертлари томонидан турли хил фикрлар билдирилмоқда. Биз ҳам республикамиизда коронавирус пандемиясининг туризмга таъсири, ҳусусий сектордаги вазият, онлайн туризм, соҳадаги ишсизликка барҳам бериш учун инновацион ечимлар, авиация бозоридаги ҳолат каби қатор муаммолар бўйича тадқиқотларни олиб боришимиз натижасида қуйидаги хуносаларга келдик.

Тадқиқотлар кўрсатишича, жаҳон туризми пандемия бошланган кундан энг кўп зарар кўрадиган соҳалардан бири эканлиги яққол кўриниб қолди. Сабаби, туризм инфратузилмаси 50дан ортиқ тармоқлар (транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги) билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу тармоқларсиз саёҳатни амалга ошириб бўлмайди.

Жаҳон туризми охирги 10-12 йил давомида (2008 йилги инқизордан қейин) барқарор ривожланиш тенденциясига эришиб келаётган эди. Туризм бугунги кунда жаҳондаги умумий экспортнинг 7%ни, хизматлар экспортининг 29%ни, ҳар ўнинчи ишчи ўрнини ташкил қилувчи йирик тармоқдир.

Жаҳон туризм ташкилотининг (UNWTO) дастлабки тезкор ҳисоботига кўра, дунё туризми пандемия туфайли 2020 йилда 1 трли. АҚШ долларидан ортиқ зарар кўриши айтилмоқда¹⁰⁰.

COVID-19 пандемияси бошлангунча туризм соҳасида 100 миллиондан ортиқ ахоли банд бўлиб, уларнинг аксар қисми (75 миллионга яқин) ҳозир ишсиз қолмоқда. Жаҳон туризми пандемиядан олдинги кўрсаткичга қачон чиқиб олишнинг энг қисқа мuddати 1-1,5 йил деб белгиланмоқда. Бу муддатнинг аниқ вақти вакцинанинг яратилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Вакцина яратилмагунча инсонлар саёҳат қилишдан воз кечишиади.

Жаҳон туризми қайта ўзини тиклаб олиши учун қисқа вақтнинг кетишига (1-1,5 йил) сабаб бўлувчи омиллардан бири, унинг асосан мустақил бизнес эгаларидан (ҳусусий сектор) ташкил топганидир.

¹⁰⁰World Influencers Network (Халқаро инфлюенсерлар тармоғи) асосчиси Бехруз Ҳамзаевнинг kun.uz мухбирига берган интервюсидан. 08.05.2020 йил.

Мехмонхоналар, туристик компаниялар, овқатлантириш корхоналари ва авиақатновлар тизимлари шулар жумласидандир. Туризмнинг жадал суръатларда ривожланишида транспорт хизматларининг, шу жумладан, авиачипталарнинг арzonлиги мухим роль ййнаган. Авиақатновлар туризмни юргизувчи асосий двигателдир. Шу сабабли ривожланган давлатларда (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Туркия, БАА) авиацияга ёрдам бериш орқали туризмни кутқаришга уриншлар кузатилмоқда. Агар ҳукуматлар ўз вақтида авиакомпанияларга ёрдам бермаса, мавжуд авиакомпанияларнинг 50 % ини банкротликка учраши мумкин.

Шу билан бирга ҳукумат ёрдамига муҳтоҷ бўлган, меҳмонхон индустриси ҳам банкротлик ёқасида турибди. Ривожланган давлатларда "Bailout" тизими йўлга кўйилган бўлиб, тизим орқали маълум соҳаларда инқироздан чиқиб кетиши учун ҳукумат томонидан молиявий ёрдам берилади. Масалаң, солиқ имтиёзлари, ходимларга вақтинча ойлик тўлаш кабилардир. Ўзбекистон туризмидаги кўпчилик ишчи ходимлар мавсумий фаолият олиб боради. Биргина ГИД-экскурсоводларни оладиган бўлсак, уларнинг аксарияти ишсиз қолди. Бошқа туризми ривожланган давлатларда ҳам худди шундай вазият кузатилмоқда. Лекин, бизда бу вазият қийинроқ кечмоқда, чунки республикамиз туризмидаги мавсумлар ўргасида фарқ катталигини олдинги параграфларда таҳлил қилиб ўтган эдик. Бизда ГИД-экскурсоводларга эҳтиёж асосан баҳор ва кузда ортиб кетади. Бундай вазиятда тажрибали ГИД-экскурсоводларни йўқотишимишининг (ГИДлар ўз касбидан воз кечиши мумкин) эҳтимоли катта.

COVID-19 пандемияси бошланган биринчи кунлардан энг катта зарар кўришни бошлаган умумий овқатлантириш (кафе, ресторон, барлар) корхоналари ҳам ўз фаолиятини тиклаш учун маълум вақтни ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз туризми структурасини тубдан ўзгартириш ва зудлик билан мавжуд шароитга мослаштириш лозим. Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси пандемия шароитида тезкор қарорлар қабул қилиши ва масъуль ташкилот сифатида янги қоидалар бўйича иш олиб бориши керак. Пандемиядан сўнг жаҳон туризми бутунлай бошқача шаклда кайта тикланиши кутилмоқда. Туризмга рақобатнинг кутилмаган

кўринишлари кириб келиши, олинги иш услубини ўзгартиришни талаб этади.

Ўзбекистонга 2020 йилнинг биринчи чорагида (январь-март ойлари) туризм мақсадида ташриф буюрган хорижий фуқаролар сони 1,2 миллион кишини ташкил қилди. Мазкур кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврига иисбатан 12,0%га камайган¹⁰¹. Тахлилларга кўра ташриф буюрган сайёхларнинг 87,9%и қариндош-уругларини зиёрат қилишга, 9,3%и саёҳатта, 1,2%и даволаниш ва соғлигини тиклаш учун, 0,7%и иш юзасидан, 0,6%и хизмат сафари билан, 0,3%и ўқиш бўйича келганлигини кўрсатади.

Ташриф буюрганларнинг МДҲ мамлакатларидан келганлар сони 1,16 миллион кишини (95,6 фоиз), узоқ хорижий давлатлардан келганлар эса 53,6 минг кишини (4,4 фоиз) ташкил қилган.

Мамлакатимизга келган хорижий фуқароларнинг энг кўп кўшни Қозоғистон Республикасидан ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони 397,6 минг кишини ташкил қилган. Шунингдек, Тожикистон Республикасидан 332,7 минг киши, Қирғизистондан 298,1 минг киши, Россиядан 64,7 минг киши, Туркманистондан 60,6 минг киши, Озарбайжондан 2,0 минг киши ва Беларусдан 1,2 минг киши келган.

Узоқ хориждан келган оқимнинг асосий қисми Туркиядан 13,5 минг, Жанубий Кореядан 5,2 минг, Хитойдан 3,7 минг, Хиндистондан 3,6 минг, Япониядан 1,3 минг киши ва Франциядан 0,9 минг кишини ташкил қилган.

Ташриф буюрган хорижий фуқароларнинг асосий таркибий қисмини 31-55 ёшдагилар ташкил қилган бўлиб, уларнинг умумийдаги улуши 53,1%га етган. Шунингдек, 19-30 ёшдагилар 19,5%ни, 56 ёш ва ундан катталар 19,4%ни, 0-18 ёш оралигидагилар 8%ни ташкил қилган.

Юқоридаги маълумотларнинг кўрсатишича, COVID-19 пандемияси туфайли Ўзбекистонга энг кўп келувчи хорижий сайёхларнинг асосий икки тоифаси оқими кескин камаяди.

Шу пайтгача Ўзбекистонга келадиган сайёхларнинг катта қисми 45-75 ёшдагилар эди ва уларнинг коронавирусга чалиниш эҳтимоли юқори. Ундан ташқари, бундай тоифадаги сайёҳлар аксар холларда Ўзбекистонга якка эмас, гуруҳ бўлиб саёҳат қиласади.

¹⁰¹ www.stat.uz

Пандемия туфайли яқин истиқболда эса туристларга гурух бўлиб тўпланиш тавсия этилмайди. Кузатишлар орқали хулоса қилинадиган бўлса, энг яхши туристлар қариялар ҳисобланади. Чунки улар гурух бўлиб сайд қиласди ва ёшларга нисбатан кўпроқ харажат қиласди.

Ўзбекистонга энг кўп келадиган сайдхларнинг иккинчи тоифаси беклекерлар, яъни ёш сайдхлар ҳисобланади. Бу тоифа сайдхлар жуда кам харажат қиласди, харажатларини тийинтийинигача ҳисоб-китоб қиласди.

Пандемиядан кейин саёҳат қилиш нархи қимматлашиши тахмин қилинмоқда, натижада бу тоифа сайдхларнинг ташрифи ҳам кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Чунки, олдинлари Ўзбекистонда 1 хафта саёҳат қилиш ўргача 2000 АҚШ доллари бўлган бўлса, энди у икки бараварга ошиб кетиши мумкин. Масалан, ижтимоий масофа талабларига риоя қилган ҳолда самолётларда З кишилик жойда 1 киши жойлашади ва чипга нархи ҳам ошиб кетади. Келаси 1-1,5 йил ичидаги самолёт орқали (узоқ масофадаги туристик сафарга чиқадиганлар) учадиганларнинг катта кисмини фақат бой сайдхлар ташкил қиласди.

Бу каби кутилмаган вазиятларда туризм ривожланишини кўллаб-куватлашнинг бир қатор вариантилари бўлиб, улардан бири ички туризмни кенг тарғиб қилишдир. Шу билан бирга бизиес саёҳатлари ҳам тезда ўнгланади, чунки республикамиз иқтисодиётiga кўплаб хорижий ривожланган мамлакатлар инвестициялари жалб қилинмоқда.

Хорижий мамлакатлар ўзларининг чегараларини ёпиб кўйганлигидан самарали фойдаланган ҳолда, ички туризмни фаоллаштириш сиёсатини олиб бориш лозим. Пандемия ҳолати юмашни билан мамлакатимиздаги 34 миллиондан ортиқ аҳолига ички туристик йўналишлар бўйича хизматларни фаоллаштириш ва шу орқали вактдан унумли фойдаланган ҳолда ички туризм инфратузилмасини яхшилаб олиши имкониятини яратиш керак.

Бу борада Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси асосий вазифаларни ўз зиммасига олиши лозим. Туристик компаниялар, меҳмонхоналар, кафе, ресторонлар ёпилиб қолмаслиги, туризм мутахассислари бошқа ишга ўтиб кетмаслиги учун имкон

даражасида уларга ички туризмни кўллаоб-кувватлаш орқали шароит яратиб бериш йўлларини излаш керак бўлади.

Масалан, ички туризмга сайёхларни жалб қилиш учун экологик туризмни ёки қишлоқ туризмини кенг тарғиб қилишса бўлади. Пандемиядан кейин кўпчилик туристлар жуда эҳтиёткор бўлиб қолиши табиий. Сайёхлар гавжум жойлардан қочишга ҳаракат қиласи. Катта шаҳарларимиздаги тарихий-маданий обидаларга ёки зиёрат туризмига оммавий саёҳатлардан туристлар маълум ваqt фойдаланмайди. Шундай вазиятда экотуризм ва қишлоқ туризми имкониятларидан фойдаланиш вазиятдан чиқишига ёрдам беради. Табиат қўйнига саёҳат қилаётган туристларда, ижтимоий масофани сақлашга ҳожат қолмайди. Қишлоқларда одамлар шаҳарларга нисбатан кам бўлади. Мехмонхоналарда, овқатланиш шаҳобчаларида, транспортда одамларнинг тирбандлиги кузатилмайди. Ўзбекистонда ички саёҳатни амалга ошириш имкониятлари ва қишлоқларда сайёхларга кўрсатишига арзидиган табиат манзаралари жуда кўп, лекин кўпчилик ватандошларимиз бу ҳақда маълумотларга эга эмас. Шунинг учун ички туризм инфратузилмасини яратиш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Пандемиядан кейинги вақтда туризмни тезда оёққа турғазиб олишнинг яна бир варианти туризмни диверсификациялаш лозим. Ўзбекистонга асосан узоқ хорижлик сайёхлар ҳаво йўллари орқали кириб келади. Бизда чипта иархи халқаро даражага қараганда нисбатан қўммат бўлғанлиги сабабли ўргача маблагта эга бўлган туристлар сони кескин камаяди. Шунинг учун Ўзбекистонни бой сайёхлар келадиган туристик манзилга (luxury destination) айлантиришимиз керак. 200 минг шундай тоифадаги сайёхлар 1,0 миллион ўргача маблаг сарфлайдиган сайёхлар ўрнини босиши мумкин. Буни амалга ошириш катта маблагни талаб қилмайди. Мамлакатимиздаги меҳмонхоналарда, ресторанларда хизмат сифатини оширишимиз лозим. Анъанавий туристик марказларимиз бўлган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хиваги меҳмонхоналарни модернизация қилиш эмас, балки туристик ресурсларга бой бўлган Қашқадарё, Сурхондарё, Жizzах ва Фарғона водийсида кичик шинам 4-5 юлдузли меҳмонхоналарни қуришни рағбатлантиришимиз керак. Бой туристлар асосан гавжум жойларии эмас,

аксинча сокин жойларни ёқтиради ва сарфлаёттган пулига яраша хизматлар кўрсатилишини талаб қиласди. Бунда 4-5 юлдузли меҳмонхоналар кўп хонали бўлиши шарт эмас, у кичкина шинам, лекин хизматлари сифати юкори бўлишига эришиш лозим.

Пандемия шароитида вазиятни ўнглаш учун ҳаво транспортигида қандай ишларни амалга оширишимиз лозим. Бу борада ҳали бир аниқ йўналишни белгилаб олганимиз йўқ. Лекин ҳалқаро тажрибада бу борада бир қатор дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, БААнинг “Emirates airlines” авиакомпанияси йўловчиларни самолётга чиқаришдан олдин натижаси 15 дақиқада чиқадиган коронавирусни аниқловчи тестни кўлламоқда. Бир қатор давлатлар туристлардан тест топширгани тўғрисида маълумотнома орқали қабул қилишни жорий этиш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

Шу тажрибани ўзимизда амалда кўллаш ҳар бир сайёхда ишонч ҳиссини уйғотишга ёрдам беради. Самолёт ўринидиклари химоя қобиқлари билан ўралса, ходимлар санитария қондаларига амал қиласа, ишончим комилки, кўп сайёхлар Ўзбекистонга келишига эришамиз.

COVID-19 пандемияси шароитида Ўзбекистонда меҳмонхоналар фаолиятини йўлга кўйиш учун республика маҳсус комиссиясининг қарори билан меҳмонхоналар учун ўз хизматларини ташкил этишда пандемия шароитидан келиб чиқувчи кўшимча талаблар белгиланди.

Унга кўра, меҳмонхоналарда қабулхона, кутиш заллари, йўлаклар, зиналар, лифт, санитар-гигиеник нуқталари ҳар 8 соатда ҳамда умумий фойдаланишдаги буюмлар (Эшик тутқичи, лифт тугмалари, кутиш залидаги стол, рўйхатта олиш жойи стойкаси ва ундаги ручкалар) ҳар 2 соатда камида 1 маротаба дезинфекция килиниши;

-умумий фойдаланишдаги обьектлар (лифт, санитария-гигиена нуқталари, валюта айрибошлиш шаҳобчалари, овқатланиш жойлари ва бошқалар) антисептик воситалари билан узлуксиз таъминлаши ҳамда кўлни даврий тозалаб туриш бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилган огохлантирувчи ёзувлар бўлиши;

-бинонинг кириш қисмida ташриф буюрувчиларнинг тана ҳароратини доимий ўлчашни ва дезинфекциялашни йўлга

кўйилиши; ходимлар ва мижозларнинг соиидан келиб чиқиб шахсий ҳимоя воситаларининг (ниқоб, кўлқоп, антисептик восита ва бошқалар) камида беш кунлик захираси шакллантирилиши ва доимий мавжуд бўлиши; меҳмонхонанинг бандлик даражаси 50 фоиздан ошган тақдирда тиббиёт ходимиининг доимий фаолияти таъминланиши; меҳмонларни номерларга жойлаштиришда оиласвий меҳмонлар сони 3 нафардан, бошқа меҳмонлар сони 2 нафардан ошмаслиги лозимлиги белгиланди. Мазкур талаблар номерлари сони 10тадан кўп бўлган меҳмонхоналарга нисбатан татбиқ этилади.

Коронавирус пандемияси даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахслар, ахолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куvvatlash максадида уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи 5969-сонли ва 2020 йил 3 апрелдаги 5978-сонли Фармонлари билан катор имтиёз ҳамда преференциялар тақдим қилинди.

Мазкур амалий ишларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 27 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида ахоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куvvatlash бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5986-сонли Фармони қабул қилинди¹⁰².

Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча бир катор енгилликлар берилди. Жумладан, 2020 йилнинг 1 апрелидан 2020 йилнинг 1 октябрига қадар жисмоний шахсларга турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотуар жойларни ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар бўйича соликни фоизсиз кечикириб тўлаш хукуки берилди. Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлаш бўйича берилган кечикириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар муддаттacha тенг улушларда тўланиши белгиланди. Шу билан бирга, Фармонда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куvvatlashди. Давлат жамгармаси томонидан компенсация қилиш тартиби тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кредит

¹⁰² www.uzbektourism.uz

шартномаларига ҳам татбиқ қилиниши кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги 5978-сон Фармонининг б-бандида изазарда тутилган соддалаштирилган тартибда соликларни тўлаш бўйича фоизсиз кечикириб бериш муддати 2020 йил 31 декабргача узайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги 5986-сон Фармонида белгиланган имтиёз ва енгилликлардан бевосита туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ҳам фойдаланиш хукуқига эга.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO)нинг COVID-19 сабаб саёҳатларга чекловларнинг глобал шархи оралиқ ҳисботига кўра, ҳозирги вақтда дунёнинг 96 фоиз мамлакатида саёҳатларга чекловлар жорий килинган. 2020 йилнинг январь ойи охиридан 6 априлига қадар 209 мамлакатда коронавирус билан боғлиқ вазият сабаб саёҳатларни чекловчи чоралар қабул қилинди:

- 90 мамлакат тўлиқ ёки қисман ўз чегараларини ёпди;
- 44 давлат ХХР, Корея Республикаси, Эрон, Европа Иттифоқ мамлакатлари сайёҳлари учун чегараларни ёпди;
- 56 мамлакат тўлиқ ёки қисман ҳалқаро рейсларни тўхтатди;
- 19 мамлакат турли чеклов чораларини қўлламоқда:
 - a) мамлакатга киргандан сўнг 14 кун давомида зудлик билан ўз-ўзини яқалаш ёки карантин режимига ўтиш талаби;
 - b) мамлакат ҳудудига киргандан кейин визанинг бекор қилиниши ёки виза беришни тўхтатиши;
 - c) маълум жойлардан келаётган йўловчиларнинг саёҳатига тақиқлов;
- d) COVID-19 аниқланмаган, чегарадан ўтаётган йўловчилардан тиббий маълумотноманинг бўлишини талаб қилиш.

Минтақавий миқёсда оладиган бўлсак, Африка, Осиё ва Тинч океани, шунингдек Яқин Шарқдаги барча мамлакатлар саёҳатларга чекловлар киритди, Европа минтақасида - 93 фоиз мамлакатда ва Америка қитъасида – 92 фоиз мамлакатларда саёҳатларга чекловлар жорий қилинди. Саёҳатларга чекловлар коронавирус тасдиқланиш кўрсаткичлари ошишига қараб географик жиҳатдан кенгайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти коронавирусни пандемия дея эълон қилганидан кейин, жорий йилнинг 9 мартаидан 24 мартаигача саёҳатларга чекловлар қабул қилган мамлакатлар

сони 2,2 баробарга (81 тадан 181 тага) кўпайди. Бундан ташкари, ҳисоботда қайд этилишича, 2020 йилнинг 6 апрель ҳолатига кўра, бирорта мамлакат COVID-19 муносабати билан жорий қилинган чекловларни бекор қилгани йўқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2020 йилининг 27 апрелида Ўзбекистонга келувчи сайёхлар бўйича чора-тадсирлар ишлаб чиқилиб, расмий тартибга киритилди. 16 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди. 17 марта давлат чегараларидан ўтиш тақиқланди ҳамда ички туризмни таликл қилишга доир чораларни тўхтатиш тавсия этилди.

Шундай бўлса-да, Бутунжоҳон туристик ташкilotи барча давлатлар билан ҳамжиҳатликда соҳанинг коронавирус таъсиридан жабрланиш даражасини юмшатиш чораларини кўрмокда, уларга турли тавсиялар ва таклифлар бермоқда.

Шу билан бирга давлатимиз томонидан Ўзбекистонда коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рагбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиқлаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаш мақсадида:

-2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябригача бўлган даврда кичик тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан меҳмонхоналар) мол-мулк солиги ва ер солигини тўлашдан озод қилинди:

-кичик тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сонли ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармонларига асосан фойизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиги ва ер солиги суммалари, 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиги ва мол-мулк солиги бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарима

суммаларни ҳисобдан чиқариш кўринишида давлат томонидан кўшимча кўллаб-кувватлаш тақдим этилди:

-тадбиркорлик субъектларига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда қўшилган қиймат солигини тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечикириб олиш ҳуқуки берилганлиги маълумот учун қабул қилинди;

-2020 йилнинг 1 майидан 1 июлигача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналарга (акцизости товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгacha камайтирилди;

-тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – жамғарма) томонидан тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миљлий валютада бериладиган инвестициявий кредитлар бўйича, Жамғарма тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилишининг биринчи йили давомида фоиз харажатларини қоплашга компенсация бериш тарзида тадбиркорликни давлат томонидан кўшимча кўллаб-кувватлаш чоралари жорий этилди;

-2020 йил 1 октябрга қадар тадбиркорлик субъектларига айланма маблагларини тўлдириш учун миљлий валютада 500 миллион сўмгача бериладиган кредитлар бўйича Жамғарма тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилиш муддати давомида 10 фоизлик пункт миқдорида белгиланди.

Хукуматимиз томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар албатта ўзининг самарасини беради деган умиддамиз.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Рақамли иқтисодиёт ва инновациои технологияларни иқтисодиётта кенг жорий этиш шароитида туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожланиш йўналишларини аниқлаш борасида олиб борилган тадқикот натижаларида қуидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин туризм ривожланишига долзарб муаммолари тадқиқ этилган бўлиб, иқтисодиётнинг барча соҳалари каби миллий туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Булардан келиб чиқиб, соҳада таркибий ва ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди, янги давлат бошқаруви жорий қилиниб, соҳада инфратузилмани такомиллаштириш масалаларига ҳам катта аҳамият берила бошланди. Бунинг натижасида охириги йилларда хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган туристлар соии сезиларли даражада ортиб боришига эришилмоқда. Шу билан биргаликда ҳозирги кунда туризмнинг ЯИМдаги ҳиссаси республикамиздаги мавжуд туристик салоҳиятга нисбатан етарли эмаслиги аён бўлиб қолмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда монографияда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва туристик ресурслардан самарали фойдаланишга тўсик бўлаётган айrim муаммоларни ҳал қилиш борасида бир қатор илмий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди.

2. Тадқикот жараёнида замонавий туризм инфратузилмаси ривожланишининг илмий-назарий асослари ўрганилиб, замонавий туризм вужудга келиши жараёnlари ва босқичларини таҳлил килиб, ўрганиб чиққанимизда шу нарса намоён бўладики, у ўзининг ривожланиш жараёнида бир ичча босқичларни босиб ўтган бўлиб, қадимдан инсонлар ҳаётида дунёни билишда асосий восита бўлиб келган.

Шу пайтгача туризм соҳаси ривожланишига бағишлиган адабиётларда ва тадқиқотларда жаҳон туризми ривожланиши босқичлари тўлиқ асосланмаган эди. Тадқиқотимиз натижаларига асоссан жаҳон туризми ривожланиши босқичларини бир тизимга

келтириб, унинг ҳар бир босқичларида амалга оширилган ишлар илмий асосланди. Шу билан бирга халқаро туризмга турли вақтларда берилган таърифлар ўрганиб чиқилган ҳолда замонавий таърифи ишлаб чиқилди. Ўз навбатида халқаро туризмни таснифланиши билан бирга саёҳатларни ташкил қилиш йўниалишларига (маршрут) қараб ҳам таснифланади.

3. Туризм инфратузилмасини ташкил қилувчи воситалар ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш натижасида инфратузилма элементлари турли хил белгиларига қараб таснифланиши аникланди. Инфратузилмани кенг миқёсли мезонлари бўйича халқаро, миллий, худудий, шаҳар, қишлоқ инфратузилмаларига ажратилди. Фаолият соҳаси мезонларига кўра, инфратузилма ижтимоий, бошқарув, ва технологик соҳалар билан чегараланиши аникланди. Шу сингари, туризм инфратузилмаси туризм соҳасининг ажралмас қисми бўлган икки элементни ўз ичига олиши асосланди.

Шу билан бирга тадқиқотимизда туризм инфратузилмасини ташкил қиладиган асосий воситалар устида чуқур таҳлиллар олиб борилган бўлиб, унда инфратузилманинг аниқ шаклланиши соҳанинг ривожланишини таъминловчи куч эканлиги асосланди.

4. Жаҳои туризмининг ривожланиш тенденцияларини тўларок таҳлил қилганимизда, туристик ресурслардан фойдаланиш имкониятлари даражаси минтақалар мисолида ўрганилиб кераклиги аникланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, Европа минтақаси туризми жаҳондаги энг ривожланган инфратузилма эканлиги ва унинг тажрибаларидан республикамизда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга туризмдан олинадиган даромаднинг самарадорлиги мамлакат иқтисодиётiga кўшган ҳиссаси билан белгиланади, аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, туризмни ривожлантириш учун давлат олдин харажат қилиши керак бўлади. Халқаро туризм ривожланишида кўриб ўтилган омилларнинг ҳар бири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир давлат ўзининг имконият даражасида бу соҳани ривожлантириш ва иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилиши асосланди.

5. Ўзбекистонда туризм ифратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши ҳолати бир тизимга келтирилиб таҳлил қилиниши

натижасида шу нарса аёи бўлдики, республикамизда туризм инфратузилмаси шаклланиш босқичлари эволюцион йўл билан ривожлантирилганлиги ўрганилди. Шу билан бирга республикамиз туризми ривожланиши еттита босқичга бўлинди. Ҳар бир босқич бўйича амалга оширилган ишлар ва унинг бўлиниги асосланди. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари схемаси ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан хуроса қилиниб, бугунги кунда Ўзбекистонда миллий туристик мόделни шакллантириш жараёни жадалик билан амалга оширилмоқда. Республикада бозор иқтисодиёти шаклланаётган шароитда туризм ўзнинг миллий даромадни қайта тақсимлаш хусусияти асосида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омили эканлиги асосланди. Бозор иқтисодиётгина сайёҳларга асосан хусусий ва тијкорат компаниялари хизмат кўрсатади. Бундан ташқарн, агар давлат маъқул иқтисодий ва ҳуқуқий атмосфера яратса туризм барқарор ривожланиши таъминланиши кўрсатиб берилди.

6. Республикаизда туристларга хизмат кўрсатиш шартшароитлари ва кўрсатилган хизматларининг таҳлили кўрсатишича, охирги йилларда туристлар оқими кескин ортиб бораётганлиги аниқланган ҳолда, унинг ривожланишида етакчи омиллардан бири “Буюк Ипак йўли” лойиҳасини ривожлантиришга қаратилиши кераклиги илгари сурилди.

Шу билан бирга туристлар оқимининг яқин кўшни мамлакатлар орасида Қозоғистоннинг улуши юқорилиги бўйича сабаб бўлган омиллар келтирилди. Узоқ хорижий давлатлар бозоридаги етакчи мамлакатлардан ташриф буюрган туристлар тенденциясини кўриб чиққанимизда асосий туристларни етказиб берувчи саккизта мамлакат борлиги аниқланди. Бу давлатлар туристик бозордаги оқимининг ўргача 60-70%ни таъминлаб бериш омиллари асосланди.

7. Туризм инфратузилмаси тармоқларининг такомиллашуви ва ривожланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларимиз кўрсатишича, тармоқлар бир-бири билан мувофиқ ҳолда ривожланиб, республикамиз иқтисодиётининг комплекс ривожланиши ва шаклланишида ўзига хос ўрин тутмоғи зарур. Республика иқтисодиётининг шаклланишида бошқа тармоқлар

сингари туризм ҳам ягоиа моделга боғланиши керак. Республикаизда туризм инфратузилмасини ривожлантиришда давлат ёндашувини талаб киласидиган бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлиб, бу омилларнинг ечимини топмасдан туризм инфратузилмасини ривожлантириб бўлмайди. Бу омиллар куйидагилардан иборатдир:

- туризм инфратузилмасини ташкил этувчи ташкилотларнинг биргаликда фаолият олиб бормаслиги;
- саёҳатга чиқсан туристлар учун авиачипталар нархининг юқорилиги;
- меҳмонхоналардаги хизмат нархларининг ҳалқаро меъёрлардан нисбатан қиммат бўлишидир.

Шу билан бирга тармоқлар ўртасидаги интеграцияни тезлаштиришга тўсик бўлаётган муаммолар ечими ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, транспорт, овқатлантириш, жойлаштириш муассасаларининг ривожланиши ҳолати ва шарт-шароитлари таҳлил қилиниб ривожланиши йўналишлари кўрсатиб берилгандир.

8. Туризм инфратузилмаси ривожланишида инновацияларнинг кўлланиши шарт-шароитлари ва унинг туризмга тасири омилларини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бир қанча муаммолар ва камчиликлар мавжуд бўлиб:

-иқтисодиётнинг туризм тармоғи билан илмий муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги;

-Туризм кўмитаси, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиши соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувоффиклаштирилмаганлиги;

-туризм тараққиётини етарли даражада инновацион омиллар эвазига таъминлашда барча имкониятлар ишга солинмаётганлигидир.

Шу билан бирга мамлакат иқтисодиётида, хусусан, туризм соҳасида инновацион иқтисодиётни баҳолашда кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги соҳа тараққиётига салбий тасирик кўрсатмоқда.

Бу каби муаммоларни инновацион технололгияларни қўллан орқали ҳал қилиш борасида туристик обьектларда уни қўллашни босқичлар кетма-кетлигига олиб бориш тавсия этилди. Агар босқичлар муваффақиятли амалга оширилса, ҳар қандай туристик

корхона инновацияни жорий этгандада бозорга шиддат билди кириб боради ва максимал фойда олишга киришади. Шундай мухит юзага келиши мумкинки, бунда монопол мавқега эга бўлиш ҳам табиий. Шунинг учун бу жараёни жуда мураккаб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, кўпгина тармоқларга қараганди туризмда инновацияларни кўллаш кенг тарқалаётган бўлиб, деярли барча туристик компаниялар ва меҳмонхоналарда қўлланилмоқда. Бунда бир туристик фирмадан бошқа туристик фирмага ўтиш характеристики фарқланади. Айрим туркомпаниялар учун анъанавий профилга кирувчи турмаҳсулотлар ассортиментини алмаштириш ёки турмаҳсулотлар сонини сезиларли даражада ошириш, бошқалар учун истеъмол талабларини инобатга олган ҳолда, анъанавий турмаҳсулотнинг истеъмол сифатининг ортиб бориши аниқланди.

9. Туризмда инновацияларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизmlари борасида олиб борилган тадқиқотларимиз кўрсатишича, инновацион фаолият, инновацияларга олиб келадиган илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат фаолияти мажмуюи эканлиги аниқланди. Шу билан биргалиқда инновацияларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш борасида давлатнинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат бўлиши керак:

-туризм сиёсатининг тамоилиларини белгилаш ва ривожлантириш, уларни амалга ошириш дастурлари, фаолият иатижаларини мониторинг ва тадқиқ қилиш механизми (статистика ташкилоти, идоравий тадқиқотлар);

-туризм учун қуляй шарт-шароитлар яратиш, тегишли инфратузилма, дўустона мухит яратиш учун турли компаниялар, ташкилотлар ва жамиятларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

-инновация ва ҳамкорликни рағбатлантириш орқали туризм ва маркетингни қўллаб-куватлаш, мамлакатнинг жозибали обрў-эътиборини яратишидир.

Инновацияларни яратиш ва жорий этиш турли хил иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг биргалиқдаги сайд-харакатларини талаб қиласиганлиги сабабли, давлат томонидан қўллаб-куватланмай туриб, инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантириш мумкин эмас. Бунинг учун учта схемадан фойдаланишини талаб қиласи:

-худудий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг махсус мақсадли дастурлари ва ажратмаларини амалга оширишда давлатнинг бевосита иштироки;

-бюджет маблаглари хисобидан молиялаштириладиган ва потенциал фойдаланувчиларнинг кенг доираси бепул фойдаланиш учун йирик миллий марказларни (лабораторияларни) яратиш.

-туризм соҳасида минтақавий мақсадли дастурларни амалга ошириши кераклиги тавсия этилди.

Туризм инфратузилмасини мукаммал шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларимизда етарлича эмаслигини тадқиқотларимиз натижаси кўрсатмоқда. Масалан, кўпгина вилоятларда шу кунгача туристларга етарлича маълумот берадаган интернет сайтлари (Жиззах, Сирдарё) мавжуд эмас. Интернет сайтлари мавжудларида ҳам ҳозирги ахборот-технологиялари ривожланган бир пайтда тўлақонли ишламаяпти. Бизнинг фикримизча, муаммоларни атрофлича бартараф этиш мақсадида келажакда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси қошидаги “Миллий PR маркази”нинг фаолиятини кенгайтириб, уни такомиллаштирган ҳолатда “Туризм мультимедиа маркази”ни ташкил қилишимиз лозим. Сабаби, туристларга рақобатбардош ва сифатли хизматлар кўрсатишида бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Масалан, туристларнинг республикамиизда қолиши кунларини узайтиришида мухим аҳамиятта эга бўлган тадбирларни (кечки пайтларда туристик обьектларда туристлар учун махсус тарихий-маданий ва ахборот берувчи саҳналаштирилган томошалар кўрсатиши ва миллийликни тарғиб қилувчи концертлар) ўтказиш ва ташкиллаштирища хизматлар етарлича амалга оширилмаяпти.

Юқоридагиларни хисобга олган ҳолда ташкиллаштирилиши тавсия этилаётгани “Туризм мультимедиа маркази” унитар корхонасининг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

-дунёга машҳур туристик обьектларимизда туристлар учун махсус тарихий-маданий ва ахборот берувчи саҳналаштирилган томошалар кўрсатиши (мисол учун, доимий равища Самарқанддаги Регистон, Шаҳрисабздаги Оқсарой майдонларида бобомиз Амир Темур замонидаги тарихий кўринишдаги саҳналаштирилган театр томошалар);

-машхур туристик объектлар олдида миллийликни тарғиб қилувчи қонцертларни доимий равишда уюштириш (Хивадаги Иchan-қалада, Бухородаги Лаби-ҳавузда, Самарқанддаги Регистон майдонида, Кўқондаги хон Аркида);

-туризм бўйича ток-шоу жанрларидағи миллий кўрсатувларни тайёрлаш (марказий ва вилоятлардаги телерадио компаниялари билан ҳамкорликда ҳар бир мингтақанинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда);

-замонавий ахборот берувчи мультимедиали рекламаларни дунёдаги етакчи телеканаллар ва элчихона, консуликлар орқали реклама қилиш (хорижий элчихоналардаги вакиллар орқали);

-миллий туризмни тарғиб қилувчи юқори сифатли мультимедиали телемаҳсулотлар тайёрлаш (“Дунё бўйлаб” телеканали билан ҳамкорликда);

-туристик фирмалар, меҳмонхоналар ва туристик хизматларни амалга оширувчи ташкилотларга медиа-технологик хизмат кўрсатиш (турфирмаларни ва меҳмонхоналарни реклама қилиш, полиграфик маҳсулотларни ишлаб чиқишига ёрдам кўрсатиш) ва бошқа ташкилий, техник ва технологик ёрдамлар кўрсатиши лозим.

10. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли инновацион-технологияларни кўллаш фикримизча, “Хизмат кўрсатишида рақамли иқтисодиёт – янги ишлаб чиқиладиган ёки жорий қилиниши лозим бўладиган жараён эмас, бу туризмда инновацион технологияларни туристларниң кундалик ҳаётига жорий этиш орқали мавжуд хизматларни янгича кўринишига ўтказиши” -деганидир. Бунга мисол қилиб ҳозирда дунё туризми индустрисидаги ўзгаришларни олса ҳам бўлади.

Тадқиқотларимиз натижасида олинган маълумотларга кўра, иқтисодиётта рақамли инновациои-технологияларни жорий қилиш борасида дунё туризмидаги янги йўналиш бўлиб ҳисобланётган “Туризм 4.0” платформаси ишлаб чиқилмоқда. Агар илгари саноат соҳасида ишлатиладиган “Саноат 4.0” ёки “Ақлли фабрика” тушунчалари рақамлаштиришни ривожлантириш учун асос бўлган бўлса, ҳозирги пайтда кўплаб ривожланган мамлакатларда ушбу ёндашув хизмат кўрсатиши соҳаси бўлган туризмга нисбатан кўлланилмоқда. Туризми ривожланган давлатларда аллақачон “Туризм 4.0” платформаси амалиётта босқичма-босқич жорий

қылымноқда. 2018 йилдан бизга күшни бўлгай Козогистон туризмидаги ҳам “Туризм 4.0” платформасининг баъзи элементлари жорий қилина бошланди ва ривожлантириш йўналишлари белгилаб олинди. Туркия туризми дунёда ўз ўрнини янада мустаҳкамлап учун “Туризм 4.0” платформаси элементларидан бирни ҳисобланган ракамли маркетингга катта маблағлар ажратмоқда. Россия Федерацияси ҳам аллақачон “Саноат 4.0” концепциясидан келиб чиқсан ҳолда ўзининг “Туризм 4.0” ракамли платформа моделини ишлаб чиқиши ишларини бошлаб юборган.

Юқоридагилардан келиб чиқладиган бўлса, бизга кўшни мамлакатларда “Туризм 4.0” ракамли платформа моделини яратиш ишларига киришиб кетилганлиги, яқин кунлар ичида бу йўналишда кучли ракобат юзага келишидан далолат беради. Биз ҳам “Саноат 4.0” концепциясини амалга ошираётган мамлакатлар тажрибасини сарҳисоб қилган ҳолда, туризм ва меҳмондўстликни ракамлаштириш элементлари ва ушбу соҳада ўзимизнинг “Туризм 4.0” ракамли платформа моделини яратиш механизmlари ишлаб чиқилди.

11. Туризм инфратузилмасини шакллантиришда кластер усулини кўллашнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиши борасида олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, республикамиз туризмидаги кластер усулини жорий механизми ишлаб чиқилди.

Тадқиқотимизда туристик кластер турлари таснифланиши билан бирга уни қандай кўллаш борасида фикрлар билдирилгандир. Шу билан бирга технологик платформалар устида ҳам изланишлар олиб борилди.

Туристик кластер технологик платформанинг асосий фаолият йўналишларини кўйидагилардан иборат бўлиши керак:

- технология соҳасида башорат (прогноз)-тахлилий фаолият, стратегик режаларни ишлаб чиқиши, илмий-техник ривожланиши устуворликларини аниклаш, бизнес намоёндалари ва давлат институтларига платформанинг ишлаш профилий бўйича масалаҳатлар бериш;
- таълим фаолияти – ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўқув режалари ва таълим дастурларини ишлаб чиқиши, корхона ва ташкилотларга ёш мутахассисларни жалб қилиш;

- ахборот фаолияти – платформа доирасида янги ишланмалар ҳақида ахборотларни тарқатиш, унинг тадбирларига ахборот кўмагини кўрсатиш, тегишли анжуманлар, симпозиумлар, форумлар, учрашувлар, семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш.

Платформаларнинг барқарорлигини тъминлаш учун турли молиялаштириш манбаларидан (молиялаштиришнинг аралаш шакли) маблағларни жалб қилиш керак. Технологик платформалар, барча томонларни хисобга олган ҳолда йўналишини ривожлантиришнинг ягона стратегиясини шакллантириш учун сайди-харакатларни бирлаштиришга мўлжаллангай механизм бўлиши керак.

12. Изланишларимиз натижасига кўра минтақавий кластерларни ташкил қилишда ҳалқаро тажриба кўрсатишича, давлат-хусусий ҳамкорлик тамойиллари асосида ташкил этиш унинг тезрок ривожланишига ёрдам беради. Давлат минтақавий туристик кластернинг шаклланиши жараёни ва ривожланишида, айниқса биринчи босқичда, муҳим аҳамиятга эга, бироқ бу туризм бизнесига яқин, кўшимча равишда стратегик итифоқчиликни амалга оширади.

Тадқиқотларимиз ва Ўзбекистон Республикасининг административ бўлиниши ва минтақаларни комплекс ривожлантириш имкониятларини хисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган кластерларни ташкил қилишда туристик минтақаларни куйидагича бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади: Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри), Фаргона (Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятлари), Жиззах-Сирдарё (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), Самарқанд (Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳри), Бухоро-Навоий (Бухоро ва Навоий вилоятлари), Жанубий туристик минтақа (Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), Хоразм (Хоразм вилояти), Кўйи Амударё (Корақалпогистон Республикаси) туристик минтақаларига ажратишини таклиф қиласиз. Кўриб ўтилаётган ва тавсия қилинаётган Ўзбекистондаги саккизта туристик минтақаларни алоҳида ихтисослаштирилган кластер шаклида ривожлантиришни ва уларни туристик жозибадорлик нуқтаи назаридан куйидаги учта кластерни илгари суриш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўртча туристик жозибадорликка эга минтақалардан иборат биринчи кластерга 4та минтақани киритишни таклиф этамиз. Бу минтақаларда инфратузилма ривожланниши суст бўлиб, туристик юклама ва хорижий туристларнинг улуши маҳаллий туристлар сонидан ўртча даражадан паст. Бу кластерга рекрацио-соғломлаштириш ресурсларга бой бўлган Жиззах-Сирдарё, Фаргона, Қуий Амударё ва Жанубий туристик минтақаларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи гурӯҳ минтақасига Тошкент ва Самарқандни киритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз, сабаби бу ерга хорижий туристлар сайёхлик мақсадларидан кўра кўпроқ хизмат доирасида ишбилирмонлик йўналишида ташриф буюрадилар. Шу билан бирга бу минтақада аралаш туристик ресурсларга (тарихий-маданий, рекрацион) бой минтақа ҳисобланади

Учинчи гурӯҳга Бухоро-Навоий ва Хоразм минтақаларини киритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз, сабаби бу ерда маданий-тарихий туристик жозибадорлик нуқтаи назаридан инфратузилма етарлича ривожланган.

Буни митақалар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, масалан, Жиззах эркин иқтисодий зонасида таҳлилларимиз кўрсатишича, кластерларни (қишлоқ хўжалиги, тог-кончиллик, туристик-дам олиш ва бошқалар) ривожлантириш учун инфратузилманинг имкониятлари етарли эканлигини кўрсатади.

Республика ва ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган тарихий-маданий ва табиий ёдгорликлар сақланиб қолган ҳудудлар ва табиатни муҳофаза қилиш мавқеига эга бўлган ҳудудларда алоҳида кўриқланадиган ерларнинг мавжудлиги, дам олиш ва фаол рекреация учун яроқли бўлган турли-туман табиий ресурсларига эга бўлган Жиззах минтақасининг бекиёслиги вилоятни республикада энг жозибали рекрацион туристик йўналишларидан бирига айлантириш мумкин.

Жиззах минтақасидаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш асосида республикада туризмни ривожлантириш имкониятлари тўғрисида қуйидаги хulosалар бериш мумкин:

-соғломлаштириш туризмини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласидаги санаторий-курорт муассасаларининг ривожланган тизими мавжудлиги;

-төг-қишики туризм, соғломлаштириш туризми, спа-хизматлар, маданий, сув ва саргузаштли туризмни ривожлантириш учун салмоқли салоҳиятнинг мавжудлиги;

-төг-чангি спортини янада ривожлантириш имкониятларини белгилайдиган замонавий туризм инфратузилма элементларининг мавжудлиги;

-республикамизнинг бошқа ҳудудларга қараганда етарли даражада ривожланган турар жой тизимининг мавжудлиги (асосан миллий уй меҳмонхоналари).

Минтақада кластерни ривожлантиришнинг асоси қилиб олингаётган рекреацион-соғломлаштириш йўналиши бўйича имкониятларни кўриб чиқадиган бўлсак, бу борада санаторий ва соғломлаштириш обьектларининг нисбатан ривожланган инфратузилмаси борлигини кўрамиз.

Кластерга киритилиши таклиф қилинаётган ҳудудларда санаторий ва соғломлаштириш обьектларининг жойлашуви бўйича, 2019 йил ҳолатига Жizzах шаҳрида 10ta, Зомин туманида 5ta, Бахмал ва Галлаорол туманларида 1tани ташкил этади.

Худудий жиҳатдан ташкил қилинаётган кластернинг умумий туризм инфратузилмасини шакллантиришда (Жizzах шаҳри, Зомин, Бахмал, Галлаорол, Фориш туманлари) туризм турлари ва ихтисослигини аниқлаб олиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бу борада олиб борилган қузатишлар натижасида 5ta салоҳиятли туристик-рекреацион ресурсларга бой ҳудудларнинг ҳар бири учун туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини акс эттирувчи ихтисослиги аниқланди.

13. Мамлакатимизда туризм инфратузилмасини шакллантиришда қишлоқ туризми ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишимиз керак. Бунга асосан қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурига қўйидагиларни киритиш лозим. Биз учун бу дастур анча муҳим бўлиши мумкин;

-қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг хукукий ва меъёрий асосларини такомишлиштириш;

-салоҳиятли туристларга ва ривожланаётган тармоқлариининг ахборот бюrolарига қишлоқ туризми ҳақидаги барча маълумотларни, ахборотларни бепул етказиб бериш;

- дастурда қатнашувчи дәхқон хұжаликларини манзили бүйича молиявий күвватлаш;
- қишлоқ инфратузилмаларини такомиイラштириш бүйича мақсадлы маблағлар ажратиши;
- қишлоқ туризми корхоналарини хусусийлаштириша давлатнинг фоизли қатнашувини таъминлаш;
- қишлоқ жойларининг ҳолати маниторингини доимий ўтказиб бориш;
- фермерларни дотациялаш ва имтиёзли солиқлар белгилашда рағбатлантириш сиёсатини қўллаш;
- лойихаларни амалга ошириш учун инвесторларни излаш.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириша халқаро моделлар, тан олинган технологиялар ва стратегик режаларни қўллаш масаласини таҳлил қилганимизда шундай хуоса келиб чиқадики, ушбу моделлар, технологиилар ва стратегик режаларда бирои бир қойил қиласидаган ёки ҳайратта тушадиган томонлари йўқ. Бу технологиилар ва стратегик режаларда белгиланган жараёнлар ва воказицлар, ташкилий жиҳатларни ҳеч қийналмастан ташкил қилишимиз ҳам, бажаришимиз ҳам мумқун.

Халқаро тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантирища биринчи навбатда Туризм қўмитаси таркибида “Қишлоқ туризмини ривожлантириш” бўлимими ташкил қилишимиз зарур.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини ишлаб чиқиши ҳозирча анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, қайд қилганимиздек, бу соҳада кенг кўламли тадқиқотлар бошланганича йўқ. Лекин, Президентимиз ва Вазирлар Махкамасининг туризмни ривожлантириш тўғрисидаги фармоилиари ва карорлари асосида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини дастлаб лойиҳа варианtlарда ишлаб чиқишини бошлишимиз керак.

14. Ҳозирги кунда жаҳон туризми, шу сингари республикамиз туризми ҳам COVID-19 пандемияси туфайли жуда катта муаммога дуч келди. Бу муаммонинг имкон қадар туризмга таъсирини камайтириш ва камроқ зарар кўриш бўйича ишларни амалга ошириш борасида жаҳоннинг етакчи эксперtlари томонидан турли

хил фикрлар билдирилмоқда. Биз ҳам республикамизда коронавирус пандемиясининг туризмга таъсири, хусусий сектордаги вазият, онлайн туризм, соҳадаги ишсизликка барҳам бериш учун инновацион ечимлар, авиация бозоридаги ҳолат каби қатор муаммолар бўйича тадқиқотларни олиб боришимиз натижасида қуидаги хулосаларга келдик.

Тадқиқотлар кўрсатишича, жаҳон туризми пандемия бошланган кундан энг кўп зарар кўрадиган соҳалардан бири эканлиги яққол кўриниб қолди. Сабаби, туризм инфратузилмаси 50дан ортиқ тармоқлар (транспорт, саиоат, қишлоқ хўжалиги) билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу тармоқларсиз саёҳатни амалга ошириб бўлмайди.

Жаҳон туризм ташкилотининг (UNWTO) дастлабки тезкор ҳисоботига кўра, дунё туризми пандемия туфайли 2020 йилда 1 трли. АҚШ долларидан ортиқ зарар кўриши айтилмоқда.

COVID-19 пандемияси бошлангунча туризм соҳасида 100 миллиондан ортиқ аҳоли банд бўлиб, уларинг аксар қисми (75 миллионга яқин) ҳозир ишсиз қолмокда. Жаҳон туризми пандемиядан олдинги кўрсаткичга қаҷон чиқиб олишнинг энг қисқа муддати 1-1,5 йил деб белгиланмокда. Бу муддатнинг аниқ вақти вакцинанинг яратилишига боғлиқ бўлиб қолмокда. Вакцина яратилмагунча инсонлар саёҳат қилишдан воз кечишади. Бу эса яқин икки йил ичida жаҳон туризми ривожланиши тикланмаслигини кўрсатади.

Пандемиядан кейин саёҳат қилиш нархи қимматлашиши тахмин қилинмоқда, натижада бу тоифа сайёҳларнинг ташрифи ҳам кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Чунки, олдинлари Ўзбекистонда 1 хафта саёҳат қилиш ўртача 2000 АҚШ доллари бўлган бўлса, энди у икки бараварга ошиб кетиши мумкин. Масалан, ижтимоий масофа талабларига риоя қилган ҳолда самолётларда 3 кишилик жойда 1 киши жойлашади ва чипта нархи ҳам ошиб кетади. Келаси 1-1,5 йил ичida самолёт орқали (узок масофадаги туристик сафарга чиқадиганлар) учадиганларнинг катта қисмини фақат бой сайёҳлар ташкил қиласди.

Бу каби кутилмаган вазиятларда туризм ривожланишини кўллаб-куvvatлашнинг бир қатор варианatlари бўлиб, улардан бири ички туризмни кенг тарғиб қилишни илгари суришдир. Бу борада

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси асосий вазифаларни ўз зиммасига олиши лозим. Туристик компаниялар, меҳмонхоналар, кафе, ресторонлар ёпилиб қолмаслиги, туризм мутахассислари бошқа ишга ўтиб кетмаслиги учун имкон даражасида уларга ички туризмни қўллаб-кувватлаш орқали шароит яратиб бериш йўлларини излаш керак бўлади.

Пандемиядан кейинги вақтда туризмни тезда оёққа турғазиб олишининг яна бир варианти туризмни диверсификациялаш лозим. Ўзбекистонга асосан узоқ хорижлик туристлар ҳаво йўлари орқали кириб келади. Бизда чигта нархи халқаро даражага қараганда нисабатан қиммат бўлганилиги сабабли ўртacha маблағга эга бўлган туристлар сони кескин камаяди. Шунинг учун Ўзбекистонни бой сайёҳлар келадиган туристик манзилга (luxury destination) айлантиришимиз керак. 200 минг шундай тоифадаги сайёҳлар 1,0 миллион ўртacha маблағ сарфлайдиган сайёҳлар ўринини босиши мумкинлиги ўрганилди.

Умуман хулоса қилиб оладиган бўлсак, ҳозирги тез ўзгарувчан шароитда туризм ҳам мослашувчан бўлиши керак. Шундагина биз рақобатга бардошли инфратузилмани яратса оламиз.

ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонувлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003, 36 б.
2. “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари

3. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори. 2016 йил 2 декабрь.
4. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510-сонли Қарори. 2018 йил 6 февраль. КҲММБ: 06/18/5611/2430-сон. 06.01.2019 й.
5. “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони. 2016 йил 2 декабрь.
6. “Чорвок” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли Фармони. 2017 йил 5 декабрь.
7. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармон. 2017 йил 7 февраль //Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
8. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 -сонли Фармон. 2019 йил 5 январь. КҲММБ: 06/18/5611/2430-сон. 06.01.2019 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

9. “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 356-сонли қарори. 2017 йил 5 июнь.

10. “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2018 йил 31 август.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017, 104 б.

12. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон маифаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганининг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, 48 б.

13. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябряга қадар Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутклари ўрин олган. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, 488 б.

V. Асосий адабиётлар

14. Александрова А.Ю. Международный туризм: Учебник/ А.Ю. Александрова. –М.: Аспект Пресс, 2002, 470 с.
15. Александрова А. Ю. Международный туризм. Учебное пособие для вузов. – М.: Аспект Пресс, 200, 464 с.
16. Абдувохидов А. Туризмда ахборот технологиялари. Дарслик. –Т.: ТДИУ. 2019 й.
17. Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. - Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте.
18. Алиева М. Мехмонхона менежменти. Дарслик. –Т.: ТДИУ. 2010 – Т.: ТДИУ, 2010 й. 320 б.
19. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017, 265 б.
20. Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараёнининг ривожланиши: номзод. дисс.автореф., 2001, 22 б.
21. Боголюбов В.С. Экономика туризма / В.С. Боголюбов, В. П. Орловская. – М.: Академия, 2005, 192 с.
22. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2003, 176 с.
23. Биржаков М.Б. Введение в туризм. - Издание 9-е переработанное и дополненное. - СПб.: «Издательский дом Герда», 2007, 576 с.
24. Баумгартен Л.В. Управление качеством в туризме. Практикум: учебное пособие / – М.: КНОРУС, 2008, 288 с.
25. Борисова А.В. Курортное дело и оздоровительный туризм: учебное пособие / - Ярославл: ЯрГУ, 2009, 114 с.
26. Ветитнев А.М., Журавлева Л.Б. Курортное дело: учебное пособие/. – М.: КНОРУС, 2006, 528с.
27. Горішевський П. Сільський зелений туризм: організація надання послуг гостинності/ П. Горішевський, В. Васильев, Ю. Зінько. – Івано-Франківськ: Місто НВ, 2003, 148 с.
28. География туризма: учеб. /кол. Авторов; под ред. А.Ю. Александровой. 2-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2009, 592 с.
29. Дмитриев М.Н., Забаева М.Н., Малыгина Е.Н. Экономик туристского рынка: учебник для студентов вузов, обучающихся по

направлениям сервиса и туризма / – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012, 311с.

30. Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006, 160 с.

31. Зорин И. В. Туризм как вид деятельности / И. В. Зорин, Г. П. Каверина, В. А. Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2005, 288 с.

32. Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардаи фойдаланиш самараадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). – Иқт.фан.дисс.автореф. – Самарқанд, 2010.

33. Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини кўллаш. – Номзод..дисс.автореф, 2008, 23 б.

34. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4-е изд., стереотип. – Минск: Новое знание, 2004, 409 с.

35. Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма : Учеб. пособие/ Н. И. Кабушкин. — Mn.: БГЭУ, 1999, 644 с.

36. Квартальнов В. А. Туризм. – М.: Финансы и статистика, 2002. 320 с.

Квартальнов В.А. Туризм: история и современность: Избранные произведения: В 4-х т. -М.: Финансы и статистика, 2002, 499 с.

37. Кифяк В.Ф. Організація туристичної діяльності в Україні/ В.Ф. Кифяк. – Чернівці: Книги-XXI, 2003, 300 с.

38. Кузнецова А. И. Инфраструктура: Вопросы теории, методологии и прикладные аспекты современного инфраструктурного обустройства. Геоэкономический подход/ А. И. Кузнецова. –М.: КомКнига, 2006, 456 с.

39. Мухаммедов ва бошқалар «Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари» –С.: Зарафшон 2007, 299 б.

40. Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмида маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. – иомзод.. дисс.автореф., 2008, 23 б.

41. Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга тъсири (Испания мисолида): иқт.фан.номз. дисс. – Т., 2004. 136 б.

42. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2010, 320 б.
43. Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов. Ш.А, Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўкув кўлланма.Т.: Фан ва технология, 2018, 296 бет.
44. Пардаев М.К, Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Ўкув кўлланма. – Самарқанд: СамИСИ, 2006, 137 б.
45. Рўзиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари: –номзод.дисс. автореф.2009, 216.
46. Раҳимов Ҳ.А. Мехмонхона хўжаликларида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишни такомиллаштириш.- иқтисодиёт фанларидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – 2018, 62 б.
47. Скобкин С.С. Менеджмент в туризме: учеб. пособ. – М.: Магистр, 2007. – 447 с.
48. Сафаров Б.Ш. Миллий турнтик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2016. - 254 б.
49. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асосларн. Дарслик.–Т.: Фан ва технология, 2014.- 332 б.
50. Тимохина Т.Л. Организация приема и обслуживания туристов: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 352 с.
51. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма: -док.дисс. автореф., 2011, 38 с.
52. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.–2006, 367 с.
53. Ушаков Д.С. Экономика туристской отрасли: учебное пособие / - Ростов на Дону: «МарТ»; Феникс, 2010. – 446 с.
54. Харрис Г., Кац Р. Становление международного туризма в XXI веке. - М.: Финансы и статистика, 2006.

55. Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана:канд. дисс. автореф, 2006-22 с.

56. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма: учебное пособие. – 2-е изд. / А.Д. Чудновский, М.А Жукова, В.С. Сенин. – М.: КНОРУС, 2005. – 448 с.

57. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришининг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Doctor of science диссертация автореферати –Самарқанд. 2019.

VI. Монография, илмий мақолалар ва тезислар

58. Alieva M.T. Assessment of the development potential of the tourism industry in Uzbekistan// Journal of Management Value & Ethics Jan.-March 19, Vol.9 No.1, India ISSN-2249-9512.

59. Alieva M.T. Tourism in Uzbekistan: status, problems and prospects. //Harvard Journal of Fundamental and Applied Studies, No.1. (7) (January-June). Volume VII. "Harvard University Press", 2015. - 865 p. Source Normalized Impact per Paper (SNIP): 3.538

60. Alieva M.T. Macro-economic aspects of development of regional tourism in Uzbekistan// Science and Education Studies. No.2.(16), July-December, 2015. Stanford University Press.2015.

61. Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари. Монография. –Т.: Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2013 й. -239 б.

62. Алиева М.Т. Туризмда замонавий бошқарув тизимини жорий этиш механизми. //Иқтисодиёт ва таълим. –Т., 2019, №2. – 199–204-б.

63. Алиева М.Т. Маркетинг тадқиқотлари орқали туристик хизматлар сифатини ошириш йўллари. //Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани. Тошкент 2018 й. 27 ноябрь.89–93-б.

64. Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. - С: 4-9.

65. Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахманов Д.А., Тошходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 2036.
66. Навruz-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навruz-зода З.Б., Навruz-зода Ш.Б.. Туристик худуд рақоба ғардошлиги. Монография. Бухоро: “Sadreddin Salim Buxoriy” Durdonashriyoti, 2017 - 156 б.
67. Норчаев А.Н. Жиззах миңтақасида туристик-рекреациои кластерни жорий қилишнинг ташкилий механизмлари // Иқтисодиёт ва таълим. 2020. №2. –Б. 201-206.
68. Норчаев А.Н. Влияние туризма на социально – экономическое развитие //Научные горизонты. Международный научный журнал. - №2(30) I 2020, Россия, ISSN-2587-618X. –С. 118-125.
69. Норчаев А.Н. Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг шаклланиши ривожланиши истиқболлари //Иқтисодиёт ва таълим. 2019. -№3. – Б. 200-204.
70. Norchaev Asatullo. Changes and Opportunities at Tourism Infrastructure //Asian journal of Technology & Management Research, Volume: 9 Issue: 01, 2019, India, ISSN-2249-0892.
71. Норчаев А.Н. Қишлоқ туризми инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантариш имкониятлари //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнали. -№4, июль-август, 2019 йил.
72. Норчаев А.Н. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши йўналишлари ва инфратузилмадаги кутилаётган ўзгаришлар //Сервис. 2019. - №2. – Б. 85-89.
73. Норчаев А.Н. Туризм инфратузилмасида кутилаётган ўзгаришлар ва имкониятлар //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнали. -№1, январь-февраль, 2019 йил.
74. Норчаев А.Н. Туризм инфратузилмасини шакллантиришда кластернинг имкониятлари // Мөйморчилик ва курилиш муаммоларн. 2019. -№1. –Б. 123-127.
75. Норчаев А.Н., Абулқосимов Х.А. Туристик бозорларни ривожлантаришда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш // Иқтисодиёт ва таълим. 2009 -№3. –Б. 116-119.

76. Норчаев А.Н. Ўзбекистонда туризм: ислоҳотлар, муаммолар, истиқболлар// Иқтисодиёт ва таълим. 2011.-№5.-Б. 72-75.
77. Норчаев А.Н. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари //VIII Глобальная наука и инновации 2020: Центральная Азия. Международный научно-практический журнал. Нур-Султан, Казахстан. №3(1) Февраль-март, 2020.-Б.32-35.
78. Норчаев А.Н. Взаимодействие государства и частного бизнеса в сфере развития инфраструктуры туризма //Тенденции и проблемы развития туризма и гостеприимства в XXI веке. Сборник статей по итогом межвузовской (с международным участием) научно – практической конференции. (25 апреля 2019 г). Москва. 2019. – С. 64-70.
79. Норчаев А.Н. Туризмни кластер усулида ривожлантиришнинг самарали йўллари //Жаҳон иқтисодиёти глобализацияси шароитида туризм индустрияси ривожланишининг устувор йўналишлари. Халқаро илмий - амалий анжуман материаллари (2019 йил 10 октябрь). Тошкент, 2019. –Б. 86-90.
80. Норчаев А.Н. Ўзбекистонда экологик туризм ривожланишини давлат томонидан қўллаб-куvvатлап // Туризм бизнесини ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибалари ва уни Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари. Халқаро илмий - амалий анжуман материаллари (2017 йил 6 октябрь). Тошкент, 2017. –Б. 46-47.
81. Норчаев А.Н., Туризм бозори сигимини аниқлаш услубияти //Ўзбекистонда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризм: ривожланиш муаммолари ва истиқболлари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (2016 йил 6 октябрь) Тошкент, 2016. –Б. 353-355.
82. Норчаев А.Н. Туризмда илмий-тадқиқот институтларини ташкил қилишда хориж тажрибаси //Иқтисодий, демографик, экологик барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари. Республика илмий - амалий анжумани материаллари. (30 январь 2010 й). Урганч. 2010. –Б. 9-11.
83. Норчаев А.Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг ўзгариши ва ривожланиши йўналишлари //Туризм иқтисодий

ўсишнинг мухим таянчи сифатида. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. (2009 йил 30 май). Тошкент. 2009. –Б. 135-136.

84. Норчаев А.Н. Туризмда ракамли инновацион-технологияларни кўллаш йўналишлари //Ўзбекистонда ракамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти. Халқаро илмий - амалий конференцияси тезислари (2020 йил 20 май). Тошкент, 2020. –Б. 333-336.

85. Норчаев А.Н. Туризм ривожланишидаги муаммоларни кластер ёрдамида ҳал қилиш //Жаҳон иқтисодиёти глобализацияси шароитида туризм индустрияси ривожланишининг устувор йўналишлари. Халқаро илмий - амалий анжуман материаллари (2019 йил 10 октябрь). Тошкент, 2019. –Б. 359-364.

86. Норчаев А.Н. Туристик корхоналарда инсон ресурсларини бошқариш // Туризм бизнесини ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибалари ва уни Ўзбекистонда кўллаш истиқболлари. Халқаро илмий - амалий анжуман материаллари (2017 йил 6 октябрь). Тошкент, 2017. –Б. 151-154.

87. Норчаев А.Н., Норбўтаев Ж.Р. Мехмонхона бизнесини ривожлантиришда инновацион стратегияларни танлаш. // Ўзбекистонда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризм: ривожланиш муаммолари ва истиқболлари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (2016 йил 6 октябрь) Тошкент, 2016. –Б. 454-458.

88. Норчаев А.Н., Сангиров У. Х. Модернизация системы управления и модели государственного регулирования туризма // Двадцать четвертые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. (2 февраля 2011 г). Москва. 2011. -С. 284-285.

89. Норчаев А.Н., Раббимов Э.Т. Ўзбекистонда туристик хизматлар бозорини ривожлантиришда экологик туризмнинг ўрни. // Барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли. Халқаро илмий -амалий анжуман материаллари. (2010 йил 24-26 ноябрь) Самарқанд. 2010. –Б. 163-165.

90. Норчаев А.Н. Туризм соҳасида кадрларни профессионал тайёрлаш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш //Информационно – ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты

и перспективы. Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. (5 ноября 2009 г). Ташкент. 2009. –С. 239-241.

91. Норчаев А.Н., Вохидов Л. Туристик бозор сингимини аниқлаш методикаси //Туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари. Халқаро илмий - амалий анжуман материаллари. (2008 йил 5-декабрь). Тошкент. 2008. –Б. 56-58.

92. Норчаев А.Н., Набиев Н. Туризм соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириши йўллари //Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туризм индустрясини ривожлантириш: салоҳият ва имкониятлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. (15 апрель 2011 й). Тошкент. 2011. –Б. 165-167.

93. Норчаев А.Н. Замонавий туризм ривожланишида диснейлендларнинг аҳамияти //Туризм иқтисодий ўсишнинг муҳим таянчи сифатида. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. (2009 йил 30 май). Тошкент. 2009. –Б. 87-89.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ БОБ. РИВОЖЛАНИШИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Замонавий туризмнинг вужудга келиши жараёнлари ва босқичлари.....	9
1.2. Туризм инфратузилмасини ташкил қўлувчи воситалар ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар.....	24
1.3. Халқаро туризмнинг ривожланиши тенденциялари.....	42
II ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМА- БОБ. СИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ХОЛАТИ.....	63
2.1. Туризм инфратузилмасининг шаклланиши босқичлари.....	63
2.2. Туристларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари ва кўрсатилган хизматларнинг таҳлили.....	75
2.3. Туризм инфратузилмаси тармоқларининг такомиллашуви ва ривожланиши ҳолати.....	89
III ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНИШИДА БОБ. ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ.....	104
3.1. Туризм инфратузилмаси ривожланишига инновацияларининг таъсири.....	104
3.2. Туризмда инновацияларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизмлари.....	117
3.3. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли инновацион-технологияларни қўллаш йўналишлари.....	130
IV ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛАН- БОБ. ТИРИШДА КЛАСТЕР УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ- НИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ.....	142
4.1. Туризм инфратузилмасини шакллантиришда кластерлаштириш усувлари.....	142
4.2. Минтақавий туризм кластерларини жорий қилиш механизmlари	154

V	ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ БОБ. ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	170
5.1.	Қишлоқ туризми инфратузилмасини шакллантиришда хориж тажрибасини қўллаш.....	170
5.2.	Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясининг туризмга тасирини юмшатиш йўллари.....	182
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	194
	ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР.....	208

**НОРЧАЕВ АСАТУЛЛО
НОРБЎТАЕВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИННИГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**Тошкент – «Инновацион ривожланиш
нашиёт-матбаа уйи» – 2020**

Мухаррир: М. Ҳайитова
Мусаввир: А. Шушунов
Мусаххих: Ш. Мирқосимова
Саҳифаловчи: А. Нарманов

Босишига руҳсат этилди: 24.08.2020 й.
Бичими 60x84 1/16. Times.uz гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоги 14,5.
Нашриёт босма табоги 13,75. Адади 100. Буюртма № 113

**«Инновацион ривожланиш нашиёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.**

100066, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.